

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА  
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ҳузуридаги олий таълим тизими педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш Тармоқ маркази  
директори \_\_\_\_\_ Г.Ахунова  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 й.

**“ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

Тузувчилар: доц. Ш.А.Тожибоева

## Мундарижа

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	11
1-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари.....	11
2-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг усуллари ва таҳлилни ташкил қилиш .....	31
3-мавзу. Хўжалик субъектларининг меҳнат ва моддий ресурслар билан таъминланиши ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш .....	46
4-мавзу. Хўжалик субъектларида асосий воситалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда давр харажатлари таҳлили .....	57
5-мавзу. Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва молиявий ҳолат таҳлили .....	66
ТАҚДИМОТЛАР .....	104
ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	162

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

- Тингловчиларга “Иқтисодий таҳлил” ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

- “Иқтисодий таҳлил” унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

- Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози шароитида “Иқтисодий таҳлил” уни бошқариш тизимидаги ислохотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгилашниларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

- «Иқтисодий таҳлил» тизимидаги ислохотлар, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Иқтисодий таҳлил” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар: хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил ўтказишнинг назарий ва услубий асослари; молиявий ҳисоботни таҳлил усуллари; таҳлил самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш услубиётлари; молиявий натижаларни таҳлил стратегияси; замонавий шароитларда таҳлил тизимидаги ислохотлар ва уларнинг концептуал асослари бўйича билимларга эга бўлишлари лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Ўқув модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ҳозирги глобаллашув шароитида «Иқтисодий таҳлил» тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз «Иқтисодий таҳлил» тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

## Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1	Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари	4	2	2	-	-	2
2	Иқтисодий таҳлилнинг усуллари ва таҳлилни ташкил қилиш	4	4	2	2	-	-
3	Хўжалик субъектларининг меҳнат, моддий ресурслар билан таъминланиши ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш	4	4	2	2	-	-
4	Хўжалик субъектларида асосий воситалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили	6	4	2	2	-	2
5	Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва молиявий ҳолат таҳлили	4	4	-	4	-	-
	<b>Жами:</b>	<b>22</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>-</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари (2 соат)

1. Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиши, унинг предмети ва вазифалари.

2. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Иқтисодий таҳлил турлари, иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиши, унинг предмети ва вазифалари, объекти ва субъекти; фанлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг ўрни; иқтисодий таҳлил фанининг мазмуни; иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари, турлари; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

#### 2-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг усуллари ва таҳлилни ташкил қилиш (2 соат)

1. Иқтисодий таҳлилнинг оддий-анъанавий ва иқтисодий-математик усуллари.

2. Хўжалик субъектларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш.

3. Хўжалик субъектлари фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш.

Иқтисодий таҳлил усулларини таснифланиши; оддий-анъанавий усуллар; иқтисодий-математик усулларнинг умумий тавсифи; иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш босқичлари; таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш; таҳлил натижаларидан хўжалик субъектлари фаолиятида самарали фойдаланиш; иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбалари; таҳлилни манбалар билан таъминлашни такомиллаштириш йўллари; хўжалик субъектлари фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш.

### **3-мавзу. Хўжалик субъектларининг меҳнат, моддий ресурслар билан таъминланиши ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш. (2 соат)**

1. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлиги таҳлили.

2. Хўжалик субъектларининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлили.

Хўжалик субъектларининг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш; меҳнат ресурслари таркиби ва уларнинг динамикасини таҳлили; иш вақтидан самарали фойдаланиш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили; ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили; ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили; маҳсулот ҳажмига меҳнат омиллари таъсирининг таҳлили; хўжалик субъектларининг моддий ресурслар билан таъминланганлигини таҳлили; моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини таҳлили; материаллардан самарали фойдаланишнинг маҳсулот таннархини пасайтиришдаги аҳамияти.

### **4-мавзу. Хўжалик субъектларида асосий воситалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили (2 соат)**

1. Хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили.

Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлили; асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларини таҳлили; фонд қайтими ва фонд сиғимининг таҳлили; асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш; маҳсулот таннархини пасайтиришнинг аҳамияти; бир сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатлар таҳлили; ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлари ва калькуляция моддалари бўйича таҳлили; хўжалик субъектлари фаолиятидаги давр харажатларини таҳлили ва уларни пасайтириш имкониятларини аниқлаш.

### **5-мавзу. Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва молиявий ҳолат таҳлили**

1. Хўжалик субъектлари молиявий ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш

2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий ҳажми ва айланувчанлигини таҳлили.

3. Молиявий натижа кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш

Бухгалтерия баланси актив ва пассив моддаларининг таҳлили; баланс ликвидлигини таҳлили; корхона тўлов қобилиятини таҳлили; корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлили; иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молиявий барқарорликни яхшилаш чора-тадбирлари; хусусий капитал таркиби ва динамикасини таҳлили, хўжалик субъекти молиявий ва иқтисодий ҳолатига умумий баҳо бериш; дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлили; дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигини таҳлили; молиявий натижалар, уларнинг таркиби ва тузилишини таҳлили; соф фойда ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили; рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлили; фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини аниқлаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари (2 соат)**

1. Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиши, унинг предмети ва вазифалари.

2. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Иқтисодий таҳлил турлари, иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

### **2-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг усуллари ва таҳлилни ташкил қилиш (2 соат)**

1. Иқтисодий таҳлилнинг оддий-анъанавий ва иқтисодий-математик усуллари.

2. Хўжалик субъектларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш.

3. Хўжалик субъектлари фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш.

### **3-мавзу. Хўжалик субъектларининг меҳнат, моддий ресурслар билан таъминланиши ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш. (2 соат)**

1. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлиги таҳлили.

2. Хўжалик субъектларининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлили.

### **4-мавзу. Хўжалик субъектларида асосий воситалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили (2 соат)**

1. Хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили.

## **5-мавзу. Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва молиявий ҳолат таҳлили (4 соат)**

1. Хўжалик субъектлари молиявий ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий ҳажми ва айланувчанлигини таҳлили.
3. Молиявий натижа кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

### **МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ**

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Иқтисодий таҳлил” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутди.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. 30 август 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрир). - Т.: 2000 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

#### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 2014 йил 4 декабрдаги №2270-сонли Қарори.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 2013 йил 25 декабрдаги №2099-сонли Қарори.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-



тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 – сонли Фармони.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2008 йил 19 ноябрдаги ПФ-4010-сонли Фармони.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Қарияларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2302- сонли Қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2133- сонли Қарори.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

3.2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54- қарори. –Т.: 1999й.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

4.1. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январ.

4.3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

#### **V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар**

5.1. Ваҳобов А.В., ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2013. - 480 б.

5.2. Shog'yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -Т.: Fan va texnologiya, 2012. -278 б.

5.3. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. Финансовый анализ. Учебник. - М.: Проспект, 2009. -624 с.

5.4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2012. -120 б.

5.5. Pardayev M.Q, Xasanov B.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. -Т.: Cho'lpon, 2012. -400 б.

5.6. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2010. -367 б.

5.7. Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2014. -235 б.

5.8. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Mehnat, 2004. -488 б.

5.9. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2003. -239 б.

5.10. Бариленко В.И., Плотникова Л.К, Кузнецов С.И., Скачкова Р.В, Плотникова В. Анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –М.: Омега – Л, 2009. – 414 с.

5.11. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. -М.: Инфра, 2009. -586 с.

5.12. Баканов М.И., Мельник М.В. Теория экономического анализа. Учебник. -М.: Финансы и статистика, 2007

5.13. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. -296.

#### **VI. Интернет сайтлари**

6.1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

6.2. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)

6.3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6.4. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

6.5. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### 1-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари Режа

1.1.Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиши, унинг предмети ва вазифалари.

1.2.Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

1.3.Иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

1.4.Иқтисодий таҳлил турлари,

**Калитли сўзлар:** билиш назарияси, анализ; синтез; дедуктив ва индуктив усул; молиявий ва бошқарув таҳлили, хўжалик юритиш жараёни, хўжалик юритувчи субъектлар; маълумотлар манбаси; ички хўжалик имкониятлари; комплекс ва тизимли таҳлил, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар; кўрсаткичлар тизими, ички ва ташқи, миқдор ва сифат, ижобий ва салбий омиллар, жорий, тезкор, истиқболли, функционал-қиймат таҳлил, таққослама таҳлил.

#### 1.1.Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиши, предмети ва вазифалари

Ҳар қандай фаннинг вужудга келиши учун ҳаётий зарурат туғилиши лозим. Шу туфайли фаннинг шаклланиши бирор киши ёки вазирликнинг ижод маҳсули бўлиб қолмасдан, балки объектив жараёнга таянади.

Хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш фани кўп асрлик тарихга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби ва статистика каби фанлар асосида вужудга келган, бунинг учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган.

Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик қувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни талаб этди. Бу эса бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларда ифодаланган баъзи кўрсаткичларга изоҳ беришни талаб қилди. Булар эса ўз навбатида ҳозирги таҳлил фанининг вужудга келиши учун объектив асос бўлган.

Ишлаб чиқариш тараққиёти инқироз ва рақобатни ҳам вужудга келтирди. Бундай шароитда ҳар бир корхона фаолиятининг молиявий барқарорлиги, ундаги «тижорат сири» муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда бухгалтерия баланси маълумотлари етарли бўлмасдан қолди. Бухгалтерия баланси билан биргаликда бошқа кўрсаткичларни ифодаладиган ҳисоботлар ҳам вужудга кела бошлади ва таҳлилнинг кўлами кенгайди. Олдин фақат бухгалтерия баланси таҳлил қилинган бўлса, энди унга бошқа ҳисоботлар таҳлили ҳам қўшилиб «Ҳисобот таҳлили» вужудга келди. Бунда бухгалтерия балансидаги кўрсаткичлар билан биргаликда «Фойда ва зарарлар» ҳақидаги ҳисобот маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани мустақил фан сифатида шакллангунга қадар ўзига хос тарихга ва бир қанча номларга эга бўлди. Иқтисодий таҳлилнинг вужудга келиш тарихи, бу бўйича нашр қилинган

адабиётлар, унинг фан сифатида шаклланиши ва номининг ҳам такомиллашиб борганлигидан далолат беради. Шундай қилиб таҳлил фани вужудга келгунча бир қанча эволюцион йўлни босиб ўтди. Ниҳоят у фан сифатида шаклланди. Эндиги вазифа бу фанга тўғри ном танлашдан иборат эди. Бу борада анча ижодий тортишувлар ҳам бўлди. Бир гуруҳ олимлар бу фаннинг номини «Иқтисодий таҳлил» деб аташни тавсия қилдилар. Бунда ушбу фан корхонанинг бутун иқтисодини ўргатади, деб асосладилар.

Иккинчи гуруҳ олимлар эса ушбу фаннинг номини «Социал-иқтисодий таҳлил» деб аташни тавсия қилдилар. Шу туфайли ушбу фан иқтисодий жараёнларни ижтимоий (социал) жараёндан ажратиб бўлмайди, деб ўрганади. Бу айниқса, мустақил Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга, чунки биз кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Фаннинг предмети деганда, шу фанда нима ўргатилиши тушунилади. Ҳар қандай мустақил фан ўзининг предметига эга. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети кенг маънода қарайдиган бўлсак, у иқтисодий фан сифатида таҳлил қилинаётган объект (корхона, бирлашма, компания, акциядорлик жамияти, концерн, корпорация кабилар) хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, техник, технологик ва ҳ.к.) ўз ичига олади. Лекин ҳар бир иқтисодий фан ўзига хос хусусиятга, ўзи ўрганадиган предметга эга. Бу фақат шу фанга хос бўлиб, имкони борича бошқа фанларда такрорланмаслиги лозим. Бу талаб шу фаннинг мустақил фан сифатида фаолият кўрсатиши учун асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти таҳлили (келгуси матнларда фақат иқтисодий таҳлил ёки таҳлил ҳам деб юритилади) фаннинг предмети том маънода таҳлил қилинаётган объектнинг хўжалик фаолиятидир. Аммо бухгалтерия ҳисоби, статистика, молия ва кредит, аудит, маркетинг, менежмент каби фанларнинг ҳам предмети кенг маънода хўжалик фаолиятидир. Бу фанлар ҳам хўжалик фаолиятида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ўргатади. Демак, ҳар бир фаннинг, шу жумладан хўжалик фаолияти таҳлили фанининг ўзига хос ва мос жиҳатини, унга тегишли предметни аниқлаб олиши лозим.

Таҳлил фани хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига олади. Аммо бу жараёнларнинг содир бўлиш пайтини эмас, балки унинг натижасини ўрганади. Объектда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар унинг бизнес режасида кўзда тутилган маълумотга асосланса, жараённинг содир бўлишини қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштириш билан бухгалтерия ҳисоби, статистика каби фанлар шуғулланади. Шу жараёнларнинг натижаси маълум даврларда (ой, чорак, йил) жамланиб борилади ва турли ҳисоботларда ўз аксини топади. Таҳлил эса айнан ана шу тузилган ҳисоботларга, жамланган ҳужжатларга асосланади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фанининг предмети, хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими (система) орқали унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўллари ишлаб чиқишни ўрганишдан иборатдир.

Таҳлилнинг предметида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар алоҳида ўрин тутуди, чунки иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Улар маълум ички ва ташқи омиллар таъсири оқида рўй беради. Шу омиллар таъсирини бошқа фанлар ўргатмайди. Бу фақат таҳлил фанида ўрганилади ва унинг предметининг асосини ташкил этади. Шунингдек, хўжалик фаолияти натижасига тўғри баҳо бермасдан, унга таъсир қилган ижобий ва салбий омилларни ўрганмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлил фани предметининг марказида объектив ва субъектив омилларни ўрганиш лозимлиги қайд қилиниши бежиз эмас.

Таҳлилнинг предметини ўрганишда фақат содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан чекланиб қолиш мутлақо йетарли бўлмас эди. Таҳлилдан мақсад мавжуд натижага одилонга баҳо бериш билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни келгусида бартараф этиш ва шу орқали таҳлил қилинаётган объектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашдан иборатдир. Бу эса содир бўлган ва бўлаётган жараёнларга тўғри баҳо бериб, бўладиган жараён андозасини ҳам чизиб беришни такозо этади.

Шу туфайли таҳлилнинг предмети ўтган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Барча ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижаси кўрсаткичларда ифодаланади. Кўрсаткичлар эса асосан маълумотлар манбаида (режаларда, меъёрларда, ҳисоботларда ва ҳ.к.) ўз аксини топади. Объектда иқтисодий жараёнлар якка-якка бўлиб эмас, балки бир-бирига диалектик боғлиқ равишда бирданига содир бўлади. Унинг ҳар бир жиҳати алоҳида кўрсаткичларда ифодаланади. Шу туфайли хўжалик фаолиятини ўрганишда битта кўрсаткич эмас, балки кўрсаткичлар тизимидан (системадан) фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида таҳлил предметини ўрганишда маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар системага асосланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Жуда кўп иқтисодий фанлар мавжуд. Лекин уларнинг ичида таҳлил фани хўжалик фаолиятининг натижасига одилонга баҳо бера олади. Ундаги ижобий ва салбий ўзгаришларга омиллар таъсирини аниқлайди. Шуларга асосан хўжалик фаолиятини яхшилаш йўлларини ишлаб чиқади. Бу хусусиятлар фақат таҳлилга хос бўлганлиги учун ҳам унинг предметида натижага тўғри баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш тегишли ўринга эга.

Шундай қилиб, таҳлил фани мустақил фан бўлиб, ўзига хос хусусиятларга, ўзининг бетакрор предметига эга. Таҳлилда ўрганиладиган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг муҳим жиҳатлари айнан шу тарзда бошқа фанларда ўрганилмайди ва такрорланмайди. Шу туфайли ҳар бир мустақил фан сингари таҳлил фанининг ҳам ўзига хос предмети шаклланди, таркиб топди, назарий жиҳатдан бойиб, йилдан-йилга аниқликлар киритилиб такомиллашиб бормоқда.

Ҳар қандай фаннинг объекти бўлиши лозим. Аммо шу фаннинг назариясига бағишланган энг сўнгги адабиётларда ҳам бу масала йетарлича ёритилмаган. Шу туфайли фаннинг предмети билан объектини кўп ҳолларда бир хил тушунчалар деб қаралади. Бу эса ўз навбатида назарий жиҳатдан асоссиз, чалкаш хулосаларга олиб келади.

Ҳар қандай фаннинг объекти унинг предмети қайерларда амалга ошишини кўрсатади. Таҳлил фанининг предмети ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда кўп мулкчиликка асосланган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятида мужассам. Шу туфайли иқтисодий таҳлил фанининг объектига давлат, жамоат ташкилотлари, корпорациялар, трестлар, биржалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киради.

Бу объектлар иқтисодий асоси жиҳатидан давлат, жамоа, кооператив, акциядорлик, хусусий, хорижий ва аралаш каби мулк шаклида фаолият кўрсатадиган объектларга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ва мос иқтисодий тараққиёт йўлини танлади. Бу мустақил йўл билан ҳамма соҳада, хусусан миллий ҳисоблар тизимида ҳам жаҳон андозаларига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида, мулк шаклидан қатъий назар, таҳлилнинг бир хил методологик усулини ёритишни тақозо этади.

Объектнинг (маконнинг) ва даврнинг (замоннинг) қандай бўлишидан қатъи назар ушбу фан предметининг моҳияти ўзгармаслиги, объект эса таҳлилнинг қайси маконда ўтказилишига қараб ўзгариб туриши мумкин. Шу жиҳатдан унинг предмети объектидан мазмун ва моҳияти жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг роли кескин ошмоқда, чунки, бошқарув тизимида олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб, янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланоқда. Режали иқтисодиётда таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлса, бозор иқтисодиётида эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар ўз фаолиятини юқоридан берилган буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки, мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ҳар бир фаннинг вазифаси иқтисодий шарт шароитга қараб белгиланиб борилади, лекин у олдида кўйилган вазифаларни тўлиқ ва кенг ҳал этиш учун қатор услубларни қўллайди.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) бизнес-режанинг қанчалик реаллиги (мавжудлиги) ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш;

2) иқтисодиётни ривожлантиришнинг жорий ва ициқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш;

3) бизнес-режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-бирдан ажратиб аниқлаш;

4) ички хўжалик резервларини аниқлаш (бу ўринда таҳлилнинг самараси, биринчидан, аниқланган резервларни бутун назарий жиҳатдан асосланган

резервларга нисбати ва иккинчидан, амалга оширилган резервларнинг аниқланган резервларга нисбати билан белгиланади);

5) корхоналарнинг хўжалик фаолиятида кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаш;

6) таҳлил материалларига асосан ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тузатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида «Иқтисодий таҳлил»нинг вазифаси ушбу юқорида таъкидланган вазифалар билан чекланмайди. Бозор шароитида корхоналар фаолияти шу даражада серкирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жиҳатларини ўрганиш лозим бўлади. Шу сабабли ҳам, иқтисодий таҳлилнинг вазифаси ҳам кўп қирралидир. Биз эса шу каби вазифаларнинг айримларини санаб ўтдик холос.

Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлилнинг вазифаси бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги шароитда ҳам, келажакда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятини узлуксиз яхшилаб бориши учун иқтисодий дацак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодий таҳлил ўз мазмуни жиҳатидан турличадир. Таҳлилнинг икки хил йўналиши мавжуд: молия - иқтисодий ва техник - иқтисодий. Молия-иқтисодий таҳлилда бизнес-режанинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи (техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш) каби омиллар ўрганилмайди. Техник-иқтисодий таҳлилда эса техника ва технология ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид ҳамма масалалар ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиб, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўрсатган таъсири ҳам аниқланади.

Шунинг учун техник - иқтисодий таҳлил корхоналардаги мавжуд барча резервларни тўла ва ҳар томонлама аниқлашга имкон беради.

Таҳлил корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг ҳамма томонларини ўз ичига олган умумий ҳамда ишнинг қандайдир бирор томони ёки корхонанинг бир неча бўғинларини ўз ичига олган танланма (тематик) бўлади. Шунингдек, йирик масалаларга бағишланган, корхонанинг кундалик ишини ўрганишга ва ички имкониятларини топишга қаратилган тезкор таҳлил бўлади.

Текшириладиган объектлар ва бошқарув бўғинларига қараб таҳлил қилиш қуйидагиларга бўлинади: ишчи ўрин, цех ичида, цех, корхона ва тармоқлар бўйича ҳамда тармоқлараро. Таҳлилда резервларни аниқлаш кўлами қуйидагилардан иборат: ички корхона ва корхоналараро, тармоқ ва тармоқлараро резервлар.

Қабул қилинадиган қарорларнинг характериға қараб, таҳлил қуйидагиларга бўлинади: дастлабки, тезкор, якуний ва истиқболли. Булардан, назарий ва амалий жиҳатдан энг такомиллаштирилгани - якуний таҳлил ҳисобланади (корхоналарнинг йиллик ҳисоботиға асосан).

Таҳлил ўтказиш муддатлари (ҳар куни, бир ойда ва бир йилда) ёки зарур бўлишиға қараб ахён-ахёнда олиб борилиши мумкин.

Иқтисодий таҳлил ўтказишнинг 3 босқичи мавжуд:

1) корхона фаолиятининг умумий иқтисодий натижаларини кўриб чиқишдан бошланади, чунки у ишнинг самарадорлигини аниқлаш, ўтган даврларға нисбатан ўзгаришларни, шунингдек, бир корхона ишини бошқаси

билан таққослаш ҳамда корхона фаолиятининг бошқа томонларини билиш имконини беради;

2) бизнес-режанинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи энг муҳим омилларни текшириш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлаш;

3) таҳлилий текширишлар натижаларини умумлаштириш ва шу асосда бутун резервларни ўз ичига олган йиғма резервларни ҳисоблаш (тўплам резервлар).

Иқтисодий таҳлилнинг икки хил йўналишини кўрсатиш мумкин:

1. Корхоналар, ассоциациялар ва концернларнинг хўжалик ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш.

2. Иқтисодиёт тармоқларини таҳлил қилиш. Бунда иқтисодий туманлар, вилоятлар ва бутун республика тармоқларини таҳлил қилиш тушунилади.

Шуни айтиш керакки, иқтисодиётни таҳлил қилиш иқтисодий фанлар мажмуасида мустақил ўрин олмаган бўлиб, иқтисодий назария ва тармоқлар макроиқтисодий курсларида ўрганилади. Ҳолбуки, корхоналарни иқтисодий таҳлил қилиш фани иқтисодий фанлар қаторидан ўзига хос мустақил ўрин олган. Бозор иқтисодиётини қуриш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни бошқаришни муттасил такомиллаштириш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ички хўжалик режасини тузиш ва уни такомиллаштириш, корхоналар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида бир бутун иқтисодий сиёсат олиб боришни тақозо этади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари материалларида айнан, шу муҳим масалаларни изчиллик билан амалга ошириш кўп бор таъкидланади.

Бинобарин, бу қарорларни бажариш ўз навбатида хўжаликни бошқарувчи идораларни яна ҳам ишлаб чиқаришга яқинлаштиришни, иқтисодий бўлинмалар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни яна ҳам аниқ чегаралашни, бошқарув аппарати ишининг тезкорлиги ва ихчамлигини оширишни тақозо этади. Демак, ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжаликни бошқаришда асосий восита бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва натижалари кундалик ҳисоб ва ҳисоботда ўз аксини топади. Бу ўринда корхоналарнинг иш фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари хўжаликни бошқаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, иқтисодиёт истиқбол режаларини тузиш учун ва корхоналарнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини таҳлил қилиш учун ҳар томонлама асосланган ва аниқ маълумотлар билан таъминлайди.

Демак, иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилишда, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, иқтисодий тежамни ўтказишда, техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор тажрибаларни тарқатишга, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим восита сифатида қўлланилади.


### **1.2. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Иқтисодий таҳлил диалектикани ўрганишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилнинг услубий асослари диалектика ва иқтисодий назария фанига таянади. Маълумки, билиш назарияси шунга асосланганки, у ҳам бўлса, объектив (мавжуд) дунёни билишдир. Бу дегани билиш жараёни



диалектик хусусиятга эга бўлиб, воқеликнинг инъикосидир. Билиш назариясининг мантиқийлиги диалектик тарзда куйидаги формулада акс этади, яъни: жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, амалиёт. Бунда жонли мушоҳада билишнинг биринчи босқичи бўлиб, у ўрганиладиган ҳодисаларнинг ташқи хусусиятларини ўз ичига олади. Абстракт тафаккур босқичида эса ҳодисаларнинг ички моҳияти аниқланиб, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ўрганилди. Лекин ҳақиқатни билишнинг мезони - амалиётдир.

Иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш жараёнида диалектик билиш усули - анализ ва синтез, дедукция ва индукция усулларидан фойдаланилади (1.1-чизма).



### 1.1-чизма. Диалектик билиш усуллари

Шу каби иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни билиш ҳам уч босқичли билиш назариясига асосланади. Бунда жонли мушоҳада босқичида хўжалик юритишни бевосита иқтисодий ахборотлар тизими орқали идрок этилади. Бу ўринда иқтисодий ахборотлар тизимига шундай талаблар қўйиладики, булар билиш назариясининг иккинчи босқичи - абстракт тафаккурга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Айнан у доминант (асосий) ролни ўйнайди. Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда на микроскоп, на кимёвий реактивлардан фойдаланиш асло мумкин эмас, уни ҳам буни ҳам тафаккур кучи бажаради.

Иқтисодий таҳлил услуби деганда эса, бизнес-режанинг бажарилишига ва маҳсулот ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатучи омилларни сицемали ва комплекс тарзда ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш усули бўлиб, улар ҳисоб, ҳисобот ва ҳисобдан ташқари маълумотларни махсус усуллар орқали қайта ишланилиб, амалга оширилиши тушунилади.

Маълумки, таҳлил қилинаётган объектнинг фаолиятига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, таҳлилда омиллар деганда у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар назарда тутилади. «Сабаб» термини нисбатан кенг кўламдаги комплекс омиллар тизимига нисбатан қўлланилиб, ана бу комплексни ташкил этувчилар эса омиллар, деб аталади.

Улар ўз навбатида иқтисодий мазмуни бўйича миқдор ва сифат омилларга бўлинади (1.2.-чизма).



**1.2-чизма. Таҳлилда қўлланиладиган омилларни иқтисодий мазмуни бўйича таснифи.**

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил усули мазкур предметни ўрганиш жараёнига умумий жиҳатдан ёндошишдир. Шу сабабли таҳлил усулини унга бўйсинувчи махсус усуллари билан аралаштириб бўлмайди. Зеро, аниқ шарт - шароит натижасида у ёки бу усулларнинг ўзгариши эҳтимолдан холи эмас.

Иқтисодий таҳлил методининг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) Хўжалик фаолиятига таъсир этувчи техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва барча омилларни текширишни мунтазам ва комплекс тарзда ўтказишга ёндошиш, таҳлил усулининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда мунтазам таҳлилни комплекс таҳлил билан алмаштириш асло мумкин эмас. Объектни иерархик усул

(бўйсунуш тартиби) орқали бошқариш, масалан, цех корxonанинг, корxона бирлашманинг, бирлашма тармоқнинг бир қисми ва ҳоказо сифатида ўрганиш системали таҳлилга мисол бўлади.

Иқтисодий таҳлил ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бир гап эмас. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодий таҳлилнинг бир бўлаги ҳисобланади. Иқтисодий таҳлил бошқаришнинг учала даражаси билан боғлиқ (халқ хўжалиги, тармоқ, корxона) хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш эса фақат учинчи даражадаги бошқариш билан боғлиқ.

Хўжаликнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўлчаш орқали бизнес-режанинг бажарилиши, хўжалик бошқаришнинг самарадорлиги ҳамда корxона фаолиятидаги асосий ва ҳал қилувчи масалалар аниқланади.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш орқали корxonанинг хўжалик юритиш борасидаги фаолиятига баҳо берилади ҳамда барча резервларнинг йиғма ҳисоби аниқланилади.

2) Таҳлил усулининг ўзига хос характерли хусусиятларидан бири-иктисодий кўрсаткичларнинг ҳар томонлама бир-бирлари билан сабабий боғланишида эканлигидир. Бу борада таҳлилнинг вазифаси ана шу сабабларни аниқлашдир. Шунини таъкидлаш керакки, ҳатто айрим олинган иқтисодий кўрсаткичга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатади. Бинобарин, бу сабаблар ҳаракатини аниқлаш жуда ҳам мураккабдир. Шу сабабли асосий ва ҳал қилувчи сабаб ва омиллар таъсирини аниқлаш лозим. Шундай қилиб, таҳлилнинг дастлабки шарти хўжалик фаолиятига таъсир этувчи сабабларни иқтисодий белгиларига қараб тўғри туркумлаш зарур. Масалан, товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатига таъсир этувчи омиллар уч гуруҳга умумлаштирилади:

1) меҳнат омиллари. Бунга корxonанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги киради;

2) меҳнат воситалари омилига эса корxonанинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг ҳажми, структураси (тузилиши), ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси сингари масалалар киради.

3) меҳнат предметлари омиллари. Буларга корxonанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлиги, улардан фойдаланиш, самарадорлик даражаси каби масалалар киради. Юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир. Бинобарин, бу омилларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирига асло қўшиб ҳам бўлмауди. Чунончи, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишчилар малакаси ва иш вақтидан самарали фойдаланишига боғлиқ (меҳнат омиллари). Сўнгра, меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасига (меҳнат куруллари омиллари), ҳамда хом ашё ва материаллардан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш (меҳнат предметлари омиллари)га боғлиқ. Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ омиллари таркибий қисмларга бўлинади. Чунончи, меҳнат омиллари-микдор ва сифат кўрсаткичларидан иборат. Бу ерда микдор кўрсаткичига ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони

кирса, сифат кўрсаткичига меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши мисол бўлади. Сўнгра бир ишчига тўғри келадиган йиллик иш унумдорлиги:

- бир ишчи томонидан бир йилда ишланган ўртача киши кунларига;
- ўртача иш кунининг узунлигига;
- бир ишчига тўғри келадиган ўртача соатлик иш унумига боғлиқ.

Кўриниб турибдики, бир кўрсаткич иккинчи бир кўрсаткич билан узвий равишда боғланишда бўлиб, ўзига хос бир бутун занжирсимон шакл ҳосил қилар экан.

### **1.3. Иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар**

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш натижавийлигини ошириш мақсадида комплекс тарзда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш лозим. Комплекс таҳлилни амалга ошириш метадологияси адабиётларда етарлича ёритилмаган .

Комплекс таҳлил деб хўжалик фаолиятини бўлақларга бўлиб бир- бирига боғлиқ ҳолда батафсил ўрганишдир. Ушбу таҳлил тури тизимли ёндашиш билан амалга оширилади.

Шу маънода комплекс иқтисодий таҳлилнинг мазмунини корхона фаолиятини кенг қамровли тарзда ўрганиш асосида, уларнинг ҳар бир бўлагини ўзаро боғлиқликда, алоқадорликда кўриб чиқиб мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг чора - тадбирларини белгилаб бериш мақсадидаги, корхона фаолияти натижавийлигини яхшилашга қаратилган ички имкониятларини аниқлаш ташкил этади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнлари (таъминот, ишлаб чиқариш, реализация) жамланганда унинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ташкил этади. Улар аниқ сон жиҳатга эга бўлиши керак. Бу жараёнларни миқдор ва сифат жиҳатларини таснифлаш аналитик кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали амалга оширилади.

Аналитик кўрсаткичларда корхонанинг ишлаб чиқариш, молия, хўжалик жараёнларини иқтисодий самарадорлик даражаси, ҳажми ва унинг айрим йўналишлари акс этади.

**Аналитик кўрсаткичлар** бизнес режа, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, бошқа ахборот манбаларидан олинади. Кўрсаткичларнинг мазмуни миқдорини ифодаловчи кўрсаткичлардан фарқланади.

**Кўрсаткичлар мазмуни** ўрганилаётган жараёнларнинг иқтисодий моҳиятини, **кўрсаткичлар миқдори** эса уларни ўлчовини ифодалайди. Масалан, маҳсулотни истеъмолчиларга ортиб жўнатилгандан келган тушум кўрсаткичлар мазмунини, миқдор кўрсаткичи эса тушум суммаси унинг динамикаси, режанинг бажарилишидир.

Аналитик кўрсаткичлар қуйидагича туркумланади:

- 1) мазмуни бўйича;
- 2) ифодаланиш усули бўйича;
- 3) фойдаланиш доираси бўйича;
- 4) ишлатилиш ҳусусияти бўйича

1.Кўрсаткичлар мазмуни бўйича икки гуруҳга бўлинади.

1.1. **Микдор кўрсаткичлари.** Хўжалик жараёнлари ва уларнинг ўзгаришларини сон жиҳатини ифодалайди .Масалан, ходимлар сони, машина ва ускуналар сони ва ҳ.к.

1.2. **Сифат кўрсаткичлари.** Бу кўрсаткичлар хўжалик жараёнларидаги ўзгаришларнинг муҳим хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалайди. Масалан, рентабеллик, маҳсулот таннархи, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари сифат кўрсаткичлари таркибига киради.

Микдор ва сифат кўрсаткичлари бир - биридан айриқ ажралган ҳолда ўрганилмайди. Ҳар икки кўрсаткич бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ишнинг натижасига таъсир этади. Масалан, маҳсулот ҳажми ишчилар сони (микдор кўрсаткич) ва бир ишчининг ўртача маҳсулот ҳажми (сифат кўрсаткич)ларини кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

2. Кўрсаткичлар ифодаланиш усули бўйича ҳам икки гуруҳга бўлинади.

2.1. **Мутлоқ кўрсаткичлар.** Бу кўрсаткичлар иштирокида ишлаб чиқариш, молиявий ва хўжалик фаолиятларининг ҳажми, структураси ва сифат хусусиятлари ифодаланади. Қайси ўлчов бирлигида ифодаланишига қараб натурал, меҳнат, қиймат шаклларида бўлинади. Маҳсулот ҳажми натура шакли (тонна, кг, метр, дона) да меҳнат (норма- соат), пул кўринишида ифодаланиши мумкин.

2.2. **Нисбий кўрсаткичлар.** Бу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиққа эга икки мутлоқ кўрсаткичларнинг нисбати орқали аниқланган нисбий кўрсаткич ўрганилаётган ҳодисалар структураси, уларнинг самарадорлиги ва вақт жиҳатдан интенсивлигини аниқлаш учун зарурдир. Нисбий кўрсаткичлар фоиз, коэффициент, индекс шаклларида қўлланилади.

3. Фойдаланиш доираси бўйича кўрсаткичлар қўйидагича тақсимга эга.

3.1.Барча тармоқларда фойдаланиладиган умумий кўрсаткичлар. Масалан иш ҳақи фонди, бир ходимга туғри келадиган ўртача маҳсулот, соф фойда, хусусий капитал рентабеллик даражаси ва ҳ.к.

3.2.Айрим тармоқлар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва ҳ.к. ларда қўлланиладиган яқка, хусусий кўрсаткичлар. Маҳсулот сифати, унинг чидамлиги-саноат, доннинг намлилиги, сутнинг ёғлиқлик даражаси қишлоқ хўжалигига таъалуқлидир.

4. Ишлатилиш бўйича кўрсаткичлар қўйидагича ифодаланади.

4.1. Хўжалик жараёнларини таснифловчи кўрсаткичлар. Улар корхона хўжалик жараёнларини тузилиши, бизнес режаларни бажарилиши, жараёнлар динамикаси орқали эришилган натижаларни ифодалайди.

4.2. Эришилган натижаларга таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш, молиявий ва хўжалик жараёнларидаги ўзгариш сабаблари аналитик кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Масалан, сотишдан келган тушум индекси ( $I_B$ ), сотиш ҳажми ( $I_T$ ) ҳамда сотиладиган маҳсулот баҳо ( $I_P$ ) ларини кўпайтмасидан ҳосил бўлади. Бунда,

$I_B$  – натижа

$I_T$  – омил

$I_p$  – омил

Юқоридаги формулани қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\frac{\sum q_1 P_1}{\sum q_0 P_0} = \frac{\sum q_1 P_0}{\sum q_0 P_0} \times \frac{\sum q_1 P_1}{\sum q_1 P_0}$$

Барча аналитик кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқка эга, фақат улардан системали тартибда фойдаланилган тақдирдагина комплекс иқтисодий таҳлил олдига қўйган мақсадга эришиши мумкин.

Комплекс иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси таъкидланганидек натижавий кўрсаткичларга омиллар таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблашдан иборат.

Омиллар ўзгарувчан миқдор бўлиб, унинг таъсирида ишлаб чиқариш, молиявий ва хўжалик жараёнларидаги натижавий кўрсаткичлар ўзгариши ҳисоблаб топилади. Хўжалик фаолияти ва унинг натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар беқиёсдир. Аммо, уларнинг барчасини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Иқтисодий таҳлил жараёнида омилларнинг айрим томонлари, хусусиятларини инобатга олиб туркумлаш ва ҳар бирини алоҳида – алоҳида таърифлаш лозим.

Омилларни туркумлаш шартлари:

- 1) омиллар таркиби назарий жиҳатдан асосланган ва уни амалда қўллаш мумкинлиги, ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўзгаришини ифодаловчи энг муҳим омилларни ўз ичига олиши керак;
- 2) омиллар таъсирини қайталанишига йўл қўймаслик учун ҳар бир омил ўртасида қатъий чегара ўрнатилиши лозим;
- 3) натижавий кўрсаткичлар ўзгаришининг энг муҳим томонлари ва уларга омиллар таъсирини ҳисоблаш мақсадида туркумга кирган омиллар тизимга эга бўлиши керак.

Иқтисодий адабиётларда омиллар қатор белгилари бўйича таснифланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин :

- ижобий ва салбий омиллар;
- корхона фаолиятига боғлиқ (ички) омиллар, боғлиқ бўлмаган (ташқи) омиллар;
- ишлаб чиқаришнинг интенсив ва экстенсив омиллари;
- ишлаб чиқариш ва муомала жараёнлари омиллари.

Ресурслардан фойдаланиш жиҳати бўйича:

- меҳнат омиллари;
- меҳнат куруллари ва улардан самарали фойдаланиш омиллари;
- меҳнат предметлари ва улардан унумли фойдаланиш омиллари.

Булардан ташқари белгилари бўйича ҳам омилларни таснифлаш мумкин. Бугунги кунга қадар хўжалик субъектларининг натижавий кўрсаткичлари (сотишдан кўрилган фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойда, баланс активининг рентабеллиги ва бошқалар) га омиллар таъсирини ягона таснифи ишлаб чиқилмаган . Бундай ҳолат фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги, оборот маблағлар айланиши каби кўрсаткичларда ҳам учрайди. Барча омиллар бир –

бири билан боғлиқликка эга, аммо иқтисодий таҳлилнинг шартига кўра уларни шартли равишда гуруҳларга ажратилиб, ҳар бир омилни таъсир этиш даражаси алоҳида аниқланади.

“Резерв” французча “ресерве” сўзидан олинган бўлиб, заҳира маъносини, лотинча “ресерве” сўзи эса сақлаш, эҳтиёт қилиш, ошириш маъноларини англатади. Демак “резерв” сўзи икки ҳил маънода ишлатилади.

Биринчидан, ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш учун ресурслар заҳираси (хомашё, материаллар, ускуна, ёқилғи ва ҳ.к.) резерв ҳисобланади.

Иккинчидан, “резерв” сўзи ишлаб чиқариш самарадорлигини эришган натижадан янада ошириш имконияти сифатида ҳам ишлатилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мавжуд резервлардан фойдаланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Макон нуқтаи назаридан резервлар ички хўжалик, тармоқ, ҳудуд, мамлакат бўйича резервларига бўлинади.

Ички хўжалик резервлари деб корхона фаолияти натижаларини ўрганиш орқали аниқланган имкониятлар ва улардан фойдаланишга айтилади. Бундай резервларга иш вақтидан тўлиқ фойдаланмаслик сабаблари ва унумсиз ҳаражатларни бартараф этиш туфайли эришилади. Улар қаторига ишни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологияларини паст даражада бўлиши, хўжасизлик ва ҳақозолар туфайли иш вақтини йўқотилиши, моддий ресурслардан ортикча сарфларга йўл қўйилишлари киради.

Тармоқ бўйича резервларга тармоқ даражасида ишга солинмаган имкониятлар, масалан, янги машиналар тизимини яратиш, илғор технология, маҳсулот конструкциясини такомиллаштириш, серҳосил эрта пишар уруғларни яратишлар киради.

Ҳудудлар бўйича резервларга географик ҳудуд бўйича аниқланган ва ишга солинган (маҳаллий хомашё ва ёқилғи, энергия ресурсларидан фойдаланиш ва ҳ.к.) имкониятлар киради.

Мамлакат миқёси бўйича резервлар қаторига ишлаб чиқариш тармоқларидаги номутаносиб ривожланишига чек қўйиш, мулк шакли, миллий иқтисодиётни бошқариш тизимидаги ўзгаришлар киради.

Мамлакат бошқарув даражасидаги тадбирийдор чораларни амалга оширган тақдирдагина бундай резервлардан амалда фойдаланиш мумкин.

Вақт нуқтаи жиҳатидан резервлар фойдаланилмаган, жорий ва истикбол гуруҳларига бўлинади.

Фойдаланилмаган резервлар корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари йўқотилганлиги, улар ўтган даврга тегишли эканлигини ифодалайди.

Жорий резервларга корхонанинг хўжалик фаолияти натижалари имкониятларини ўрганилаётган давр (ой, квартал, йил) мобайнида яхшилаш туфайли эришилади.

Истикбол резервлари узоқ муддатга мўлжалланади. Бундай резервлардан фойдаланиш катта ҳажмдаги инвестициялар, фан-техника ютуқларини ишлаб

чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришни қайта кўриб чиқиш, технологияни ўзгартириш, иқтисослаштириш ва ҳ.к. кўрсаткичларига боғлиқ.

#### **1.4.Иқтисодий таҳлил турлари**

Иқтисодий таҳли турлари деганда маълум белгилари, хоссалари, вазифаси ва шу кабилар билан умумий бўлган гуруҳлар ёки бир бутунликни ташкил этган яхлит хиллари тушунилади..

Таҳлил турларини туркумлаш - уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтиришга, энг муҳим томонларини аниқлашга ҳамда ушбу фаннинг истиқболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. Таҳлилнинг барча турлари ўз белгиларига қараб маълум гуруҳларга умумлаштирилади. Бундай гуруҳлашган белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг характери, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий томонлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилувчи субъект, ўрганиладиган ходисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта ишлаш усуллари кабилар.

Барча турдаги таҳлилнинг турлари уларнинг бажарган вазифаларига қараб қувидаги гуруҳларга умумлаштирилади: бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлигини баҳолаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, эришиладиган натижаларни башорат қилиш, яъни: олдиндан айтиб бериш, эришилган натижаларга объектив баҳо бериш ва шу мақсадда корхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисоби якунини ўтказиш, резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асос (база)ни аниқлаш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий вариантларни тайёрлаш.

Корхоналарнинг амалий фаолиятида асосан жорий таҳлил ўтказиш усули тўла ишлаб чиқилган. Жорий таҳлил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда расмий жиҳатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда уларнинг ойлик, кварталлик, йиллик ва қатор йиллар таҳлил қилинади. Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган пировард натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланишига қуйидагилар сабаб бўлди: биринчидан, таҳлилнинг барча вазифалари бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар жорий таҳлил зиммасига тушади; иккинчидан, жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилишига барча корхоналарнинг тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларига асосан юқори ташкилот, статистика, молия ва солиқ органлари, давлат банкига ҳисобот топшириш вазифасининг зарурлиги; учинчидан, жорий таҳлилнинг бажариладиган таҳлилий ишларда тутган салмоғи 90 фоизни ташкил қилади, чунки дастлабки ва тезкор таҳлилни ўтказиш усули хали тўла ишлаб



чиқилмаган; тўртинчидан, жорий таҳлилда корхонанинг хўжалик фаолияти чуқур, ҳар томонлама ўтказилади, чунки таҳлилий ходимнинг ихтириёрида барча ахборотлар манбаи муҳайё; бешинчидан, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тарихан жорий таҳлилдан бошланган; олтинчидан, иқтисодий олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш ҳам жорий таҳлил асосида олиб борилади.

Жорий таҳлил учун асосий ахборотлар - ойлик, кварталлик ва йиллик ҳисоботлар.

Жорий таҳлилнинг субъекти - корхонанинг иқтисодий бўлимлари, юқори ташкилот, молия, солиқ ва статистика органлари, давлат банки ҳисобланади. Жорий таҳлилнинг объекти-корхоналар, уларнинг филиаллари, бошқармалар ва вазирликлардир.

Жорий таҳлилнинг дастлабки ва тезкор таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими системали ва комплекс характерга эга бўлиб, расмий жихатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланади. Жорий таҳлилнинг камчилиги шундан иборатки, таҳлил хўжалик фаолиятида камчилик ва хато рўй бериб бўлгандан сўнг бошланади. Шунинг учун корхона раҳбарини шу кундаги ва истиқболдаги ҳал бўлмаган масалалар кўпроқ қизиқтиради.

Тезкор таҳлил корхонанинг хўжалик фаолиятини бошқаришда шу кундаги ишлаб чиқариш жараёнини тезкор тарзда бошқаришда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўу берган четга чиқишларни тезкорлик билан аниқлаб, уни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўради. Тезкор таҳлилнинг асосий вазифаси топшириқларни мунтазам назорат қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини кунда аниқлаш, шу кундаги ишлаб чиқариш резервларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб қилиш ҳисобланади. Тезкор таҳлил бошқарув тизимида бошқарув ходимларининг тахминан 50 фоиз иш вақтини эгаллайди. Амалда эса унинг умумий бажариладиган таҳлилий ишларда тутган салмоғи 10 фоизни ташкил этади. Тезкор таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ у асосан бошланғич маълумотларга асосланади.

Тезкор таҳлил ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда унинг бўлинмалари сменада, суткада, беш кунликда ва декадаларда четга чиқишини аниқлаш;

- меъёрдан чиқишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

- камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахсларни аниқлаш;

- салбий омилларни бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш;

- кўрсатилган вақтда эришилган натижаларни яқунлаш ва «Тор» жой ва илғор бўғинларни аниқлаш.

Тезкор таҳлил одатда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича олиб борилади: маҳсулотни ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотиш, ишчи кучидан фойдаланиш, асбоб-ускуна ва моддий ресурслардан фойдаланиш, таннарх, фойда ва рентабеллик, тўлов қобиляти. Демак, жорий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар сони тезкор таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлардан анча кўпдир. Тезкор таҳлилнинг натижаси жорий таҳлилга нисбатан унчалик аниқ

бўлмайди. Чунки ойнинг хоҳлаган кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва маҳсулот таннархининг пасайиши натижасида олинган фойда миқдорини аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас, чунки олдиндан маҳсулотнинг қанча қисми шу ойда сотилади, қанча қисми эса келгуси ойда сотилишини аниқ ҳисоблаб бўлмайди. Лекин тезкор таҳлилнинг бу камчилиги унинг аҳамиятини камайтирмайди, зеро, тезкор таҳлил орқали олинган натижаларнинг мутлақ аниқлигидан кўра уни ўз вақтида олиш аҳамиятлироқдир.

Истикбол таҳлили, деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тузиш учун ўз фаолиятини нима билан якунлаши тўғрисида аниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши лозим. Бу эса истиқбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиҳа таҳлили, ҳам деб атамоқдалар.

Истикболли таҳлил келажакни мўлжаллаб ўтказиладиган таҳлил ҳисобланади ва у корхонанинг келгуси бир-икки ва ҳақозо узоқ йилларга мўлжалланган иш фаолиятини қандай ташкил этишни белгилаш мақсадида амалга оширилади.

Истикболли таҳлил жорий таҳлилнинг натижалари ва маълумотларига асосланиб корхонани келгусидаги фаолиятини башоратлаш ва мўлжаллаш вазифасини бажаришга қаратилган.

Бунга сабаб глобаллашув жараёнини кўчайиши, иқтисодий интеграцияни чуқурлашуви, модернизациялаш тадбирларини энг муҳим масала бўлиб юзага чиқиши ишлаб чиқариш субъектларларини иқтисодий рақобатчилик муҳитида юқори фойда олиш мақсадида ривожланишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бу эса иқтисодий таҳлилни хўжалик субъектларни самарали бошқаришдаги ролини янада оширишни тақозо қилади.

Молия-иқтисодий таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Умумлашган қиймат кўрсаткичларига қуйидагилар киради: сотиш бўйича режанинг шартнома мажбуриятини адо этган ҳолда бажарилиши, товар маҳсулоти, бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми, маҳсулот таннархи, фойда ва шу кабилар. Таҳлил қилиш жараёнида ана шу қиймат кўрсаткичлар батафсиллаштирилади. Масалан, маҳсулот ҳажми-таққосланадиган ва таққосланмайдиган, уларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бўйича, маҳсулотнинг сифати кабилар.

Маҳсулот таннархи кўрсаткичи умуман ва уларнинг унсурлари ва калкуляция моддалари бўйича белгиланган бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омиллар батафсил таҳлил қилинади. Умумлашган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи (бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми) бир ишчига тўғри келадиган йиллик, кунлик ва соатлик иш унумини ўз ичига олади.

Молия-иқтисодий таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири - бу асосий ахборот олиш манбалари Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларида қўлланилиш ҳисобланади. Шундай қилиб, молия-

иқтисодий таҳлилнинг предмети корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик ууритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан сабабий боғланиши ҳисобланади.

Молия-иқтисодий таҳлилнинг субъекти - бу корхона, вазирлик, бошқарма, молия-кредит идоралари ва статистика органларининг иқтисодий бўлинмалари ҳисобланади.

Шу билан бирга корхона таҳлилнинг объекти ҳам ҳисобланиб, уларнинг фаолияти юқори ташкилот, молия-кредит ва статистика органлари томонидан ўрганилади. Масалан, молия органлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий эътиборни бизнес-режанинг бажарилиши, ауланма маблағларининг ҳолати, фойда бўйича бизнес-режанинг бажарилиши, давлат бюджетига тушадиган тўлов мажбуриятларининг бажарилишига қаратадилар. Кредит тизими эса корхоналар ўз айланма маблағлари ҳолатини, олинган кредитнинг товар-моддий боуликлар билан таъминланганлигини, тўлов интизомининг бажарилиши каби масалаларга қаратади.

Ўрганиладиган масалаларга қараб молия-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин. Молия-иқтисодий таҳлилнинг ўтказиш муддатлари кунлик, хафталик, декадалик, ойлик, кварталлик, йиллик бўлади. Молия-иқтисодий таҳлилнинг турлари: дастлабки, тезкор ва жорий таҳлилдан иборат.

Техника-иқтисодий таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилнинг бирикиши асосида ҳосил бўлган.

Техника-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади:

- ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

Корхонанинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш даражасини, илғор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини тўла механизациялаш, замонавийлаштириш каби масалалар киради.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарув масалаларини таҳлил қилиш жараёнида қўлланилаётган бошқарув шакллариининг прогрессивлиги (илғорлиги), бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув шакллариининг илғорлиги, бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув аппаратини қисқартириш каби ечимлар ҳал этилади.

Маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари республикамизда ва чет елларда ишлаб чиқарилган энг яхши (юқори) намуналар билан таққослаш. Маҳсулотнинг техник даражаси уларни аттестация қилиш орқали аниқланади. Техника-иқтисодий таҳлил иқтисодчилар, техниклар, муҳандислар, мутахассислардан тузилган комплекс бригада орқали амалга оширилади.

Таққослаш - бу иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. Таққослама таҳлилнинг 2 асосий тури мавжуд: ички корхона таҳлили, яъни

таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага тааллуқли хўжалик жараёни ўрганилади; корхоналараро, қачонки бир қатор корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, тармоқдаги илғор тажриба ўрганилади.

Таққослама корхоналараро таҳлилнинг моҳияти алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини уларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама ўрганиб, эришилган натижалар даражасини холис фарқлаш ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш ҳамда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлашдан иборатдир.

Таққослама таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача сўз билан аутганда комплекс характерга эга бўлади. Таққослама таҳлилнинг мазмуни қўуилган мақсад ва текшириладиган объектга қараб қуйидагича туркумланади:

- объект бўйича (корхона, цехлар, ишлаб чиқариш участкаси, иш жойи);
- мавзунинг (тема) мазмуни бўйича - меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, меҳнат ва молия ресурсларини таҳлил қилиш ва ҳоказо;
- таҳлилни ўтказиш доираси - комплекс таҳлил ва махсус (тематик) таҳлил.

Таққослама таҳлилнинг энг муҳим услубий масалалардан бири ўрганиладиган объектни бир-бири билан солиштириш шартларига риоя қилишдир:

- таққосланадиган кўрсаткичларнинг сифат жиҳатдан бир хиллиги ва уларни ҳисоблаш усулининг бирлиги (масалан, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларнинг бир хиллиги);
- маҳсулотни ягона ўлчаш, ўзгармас баҳо билан ўлчаш, географик шароитларнинг ўхшашлиги;
- таққосланадиган даврда иш кунларининг бир хиллиги ва ҳоказо.

Маҳсулот таннархини камайтириш борасида кераксиз ва ортиқча харажатларни минимал даражага келтириш маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш ва уни ишлаб чиқариш чоғида ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим. Бу масалани ижобий ҳал қилишда ФҚТ асқотади.

ФҚТ – объектни (маҳсулот) технологик ва меҳнат жараёнлари тизимли тарзда тадқиқ қилиб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

ФҚТнинг асосида функция тушунчаси ётади. Демак, ФҚТ буюмнинг функцияларини тизимли тадқиқ қилишни тақозо этиб, у маҳсулотни яратиш ғоясидан то уни фойдаланишдан чиқариш ва чиқитга чиқаришгача бўлган жараённи ўз ичига олади.

ФҚТнинг асосий мақсади - илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари чоғида янги маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва уларни ўзлаштиришда ортиқча харажатларнинг юзага келишига йўл қўумаслик; ишлаб чиқариш босқичида лойиҳа бўйича кўзда тутилган харажатлар даражасидан четга чиқмасликни; буюмни қўллаш босқичида оқланмаган эксплуатацион харажат ва йўқотишларни бартараф этиш ва ниҳоят, буюмларни утилизацияга (чиқитга) чиқариш босқичида чиқитга чиқарилган буюмларни қайта ишлаб, улардан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олади.

Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Буюмнинг конструктив тузилиши.
2. Технологик жараён.
3. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими.
4. Табиий-географик омиллар.

Бинобарин, ишлаб чиқариш харажатларини муттасил қисқартириш тўрт йўналиш бўйича олиб борилиши керак.

ФҚТ нинг энг муҳим тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- объектга комплекс тарзда ёндашиш;
- объект ҳолати ўрганилганда жамоа ижодий тафаккурини ҳар томонлама фаоллаштириш (фикрлар ҳужуми);
- ФҚТ барча босқичларида техникавий ва ташкилий ечимларни баҳолашда функционал керакли ва ортиқча харажатларни аниқлаш.

Маълумки, саноат маҳсулотининг тури (ассортименти) млн.дан кўпроқ бўлгани ҳолда уларнинг бажарадиган функциялари нисбатан анча кам. Масалан, автомобил-ҳаракатланиш воситаси функциясини бажаради. Ҳар бир маҳсулот 3 хил функцияни бажаради:

- асосий функция;
- қўшимча функция;
- дисфункция (кераксиз).

Масалан, стулнинг асосий функцияси - ўтириш учун, қўшимча функцияси суянчиғи, кераксиз функциясини аниқлаш лозим.

Ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулот таннархида қўшимча функциянинг салмоғи ўртача 60 фоизни ташкил этади. Маълумки, саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида маҳсулот таннархини калькуляция қилиш услуби ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилади. Лекин маҳсулотларнинг бажарадиган функцияларини калькуляция қилиш муаммоси ҳалигача ечилган эмас.

ФҚТ ўтказиш қуйидаги босқичларга бўлинади:

- таҳлил қилиш объектини танлаш (маҳсулот конструкцияси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, технологик жараён, бошқарув ва ҳисоб тизими кабилар);
- таҳлилнинг мақсади ва вазифаларини асослаш (рентабеллик даражасини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлик қобилиятини ошириш, хом ашё, материаллар ва электр қувватини тежаш, ишлаб чиқаришдаги «тор» жойларни бартараф қилиш, импорт ва тақчил маҳсулотларни ишлатишдан воз кечиш);
- таҳлил объекти тўғрисида маълумотларни йиғиш ва асосий, қўшимча ҳамда кераксиз функцияларни аниқлаш;
- ижодий ёндашиш ва ностандарт тафаккур ууритиш;
- функционал-қиймат таҳлилинини қўллаш натижасида олинadиган иқтисодий самарани аниқлаш;
- қабул қилинган қарорларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

- 1.Фанлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг тутган ўрни.
2. Иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқариш тизимида тутган ўрни ва вазифалари.
3. Иқтисодий таҳлилнинг предмети ва таҳлил предметиға таъриф бериш хусусида мавжуд мунозарали масалалар.
4. Иқтисодий таҳлил қилишда 2 тур йўналишда - бошқарув (ички) ва молиявий (ташқи) таҳлилнинг вазифалари.
- 5.Иқтисодий таҳлил фани методи тўғрисида умумий тушунча.
6. Иқтисодий таҳлил фани методининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
- 7.Таҳлилий текширишнинг системали ва комплекс хусусияти.
- 8.Хўжалик фаолиятиға таъсир қилувчи омиллар тушунчаси ва уларнинг туркумлиниши.
9. Таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлар тизими .
- 10.Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар ва омилларнинг бир-бириға боғлиқлиги.
- 11.Иқтисодий таҳлил турлари ва шакллари тўғрисида тушунча.
- 12.Иқтисодий таҳлил турлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot,. 2014.
- 2.Шоалимов А.Х. Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2012.
3. Shog'yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -Т.: Fan va texnologiya, 2012.
- 4.Пардаев М.Қ ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. -Т.: Чўлпон, 2012.
- 5.Баканов М.И., Мельник М.В. Теория экономического анализа. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2007.

## 2-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг усуллари ва таҳлилни ташкил қилиш Режа

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг оддий-анъанавий ва иқтисодий-математик усуллари.

2.2. Хўжалик субъектларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш.

2.3. Хўжалик субъектлари фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш.

**Калитли сўзлар:** иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари; таққослаш; гуруҳлаш; кўрсаткичларнинг ўсиш суръати бўйича фарқни аниқлаш усули; динамика методи; мутлақ ва нисбий миқдорлар; занжирли боғланиш; индекслар; мутлоқ фарқ усули; баланс усуллари; иқтисодий-математик усуллар% интеграл ва корреляция ва регрессия усуллари; бошқарув тизими; ахборот манбалари; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи; аналитик босқич; таҳлил натижалари; қарорлар қабул қилиш; бошқарув қарорларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш; таҳлил натижаларини расмийлаштириш; аналитик жадваллар; комплекс таҳлил дастури; танланма таҳлил дастури; таҳлил субъектлари; таҳлил натижаларини рейтинг баҳолаш.

### 2.1. Иқтисодий таҳлилнинг оддий-анъанавий ва иқтисодий-математик усуллари

Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий хусусиятлари комплекс ва системалашганлиги яққол кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради. Таҳлил усуллари қўллаш ўрганилаётган жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аксарият, етук иқтисодчи олимларимиз таҳлилнинг усуллари иқтисодий адабиётларида шартли равишда икки гуруҳга ажратиб кўрсатишмоқда. Иқтисодий таҳлилининг усуллари қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий усуллар гуруҳи.

2. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳи.

Иқтисодий таҳлил усуллари қуйидаги чизмада янада аниқроқ акс эттириш мумкин:

Таҳлилда қўлланиладиган усуллар	
Анъанавий усуллар	Иқтисодий-математик усуллар
Солиштириш	Чизиқли
Фарқлаш	Корреляция ва регрессия
Баланс	Дақурлаш
Занжирли алмаштириш	Ўйин назарияси
Қайта ҳисоблаш	Ялпи хизмат назарияси
Мутлоқ фарқ	Матрицалаш
Индекс	ва бошқалар
Нисбий кўрсаткичли ва бошқалар	

## 2.1-чизма. Таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи.

Анъанавий усуллар гуруҳига иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан буён анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келаётган усуллар киритилади. Уларнинг таркибига мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш, таққослаш, гуруҳлаштириш, балансли боғланиш, занжирли боғланиш, индекс, фоизлар ва хоказо усулларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий-математик усуллар иқтисодий таҳлил фанининг такомиллашиб бориши натижасида вужудга келган бўлиб, бунда турли дастурий таъминотлар ва математик усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий-математик усулларни таҳлилда қўллашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- а) таҳлил этиш муддати тезлашади;
- б) иқтисодий корсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар улуши (салмоғи) аниқ ҳисобланади;
- в) тахминий ёки ноаниқ ҳисоблашлар ўрнини аниқ рақам ва далиллар эгаллайди.

Таҳлилнинг усули унга бўйсинувчи махсус усуллар орқали ифодаланилади.

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда турли махсус усуллар қўлланилади. Шулардан энг асосийлари қуйидагилардир:

а) таққослаш усули - корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий усулидир, зеро «барча нарса таққослашда аниқланади». Таққослаш усуллари қуйидагилар:

- ҳақиқатдаги кўрсаткичларни бизнес-режа даражасидаги кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида бизнес-режанинг бажарилиш даражаси ва сифати аниқланади;

- жорий йилда амалдаги кўрсаткичларни ўтган давр ҳисоботи билан таққослаш натижасида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати аниқланади;

- ишлаб чиқаришда энг мукамал намунага эга бўлган корхонанинг иқтисодий модели билан таққослаш. Бу ўринда таққослаш комплекс тарзда олиб борилмайди, балки ушбу корхонанинг айрим кўрсаткичлари билан таққосланади. Масалан, дацгоҳлардан фойдаланиш коэффисиенти ёки айтайлик, моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича. Ҳозирги вақтда саноат корхоналарида таққослама таҳлил усулининг бир кўриниши бўлган корхоналараро таққослама таҳлил усули катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу усул илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини ёйиш мақсадида алоқадор бўлган турли корхоналар ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичларни таққослаб кўришга асосланади;

- корхона ишининг якуни, илғор техник - иқтисодий меъёрлар, ўтган давр ҳисоботи айрим даврларда қилинган ишларнинг энг яхши натижалари ушбу корхонанинг илғор участкаларидаги иш натижалари, корхона ҳамда ушбу тармоқдаги илғор ишчиларнинг иш натижалари билан таққослаш;



- ушбу корхонанинг кўрсаткичлари тармоқ бўйича аниқланган ўртача кўрсаткичлар билан таққосланади. Бунда корхонанинг тармоқ миқёсида тутган ўрни белгиланади:

б) гуруҳлаштириш. У ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий текширишнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Гуруҳлаштириш, айниқса, амалий жиҳатдан ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Масалан, юқорида таъкидланганидек товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омилларни гуруҳлаштириш (меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омиллари) мисол бўлади. Гуруҳлаштириш яна ушбу белгиларга ҳам қараб қўлланилади. Масалан, ташқи ва ички омиллар, ижтимоий ва индивидуал, таҳлил қилинаётган объектга боғлиқ ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар ва ҳоказо;

в) етакчи ҳалқани ажратиб қўйиш усули. Корхона фаолияти таҳлил қилинаётган вақтда ниҳоятда кўп далил ва ҳодисалар учрайдики, уларни тўла таҳлил қилиш имкони йўқлиги учун бу усулдан фойдаланилади. Масалан, юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат унумдорлиги даражасига кўп омиллар таъсир кўрсатади, бироқ ишлаб чиқариш шароитида фақат икки ёки ундан кўп етакчи омиллар билан чекланиш мумкин. Буларни ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражалари билан аниқлаш кифоядир. Бу усул у ёки бу ҳодисаларнинг сабабини аниқлашдан ташқари техникани ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради;

г) мутлақ ва нисбий миқдорлар. Мутлақ миқдорлар орқали иқтисодий кўрсаткичларнинг умумий ҳажми аниқланади. Нисбий кўрсаткичлар эса бизнес-режанинг бажариш даражасини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатини белгилайди. Мутлақ миқдор хўжалик юритишнинг самарадорлигини ҳар вақт ҳам белгиламайди. Масалан, ишлаб чиқариш борасида барча шарт-шароит нуқтаи назаридан тенг бўлган 1-корхона, айтайлик, ўтган йилга нисбатан ҳақиқатда 200 минг сўмга кўп фойда олди, 2-корхона 150 минг сўм. Бу рақамлардан 1-корхона яхши ишлайди, деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун нисбий кўрсаткичларга мурожаат этиш даркор. Бу ерда нисбий кўрсаткич рентабеллик даражаси ҳисобланади.

Рентабеллик даражаси фойда суммасининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва (айланма) фондларининг қийматига тақсимланиб, натижани 100 га кўпайтириш билан аниқланади. Демак, 1-корхона бўйича рентабеллик даражаси - 30,5% ташкил этиади, 2-корхона бўйича - 34,5% ни. Шундай қилиб, 2-корхона 1-корхонага нисбатан самарали ишлаган, чунки у асосий ишлаб чиқариш фондларидан яхши фойдаланган, айланма маблағларини тежаб сарфлаш натижасида уларнинг айланишини тезлаштирган ва ҳоказолар;

д) динамика методи. Муҳим ҳодисалар, жараёнларнинг ҳар бирини ривожланишида, деб қараш кераклигини кўрсатади. Демак, бу таҳлил қилиш жараёнида корхона фаолияти ривожланаётганда, деб қаралади ва бу билан унинг ишидаги айрим ўзгаришлари очилади;

е) индекслар. Улар ёрдамида маълумотларни қатор йиллар бўйича таққослаш мумкин. Бу ўринда базали ва занжирсимон индекслардан

фойдаланилади. Масалан, базали индексга маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши мисол бўла олади. Бунда ҳар йили ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми солиштириб бўладиган баҳода ўтган йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан таққосланади. Базисли индекс бўйича ҳисоб қилинганда таққослаш учун база (асос) 100 га тенг, деб олиниб, кейинги кўрсаткичлар ана шу базисли миқдорга фоиз ёки коэффисийент ҳисобида олинади.

ж) бартараф этиш (элиминирование) усули. Хўжалик фаолиятига юқорида айтиб ўтилгандек жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади: асосий, кўшимча, ташқи ва ҳоказо. Бу усул ёрдамида ушбу омилларни бир-биридан ажратиб, алоҳида таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу усул турли усуллар билан амалга оширилади, жумладан, занжирли боғланиш усули билан ҳам.

з) занжирли боғланиш усули. Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: яъни ҳисоб формуласи таркибига кирган ўтган йил доирасидаги айрим олинган миқдорий кўрсаткичларини айнан шу кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасига кетма-кет алмаштирилади. У ёки бу омилнинг таъсири кетма-кет айириш йўли билан аниқланади: иккинчи ҳисобдан биринчи ҳисоб айрилади, учинчи ҳисобдан иккинчи ҳисоб айрилади ва ҳоказо. Биринчи ҳисобда ҳамма кўрсаткичлар ўтган йил доирасида олинади, сўнгги ҳисобда эса - ҳақиқатдаги бажарилиши. Занжирли боғланиш усулини қўллаш товар маҳсулотига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқишимиз мумкин. Таҳлил учун қуйидаги 2.1- жадвални тузилади.

## 2.1 - жадвал

### Занжирли боғланиш усули

Тартиб сони		Ҳисоб формуласига кирувчи омиллар				Пировард натижа - товар маҳсулотининг қиймати (минг сўм) (1ус*2ус*3ус*4ус)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (минг сўм)	Фарқнинг сабаблари
ҳисобни	боғланишни	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони(киши)	Бир ишчи томонидан бир йилда ишланган киши кунни (кун)	Иш кунини ўртача узунлиги (соат)	Бир ишчига тўғри келувчи соатли иш унуми (сўм, тийин)			
А	Б	1	2	3	4	5	6	7
1	-	ҳ.ўт.й 1113	ҳ.ўт.й 238	ҳ.ўт.й 7,78	ҳ.ўт.й 3,21	ҳ.ўт.й 6615	-	-
2	1	ҳ.ўт.й 1085	ҳ.ўт.й 238	ҳ.ўт.й 7,78	ҳ.ўт.й 3,21	ҳисоб 6449	- 166	Иш кучи билан таъминланмаганлиги

3	2	х.х.й. 1085	х.х.й. 226	х.ўт.й 7,78	х.ўт.й 3,21	ҳисоб 6124	- 325	Бир ишчи томонидан ишланган иш кунини қисқариши
4	3	х.х.й. 1085	х.х.й. 226	х.х.й. 7,73	х.ўт.й 3,21	ҳисоб 6084	- 40	Ўртача иш куни узунлигини қисқариши
5	4	х.х.й. 1085	х.х.й 226	х.х.й 7,73	х.х.й 3,65	ҳисоб 6905	+821	Соатлик иш унумининг ўсиши.

х.ўт.й. - ҳақиқатда ўтган йили.

х.х.й. - ҳақиқатда ҳисобот йили.

Жадвалдан кўринишича, экстенсив омил - корxonанинг иш кучи билан тўла таъминланмаганлиги (1085-1113қ 28 киши), бир ишчи томонидан бир йилда ишланган ўртача киши кунининг ўтган йилга нисбатан 12 кунга камайиши (226-238) ва иш кунининг ўртача узунлиги 0,05 соатга (7,73-7,78) камайиши натижасида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 531 минг сўмга камайди (166; 325; 40.). бу камайишнинг ўрни жадал омилнинг ўсиши эвазига қопланди. бир ишчига тўғри келадиган ўртача соатлик иш унумининг 44 тийинга (3,65-3,21) ошиши натижасида 821 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 31 минг сўмни ташкил қилади.

и) Таҳлилда кўп қўлланиладиган усул - кўрсаткичларнинг ўсиш суръати бўйича фарқни аниқлаш усулидир. Таҳлил қилиш учун қуйидаги 2.2 - жадвални кўриш мумкин.

## 2.2 – жадвал

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг ўсиш суръати (%)	Ўсиш суръатидаги фарқ (+,-)	Маҳсулот ҳажмига таъсири (минг сўм) (2 устун х 6615(:100))
А	1	2	3
1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони.	97,5	100-97,5= -2,5	- 165
2. Бир йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунлар	92,4	97,5-92,4= -5,1	- 138
3.Бир йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-соатлар.	91,8	92,4-91,8= - 0,6	- 40
4.Товар маҳсулоти	104,4	104,4-91,8= +12,6	+ 833
<b>Жами:</b>	-	<b>+ 4,4</b>	<b>+ 290</b>

(6615 минг сўм - ҳақиқатда ўтган йилдаги маҳсулот ҳажми)

Жадвалдан кўринишича, маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг бу усулда ҳисоблаганда олинган натижалар занжири боғланиш усули бўйича аниқланган натижаларга тенг.

л) баланс усули - бу усул хом ашё (материал) нинг келиши ва ундан фойдаланиш йўналиши ўртасидаги нисбатни аниқлашга, шунингдек, иш вақти, ускуналарнинг ишлаши ва бошқалардан фойдаланишни ўрганиш учун хизмат қилади.

м) мутлоқ фарқ усули (детерминаллашган омиллар). Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: миқдор омилида бўлган фарқни кўпайтирилади сифат омилини ўтган йилдаги даражасига. сифат омилида бўлган фарқни кўпайтирилади миқдор омилини ҳисобот йилидаги даражасига. Ушбу усулни қўлланиш моҳиятини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз

### 2.3-жадвал

#### Асосий фондлардан самарали фойдаланишни таҳлили

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Ҳақиқатда ўтган уили (0)	Ҳақиқатда жорий уили (1)	Ўзгариши (+,-) Δ
1. Товар маҳсулоти (минг сўм ҳисобида)	Н	5254	5224	- 30
2. Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати (минг сўм ҳисобда)	Ф	4430	5844	+ 1414
3. Фонд самараси (1қ:2қ), (сўм ҳисобда)	Л	1,1860	0,8939	- 0,2921

2.3-жадвал маълумотларидан кориниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада товар маҳсулоти ҳажми ҳисобот йили ытган йилга нисбатан 30 минг сўмга камайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган<sup>^</sup>

1. Асосий фондларнинг йиллик ўртача қийматининг ўзгариши.

+1414 x 1,1860 қ +1677 минг сўм.

2. Фонд самарасининг ўзгариши.

(- 0,2921) x 5844қ - 1707 минг сўм.

Омиллар баланси: (-1707) + 1677қ -30 минг сўм.

Юқорида қайд этилган усуллар билан бир қаторда таҳлил қилиш жараёнида бир қатор статистика қоидаларидан фойдаланилади. Буларга, ўртача миқдорни аниқлаш, ўртача миқдордан оғишларни белгилаш, ўртача квадратик оғмаларни ҳисоблаш, корреляция усули, шунингдек, иқтисодий-математик усуллар ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда омиллар таъсирини ҳисоб-китоб қилишда қўлланиладиган иқтисодий-математик усуллардан бири – бу интеграл усулидир.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва далиллар аниқ ўлчанган ва ҳисобланган бўлиши шарт. Бунга интеграл усулини қўллаш орқали эришиш мумкин. Масалан, товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиши ва камайишига асосий фондлар қиймати ва ундан самарали фойдаланиш таъсирини

юқоридаги 2.3-жадвал маълумотлари асосида интеграл усули орқали аниқлаш мумкин.

2.3-жадвалдан кўринишича, ҳисобот йили товар маҳсулоти ҳажми ҳақиқатда ўтган йилга нисбатан 30 минг сўмга камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1. Асосий фондлар йиллик ўртача қийматининг ўзгариши (экстенсив омил).

У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$N_{\Phi} = L_0 \cdot \Delta \Phi + \Delta L \cdot \Delta \Phi : 2$$

$$N_{\Phi} = 1 \cdot 1860 \cdot 1414 + (-0.2921) \cdot 1414 : 2 = +1470 \text{ минг сўм.}$$

2. Фонд самарасининг ўзгариши. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$N_L = \Phi_0 \cdot \Delta L + \Delta L \cdot \Delta \Phi : 2$$

$$N_L = 4430 \cdot (-0.2921) + (-0.2921) \cdot 1414 : 2 = -1500 \text{ минг сўм}$$

3. Иккала омилнинг уйғиндиси:

$$N_{\Phi} + N_L = (+1470) + (-1500) = -30 \text{ минг сўм.}$$

Демак, товар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 30 минг сўмга камайиши асосий фондлардан фойдаланишни ёмонлашганлиги сабабли содир бўлган, бунинг таъсирида товар маҳсулот ишлаб чиқариш 1500 минг сўмга камайган, лекин асосий фондлар қийматининг ўсиши натижасида маҳсулот ҳажми 1470 минг сўмга кўпайган.

Корреляция ва регрессия усуллари икки ва ундан ортиқ кўрсаткичларнинг ўзгаришини бир-бири билан боғланганлигини ҳисоблашда қўлланилади. Бунда корреляция коэффиценти 0 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффиценти 1 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда боғлиқлик тўлиқ бўлади, яъни функционал бўлади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида корреляцион-регрессион усулдан фойдаланиб, ишчиларни фонд билан қуролланиш ва бир ишчига тўғри келувчи иш унуми ўртасидаги боғланишни кўришимиз мумкин.

**2.4 - жадвал**

Тартиб сони	Фонд билан қуролланиш (минг сўм) X	Бир ишчига тўғри келувчи иш унуми (минг сўм) Y	Ўртача X қатордан фарқи $\Delta X_{\bar{X}-X}$	Ўртача Y қатордан фарқи $\Delta Y_{\bar{Y}-Y}$	Фарқларни кўраутмаси $\Delta X \cdot \Delta Y$	X қаторнинг квадрат фарқи $\Delta X^2$	Y қаторнинг квадрат фарқи $\Delta Y^2$
А	1	2	3	4	5	6	7
1.	0,10	2,5	0,45	1,35	0,6075	0,2025	1,8225
2.	0,20	2,8	0,35	1,05	0,3655	0,1225	1,1025
3.	0,30	2,9	0,25	0,95	0,2375	0,0625	0,9025

4.	0,40	3,7	0,15	0,15	0,0225	0,0225	0,0225
5.	0,50	3,9	0,05	- 0,05	- 0,0025	0,0025	0,0025
6.	0,60	4,3	- 0,05	- 0,45	0,0225	0,0025	0,2025
7.	0,70	3,8	- 0,15	0,05	- 0,0075	0,0225	0,0025
8.	0,80	4,5	- 0,25	0,65	0,1625	0,0625	0,4225
9.	0,90	4,9	- 0,35	- 1,05	0,3675	0,1225	1,1025
10.	1,00	5,2	- 0,45	- 1,35	0,6075	0,2025	1,8225
Сум-ма	5,50	38,5	0,00	0,00	2,3850	0,8250	7,4050
Ўртача миқдор и	0,55	3,85	-	-	-	-	-

Ишчиларнинг фонд билан қуролланиш ва бир ишчига тўғри келадиган иш унуми (меҳнат унумдорлиги даражаси) ўртасидаги коррелятсия коэффициентини қуйидаги формула орқали ифода этиш мумкин.

$$R_{xy} = \frac{\sum \Delta X \cdot \Delta Y}{\sqrt{\sum \Delta X^2 \cdot \Delta Y^2}} = \frac{2,3850}{0,8250 \cdot 7,4050} = 0,97$$

Демак, фонд билан қуролланиш ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик тўла (функционал), деган хулосага келиш мумкин.

## 2.2. Хўжалик субъектларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш

Таҳлилий ишларни муваффақиятли, самарали ўтказилиши, уни ҳар томонлама ўйлаб, синчиклаб ташкил қилинишига боғлиқдир. Унинг ўтказилиши илмий характерга асосланган режа асосида амалга оширилиши лозим.

Иқтисодиёт субъектларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш шакллари қуйидаги 2.2-чизмада кўришимиз мумкин.



## 2.2-чизма. Иқтисодиёт субъектларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш шакллари

Таҳлилий жараёни муваффақиятли ўтказишнинг гарови уни ҳар томонлама пухта ташкил қилишдир. Аналитик жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) таҳлил режаси ва дастурини тузиш;
- 2) таҳлил учун маълумотлар танлаш ва уларни текшириш;
- 3) кўрсаткичларни танлаш ва ҳисоблаш;
- 4) кўрсаткичларни аналитик жиҳатдан қайта ишлаш ва таққослаш;
- 5) таҳлил натижаларини умумлаштириш ва корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятида содир бўлган камчиликларни бартараф қилиш учун чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда аниқланган ички хўжалик резервларидан фойдаланиш.

Дастурсиз бжариладиган таҳлил, ёхуд ўрганиладиган масалалар кўламини аниқ белгиламаслик ўз навбатида таҳлил натижаларига путур етказди. Шунинг учун аналитик ишларни ташкил қилиш борасидаги энг маъсулиятли вазифа-иқтисодий таҳлил дастурини тузиш ҳисобланилади.

Таҳлил дастурининг ҳажми ва мазмуни ундан кўзланган мақсадга боғлиқ. Масалан, таҳлил комплекс тарзда ўтказилиши мумкин. Бунда корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини ҳамма томонлари чуқур ўрганилади. Ёки ишнинг қандайдир бир томонини ўз ичига олган тематик (танланма) таҳлил бўлади. Комплекс таҳлил ўтказилганда ойлик, кварталлик ва йиллик ҳисобот материаллари асосида аналитик баёнот ёзишда қўлланиладиган жадваллар макети юқори ташкилот томонидан тасдиқланиши керак. Масалан, бутун молия-кредит система бўйича таҳлил молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган умумий ва ягона дақур, метод ҳамда умумий аналитик жадваллар макети асосида олиб борилса эди аввалгидек, бу мақсадга мувофиқ бўлур эди. Агар танланма таҳлил ўтказилса, у ҳолда дақурда унинг мавзуси, ҳажми, қандай манбаларга ва маълумотларга асосланиши, таҳлилни бажарувчи шахс, ишнинг бажарилиш муддати кўрсатилиши керак.


Таҳлил учун материалларни тайёрлашда жорий ҳисобда берилмайдиган маълумотларни аниқлаш катта аҳамиятга молик. Масалан, ишчиларнинг бекор туриб қолиш сабабларини аниқлаш учун бевосита кузатув олиб бориш керак. Бунда иш кунини фотография қилиш орқали ёки ушбу учаскада банд бўлган ишчилар ва бошқа ходимларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш орқали юқорида айтилган камчиликларнинг сабаблари аниқланади.

У ёки бу ахборотлар манбасидан фойдаланиш таҳлил дастурини тузишда ҳисобга олиниши керак. Маълумотларнинг тўғрилигини ва аниқлигини текширишдан сўнг уларни қайта ишлашга ўтилади.

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти авваламбор ушбу корxonанинг ходимлари томонидан таҳлил қилинади. Корxonаларнинг хўжалик ва молиявий ҳолати таҳлил қилиш асосан режа-иқтисод, бухгалтерия ва молия бўлимларининг вазифасидир. Ҳозирги вақтда катта ва йирик корxonаларнинг таркибида иқтисодий лабораториялар ҳам иқтисодий таҳлил қилиш билан мукамал тарзда шуғулланмоқдалар (2.3-чизма).

Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корxonаларнинг

ҳисоботини тасдиқлайдилар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини объектив (холисона) баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар. Иқтисодий таҳлил қилиш билан молия ва солиқ идоралари ва банк ходимлари ҳам шуғулланадилар. Улар авваламбор сўм билан назорат қилиш, корхона ва ташкилотларнинг давлат бюджети билан бўлган ўзаро муносабатларига тааллуқли масалалар билан қизиқадиладар. Статистика идоралари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланадилар. Улар қабул қилинган ҳисобот ва статистик маълумотларни статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар ва бошқармаларни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайдилар.



### 2.3-чизма. Таҳлил жараёнида қатнашувчи иқтисодиёт субъектлари

Иқтисодий таҳлил жараёнида турли хил ахборотлар ҳамда маълумотлардан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг тўғри, аниқ, ишончли бўлиши ҳамда ўз вақтида олиниши таҳлил натижаларининг самарадорлигини оширади.

Ички ва ташқи фойдаланувчилар учун муайян шакл ва мазмунга эга иқтисодий ҳодиса, воқеа ва хўжалик жараёнларини қайд этиш ёки қайта ҳисоблаб тегишли манбаларларда кўрсаткич кўринишида акс эттириш иқтисодий таҳлилда учун маълумотлар ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда фойдаланувчиларга узатиладиган хабар тавсифига эга маълумотлар ёки уларнинг тўплами ахборот тушунчасини беради.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотлар ҳамда ахборотларни мазмунига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:



- иқтисодий маълумотлар;
- ҳуқуқий - меъёрий маълумотлар;
- илмий - техникавий маълумотлар;
- табиий - экологик маълумотлар;
- бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси – ички иқтисодий маълумотлар. Уларни бизнес режа, ҳисоб тизими, бюджет ҳисоб-китоблари, корхона дастури маълумотлари ва шу кабилар ташкил этади. Иккинчиси – ташқи иқтисодий маълумотлар. Мисол учун, товар-хомашё бозоридаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бозоридаги маълумотлар, рақобатдош корхона маълумотлари, тармоқдаги ўртача кўрсаткичлар ва шу кабилар. Бу манбалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбаълари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Бизнес - режа маълумотлари.
2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи.
3. Статицик ҳисоб ва ҳисобот.
4. Оператив (тезкор) ҳисоб ва ҳисобот.
5. Ҳисобдан ташқари маълумотлар.

Ушбу санаб ўтилган маълумотлар ичида энг асосийси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳисобланади, чунки тахминан 70 фоиз маълумотларни иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобидан олади. Таҳлил қилиш жараёнида йиллик ҳисоботга ёзилган изоҳнома ҳам ҳар томонлама кўриб чиқилади. Таҳлил қилиш жараёнида ҳисобдан ташқари маълумотлардан ҳам фойдаланиш катта самара беради. Буларга: текшириш ва тафтиш актлари, молия ва солиқ идоралари, банкнинг бажарган таҳлил натижалари, лаборатория ва таъбиот назорати материаллари, корхона меҳнат жамоасининг умумий мажлис материаллари киради.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошқоралиги нуқтаи назаридан ёпиқ ва очик маълумотларга бўлнади. Бухгалтерия ва цатицик ҳисоботларда иқтисодланган маълумотлар ташқарига, бошқа субъектларга тақдим қилинади ва улар очик маълумотларга киради. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг меъёрий кўрсаткичлари, тарифлари, лимитлари ва уларни баҳолаш йўллари ишлаб чиқади. Бу кўрсаткичлар хўжалик субъектининг тижорат, технологик ва ишлаб чиқариш сирини ҳисобланади.

### **2.3. Хўжалик субъектлари фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш.**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш молия хўжалик фаолиятини самарали юритилиши, корхонани техник ва ташкилий жиҳатдан ривожланиши, ташқи иқтисодий, ижтимоий фаолиятларнинг натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг асосий шартини техника прогрессидир. Корхонани техник–иқтисодий кўрсаткичлари, техника, технология ва ишлаб чиқаришни бошқариш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Техника, технология ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш билан узвий боғлиққа эга ва бири иккинчисиз юқори самара бермайди. Хўжалик фаолиятини ташкилий–техника жиҳатдан ташкиллаштириш–бу комплекс узлуксиз жараён бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илмий техникавий даражасини ривожланиши, ишлаб чиқаришда илмий–техника прогресси ютуқларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини мувофиқлаштириш, хўжалик юритиш методларини жамликда ўз ичига олади. Хўжалик субъектининг ташкилий – техника даражасини комплекс таҳлилининг вазифалари:

- 1) ишлаб чиқаришнинг илмий техник даражасини аниқлаш ва унинг корхона фаолиятини натижаларига таъсирини баҳолаш;
- 2) ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнат ва меҳнат шароитини ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш;
- 3) корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини шаклланиши, унинг ўсишини таҳлили, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш йўлларини белгилаш;
- 4) ишлаб чиқаришни ташкилий – техника даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш.

Корхонанинг ташкилий-техника даражаси деб ишлаб чиқариш воситаларининг эришган ўсиш даражалари, ташкил этиш ва бошқарув методларига айтилади.



**2.4-чизма.** Ишлаб чиқаришни ташкилий-техника даражасини комплекс иқтисодий таҳлил этиш тизими

Корхонани ташкилий даражасини комплекс таҳлил этиш услуги куйидаги уч гуруҳдаги аналитик кўрсаткичлар: техника ва технология ҳолати даражаси; ишлаб чиқаришни ташкилий даражаси; ишлаб чиқаришнинг бошқа фаолият турларини ўрганишга асосланган.

Биринчи гуруҳдаги кўрсаткичлар махсулотнинг сифати ва прогрессивлиги, техника ва технология, илмий – тадқиқот ишлар даражаларининг ҳолати, корхонани техника жиҳатдан таъминланиши, янги техника самарадорлигини ифодалайди.

Иккинчи гуруҳдаги кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси, ишлаб чиқаришни марказлашуви ва жойлашиши, ишлаб чиқариш жараёнини давомийлиги, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув даражалари, меҳнат коллективининг ижтимоий шароити кабилардан иборат.

Учинчи гуруҳ маълумотлари доирасида корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти, алоқалари, иш фаолиятининг натижалари тадқиқ қилинади. Ташкилий – техника кўрсаткичларини тадқиқ этиш жараёни жамликда корхонанинг комплекс ташкилий – техник даражаси ва ишлаб чиқаришнинг шарт – шароитини тавсифлайди.

$$K_j = \sqrt[n]{ППК}, \quad k_j = \sqrt[n]{k_1 k_2 k_3 k_4 k_5 k_6 k_7 k_8},$$

бунда  $k_j$  - ташкилий-техника даражасини таҳлил этиш тизимида жами ўрганилаётган кўрсаткичларни комплекс баҳолаш;  $\sqrt[n]{ППК}$  - кўрсаткичларнинг ўсиш (пасайиш) коэффициентларини кўпайтмаси;

$n$  – ташкилий – техника даража ва ишлаб чиқариш шароитини ифодаловчи кўрсаткичлар сони (улар сони 8 та)

$k_1$  - илмий техника даражалари таҳлили кўрсаткичларининг жами;  $k_2$  - ишлаб чиқариш технологияси даражаларини таҳлили кўрсаткичларини жами;  $k_3$  - ишлаб чиқаришни ташкил этиш таҳлили кўрсаткичларини жами;  $k_4$  - корхона бошқаруви даражаси кўрсаткичларини баҳолаш;  $k_5$  - ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари даражасини баҳолаш;  $k_6$  - меҳнат коллективи ижтимоий шароитини баҳолаш натижаларининг кўрсаткичлари;  $k_7$  - ташқи иқтисодий фаолият таҳлили кўрсаткичлари ва уни баҳолаш;  $k_8$  - ишлаб чиқаришнинг бошқа жараён кўрсаткичларини таҳлили ва уни баҳолаш.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ташкилий-техника даражаларни ошириш натижалари ишлаб чиқаришнинг уч элементларидан фойдаланиш орқали юзага келади; меҳнат, меҳнат воситалари ва предметлари. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг сифат кўрсаткичлари бўлиб меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, материал сифими, оборот маблағлар айланиши ҳисобланади.

Корхонанинг ташкилий – техника даражаси таҳлилининг ахборот манбалари:

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия – хўжалик фаолиятининг йиллик ҳисоботи;
- йиллик ва чораклик бўйича бухгалтерия ҳисоботи;
- ишлаб чиқариш қуввати баланси;

- машина ва ускуналар паспорт маълумотлари;
- лойиҳа – смета ва бошқа техник ҳужжатлар.

Корхона ўз фаолияти давомида пул маблағларини ишлатиши туфайли маълум самарага эришади. Корхона раҳбари бир қарорга келиши учун қиёсий самарадорлик натижаларига таянади. Олинган натижани ҳаражатга нисбати самарани ифодалайди. Самарадорликни баҳолаш мезонининг бир қанча турлари мавжуд.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\Delta y = 100 \cdot \left( \frac{Y_p}{Y_x} - 1 \right)$$

бунда  $Y_p, Y_x$  режа ва ҳақиқатдаги меҳнатни ташкил этиш даражалари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини меҳнатни ташкил этишнинг ҳақиқий даражасини режа бўйича кўзда тутилган даражага қадар етказиш ҳисобига ошириш

$$\Delta N = N_x \left( \frac{Y_p}{Y_x} - 1 \right)$$

бунда  $N_x$  - ҳисобот давридаги маҳсулот ҳажми.

Маҳсулот ҳажмини ортиши туфайли ўзгармас ҳаражатларни маҳсулот бирлигидаги улушини пасайиши туфайли таннарх пасайишига эришилади. Маҳсулот ҳажмини ортиши билан ўзгарувчан ҳаражатлар ҳам ортиб боради.

Режалаштирилган маҳсулот таннархи қуйидагича аниқланади:

$$S_p = S \text{ ўз.чан} \frac{Y_p}{Y_x} + S \text{ ўз.мас}$$

$s$  - ўз.чан, ўз.мас – маҳсулот бирлиги таннархидаги ўзгарувчан, ўзгармас ҳаражатлар

Ҳақиқатдаги меҳнатни ташкил этиш даражасини режа даражасигача етказиш орқали фойда ( $P$ ) ни ошириш.

$$p = N_x + \Delta N \quad S_p$$

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражаларини ошириш бўйича режадаги ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси (%)

$$P_p = 100 \left( \frac{N_p}{F + E} \right),$$

бунда  $F, E$  – ўрганилаётган даврдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий қийматликлардаги оборот маблағлари.

Корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини нисбий ўзгариши ҳақиқатдаги меҳнатни ташкил этиш даражасини режа даражасигача етказиш қуйидагича аниқланади (%):

-маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши:

$$\Delta N = \left( \frac{N_p}{N_x} - 1 \right) 100,$$

-маҳсулот бирлиги таннархини пасайиши:

$$\Delta S = \frac{Sp}{Sx} 100,$$

-фойдани ортиши:

$$\Delta P = \left( \frac{Pp}{Px} - 1 \right) 100;$$

-ишлаб чиқариш рентабеллигини ортиши:

$$\Delta P = 100 \left( \frac{Pp}{Px} - 1 \right),$$

$S_p, S_x$  – режа ва ҳақиқатдаги маҳсулот бирлиги таннархи

### Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари.
2. Пировард кўрсаткичнинг ҳисоб формуласига кирувчи омилларга боғлиқлиги.
3. Мутлоқ ва нисбий миқдорлар.
4. Занжирли алмаштириш усули, унинг моҳияти ва қўллаш тартиби.
5. Кўрсаткичларнинг даражасидаги мутлоқ фарқ усули- занжирли алмаштириш усулининг соддалаштирилган варианты.
6. Таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий-математик усулларга умумий таъриф.
7. Иқтисодий таҳлилнинг асосий манбалари.
8. Иқтисодий маълумотларни компютерда ишлов беришни ташкил этиш асослари.
9. Иқтисодий таҳлил ўтказиш босқичларининг методик жиҳатдан бир-бирига боғлиқлиги.
10. Комплекс ва танланма таҳлил дастури қандай тузилади?
11. Иқтисодий таҳлил қилиш билан мукамал тарзда ким шуғулланади?
12. Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс тарзда баҳолаш усули.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2014.
2. Ваҳобов А.В., ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013.
3. Shog'yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -Т.: Fan va texnologiya, 2012.
4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2010.
5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Mehnat, 2004.
6. Баканов М.И., Мельник М.В. Теория экономического анализа. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2007

### **3-мавзу. Хўжалик субъектларининг меҳнат ва моддий ресурслар билан таъминланиши ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш Режа**

3.1. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлиги таҳлили.

3.2. Хўжалик субъектларининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлили.

**Калитли сўзлар:** меҳнат ресурслари; асосий фаолиятда ишловчи ходимлар, асосий фаолиятда бўлмаган ходимлар; ишчилар сони бўйича нисбий фарқ; меҳнат унумдорлигининг моҳияти; бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми; бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми; ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши кунлари ва киши соатлари; меҳнат буюмлари; ишлаб чиқариш захиралари; бир сўмлик моддий харажатларга тўғри келувчи маҳсулот ҳажми (материал самараси), бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар ҳажми (материал сарфи) .

#### **3.1. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлиги таҳлили**

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилиши кўпгина омилларга боғлиқ. Шунинг учун товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш жараёнини осонлаштириш учун улар маълум иқтисодий белгиларига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат омиллари. Бу омиллар таркибига корхоналарни ишчи кучи билан таъминлаш, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги каби масалалар киради.

2. Меҳнат воситалари омиллари. Буларга корхоналарнинг асосий фондлар билан таъминланиши, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги сингари масалалари киради.

3. Меҳнат буюмлари омиллари. Буларга корхоналарнинг хом ашё ва материаллар билан қай даражада таъминланганлиги, моддий-техника таъминотининг ҳолати ва моддий ресурслардан фойдаланиш самараси каби масалалар киради.

Ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш, авваламбор корхонанинг ишчи кучи билан таъминланганлигига боғлиқ. Маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омиллари таркибида қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилади:

1. Корхонанинг ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлиги.
2. Иш вақтидан самарали фойдаланиш.
3. Меҳнат унумдорлиги даражаси.

Корхонада ишловчи барча ходимлар икки туркумга бўлинади: асосий фаолиятда ишловчи ва асосий бўлмаган фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар.

Ўз навбатда асосий фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: ишчилар, хизматчилар, шу жумладан, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар. Ушбу қайд этилган ходимлар маҳсулот

ишлаб чиқаришда бирдай қатнашмайдилар. Агар раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар сони бўйича фақат мутлақ фарқ аниқланса, ишчилар сони бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда нисбий фарқ ҳам аниқланади. Ишчилар сони бўйича нисбий фарқ қуйидагича аниқланади: ўтган йилдаги ишчиларнинг ҳақиқатдаги сони товар маҳсулотининг ўсиш суръатига кўпайтирилиб, сўнгра 100га бўлинади. Шу тариқа, ҳисобланган кўрсаткич ишчиларнинг жорий йилдаги ҳақиқатдаги сони билан таққосланади. Олинган натижа ишчилар сони бўйича нисбий камлик ёки ортиқчаликни кўрсатади. Нисбий камлик меҳнат унумдорлиги ўсганлигидан далолат беради. Ишчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузамиз.

### 3.1-жадвал

#### Ишчилар сони бўйича мутлақ ва нисбий фарқни аниқлаш

Кўрсаткичар	Ҳақиқатда ўтган йили	Ҳақиқатда жорий йили	Товар маҳсулоти ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (111,41 %)	Фарқ	
				Мутлақ	Нисбий
Ишчилар	5203	5426	5797	+223	-371

3.1-жадвалдан кўринишича, маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатини ҳисобга олмаганда ишчилар сони бўйича мутлақ фарқ 223 кишини ташкил қилади. Маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (111,41 фоиз) инобатга олганда эса, нисбий камлик 371 кишини ташкил этди. Бу эса бирлашма жамоасининг меҳнат унумдорлигини ошириш борасидаги улкан ютуғдир.

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги (соат, смена, ой, квартал, йил) ичида ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт бирлиги билан ўлчанади.

Маҳсулот ҳажмини муттасил кўпайтириш ва шу асосда халқнинг турмуш фаровонлигини оширишдаги муҳим омил - меҳнат унумдорлигини бетўхтов оширишдир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари кўп қирралидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизатсиялаштириш, янги машиналарни ва технологияларни жорий қилиш, ишлаётган дацгоҳларни замонавийлаштириш, дацгоҳлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий тарзда ташкил этишни яхшилаш, иш вақтидаги йўқотишларни тугатиш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил этиш ва ҳ.к.лар.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қуйидаги уч кўрсаткичдан фойдаланиш мумкин:

1. Натурал кўрсаткичлар.
2. Шартли-натурал кўрсаткичлар.

### 3. Пул (қиймат) кўрсаткичлари.

Натурал кўрсаткичлар бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган (тонна, метр, дона ва ҳ.к.) корхоналарда қўлланилади. Масалан, нефт қазиб чиқариш натурал ҳолда масса ёки ҳажм бирликларида, ялпи дон ҳосили тонна ёки сентнерларда, йенгил автомобил ишлаб чиқариш доналарда ўлчанади.

Шартли-натурал кўрсаткичлар турли хил маҳсулотларни ягона ўлчамга келтиришга асосланган. Масалан, 15 от кучи бирлигига келтириб ҳисобланган тракторлар. Қиймат кўрсаткичлари ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона-ларда қўлланилади. +иймат кўрсаткичини қўллашда 2 шартни ҳисобга олиш лозим: маҳсулотга қўйилган баҳо ва унинг хилма-хиллиги ўзгармаслиги.

Меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда вақт бирлиги давомида ҳосил қилинган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Бунда индивидуал корхона ва иқтисодиёт кўламидаги меҳнат унумдорлиги фарқланади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад миқдори билан ўлчанади. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги даражаси товар маҳсулотининг ҳажмини ишловчиларнинг сонига нисбати билан аниқланади.

Таҳлил жараёнини чуқурлаштириш учун бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик, кунлик ва соатлик иш унумдорлиги ҳам ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар товар маҳсулоти ҳажмини мутаносиб тарзда ишчиларнинг рўйхатдаги сонига, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига ва киши-соатларига нисбати тариқасида аниқланади. Таҳлил учун қуйидаги 3.2-жадвални ҳавола қиламиз.

### 3.2-жадвал

#### Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли ги	Ҳақиқат да ўтган йили	Ҳақиқат да жорий йили	Ўтган йилга нисбатан мутлақ фарқ (+, -)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (%)
И1.	Асос қилиб олинган маълумотлар					
11.	Товар маҳсулотининг ўзгармас (қиёсий)улгуржи баҳо	м.с.	898370	1000910	+102540	111,41
2.	Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача рўйхатдаги сони	киши	5788	5964	+176	103,04
33.	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	киШи	5203	5426	+223	104,29
.4.	Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши кунлари	кун	1,252156	1,289944	+3778	103,02
55.	Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари	соат	9.701061	9.985046	+283985	102,93
66.	Бир саноат ишлаб чиқариш	сўм	155213	167825	+12612	108,13



	ходимиға тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми (1к : 2к)					
2.	Ҳисобланган аналитик кўрсаткичлар:					
77.	Ишчиларнинг саноат ишлаб чиқариш ходимларида тутган салмоғи (2к x100:2к)	%	89,89	90,98	+1,09	101,21
88.	Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – кунлари (4к : 3к)	кун	240,66	237,73	-2,93	98,78
99.	Иш кунининг ўртача узунлиги (5к : 4к)	соат	7,75	7,74	-0,01	99,87
110	Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми (1к : 3к)	сўм	172664	184466	+11802	106,84
111	Бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унуми (1к : 4к)	сўм, тийин.	717,46	775,93	+55,47	108,15
112	Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унуми (1к : 5к)	сўм, тийин.	92,60	100,24	+7,64	108,25

3.2-жадвалдан кўринишича, ҳисобот даврида бир саноат ишлаб чиқариш ходимиға тўғри келувчи ҳақиқатдаги ўртача йиллик иш унуми ўтган йилга нисбатан 12612 сўмга ортди, ёки унинг ўсиш суръати 108,13 фоизни ташкил этди. Шунингдек, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик, кунлик ва соатли иш унумларининг ўсиш суръатлари мутаносиб равишда 106,84; 108,15; 108,25 фоизни ташкил этди. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўсиш суръати кунлик иш унумининг ўсиш суръатидан 1.31 фоиз орқада. (108.15-106.84). Бунга асосан ишчиларнинг кун бўйи бекор туриб қолишлари сабаб бўлган. Корхона бўйича ҳар бир ишчи томонидан бир йилда қарийб 3 кун ишланмаган. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унумининг ўсиш суръати соатлик иш унумидан 0,10 фоиз орқада (108,25-108,15). Бунга эса ишчиларнинг смена ичида бекор иш йўқотишлари сабаб бўлади. Бизнинг мисолимизда корхона бўйича иш кунининг ўртача узунлиги 0,01 соатга камайган.

Ҳисобот даврида товар маҳсулотнинг мутлақ ҳажми ўтган йилга нисбатан 102540 минг сўмга ошган. Маълумки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ё ходимлар сонини кўпайтириш йўли билан ёки ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлигини ошириш орқали ўсиб бориши мумкин. Ҳозирги шароитда уларнинг иккинчиси ҳал қилувчи йўлдир, зеро ишловчилар сонини кўпайтириш имконияти чекланган. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига икки омил таъсир кўрсатади: 1. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўзгариши. 2. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми. Биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун ишловчилар сонидан бўлган фарқни ўтган йилдаги бир

ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади. Бизнинг мисолимизда жорий йили ҳақиқатдаги ишловчиларнинг сони ўтган йилга нисбатан 176 кишига ошган, ўтган йилдаги бир ишловчига тўғри келувчи иш унуми эса 155213 сўмни ташкил эди.

Демак, маҳсулот ҳажмининг кўпайтиришнинг 27317 минг сўми (176 x 155213) = 27317 минг сўм) ёки 26,6 фоизи [ 27317 x 100 ] ишловчилар сонининг ошиши эвазига ҳосил бўлди. Иккинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумида бўлган фаркни жорий йилдаги ишловчиларнинг ҳақиқатдаги сонига кўпайтирилади: яъни 12612 x 5964 = 75218 м.с. Демак, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг 75218 минг сўми ёки 73,4 фоизи 75218 x 100=73,4% меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинган.

Икки омилнинг йиғиндиси 27317 +75218 = 102535 м.с. маҳсулот ҳажми бўйича ўтган йилга нисбатан бўлган мутлақ фаркга тенг.

3.2-жадвалдан кўринишича, товар маҳсулоти бўйича бир саноат ишлаб чиқариш ходимига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми жорий йили ўтган йилга нисбатан 12612 сўмга ошган. Ишловчиларнинг иш унуми даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз.

### 3.3-жадвал

#### Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқатда		Ўтган йилга нисбатан мутлақ фарк (+,-).	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (%)
		Ўтган йили	Жорий йили		
1. Товар маҳсулоти	м.с.	898370	1000910	+102540	111,41
2. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача рўйхатдаги сони	киши	5788	5964	+176	103,04
Жумладан: Ишчилар	киши	5203	5426	+223	104,29
3. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми	киши	155213	167825	+2612	108,13
Бир ишчига	киши	172664	184466	+11802	106,84
4. Ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги салмоғи	%	89,89	90,98	+1,09	102,21

3.3-жадвалдан кўринишича, бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми ўтган йилга нисбатан 12612 сўмга ошган.

Бунга икки омил таъсир кўрсатди:

Ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги салмоғининг ўзгариши.

$$+1,09 \times 172664 = +1882 \text{ сўм.}$$

2. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши

$$+11802 \times 90,98 = +10737 \text{ сўм.}$$

Демак, икки омилнинг йиғиндиси  $(+1882) + (+10737) = +12619$  сўм. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг мутлақ ўсишига тахминан (12612 сўм) тенг.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил равишда ошириш ишчиларнинг иш унумига бевосита боғлиқ. Бунга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз.

### 3.4-жадвал

#### Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумини таҳлил қилиш

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқатда		Мутлақ Фарқ (+,-)	Ўсиш суръати (%)
		ўтган йили	жорий йили		
1. Товар маҳсулоти	м.с.	898370	1000910	+102540	111,41
2. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	киши	5203	5426	+223	104,29
3. Бир ишчига тўғри келувчи иш унуми	сўм	172664	184466	+11802	106,84
4. Ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши кунлари	кун	1252156	1289944	+37788	103,02
5. Ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши соатлари	соат	9,701061	9,985046	+283985	102,95
Ҳисобланган кўрсаткичлар:					
1. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши кунлари (4қ : 2қ)	кун	240,66	237,73	-2,93	98,73
2. Иш кунининг ўртача узунлиги (5қ x 4қ)	соат	7,75	7,74	-0,01	99,87
3. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унуми (1қ : 5қ)	с.т.	92,60	100,24	+7,64	108,25

3.4-жадвал кўринишича, жорий йили бир ишчига тўғри келувчи йиллик иш унуми ўтган йилга нисбатан 11802 сўмга ошган. Бунга қуйидаги уч омил таъсир кўрсатди.

1. Иш вақтидаги кун бўйича йўқотишлар:

$-2,93 \times 7,75 \times 92,69 = -2102$  сўм 71 тийин.

2.Сменалар ичидаги содир бўладиган иш вақтини йўқотишлар:

$-0,01 \times 237,73 \times 92,60 = - 220$  сўм 14 тийин.

3.Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумининг ўзгариши  
 $+ 7,64 + 237,73 \times 7,74 = + 14057$  сўм 85 тийин.

Ҳисобланган уч омилнинг йиғиндиси  $(-2102,71) + (-220,14) + (+14057,85)$ қ  $+11734$  сўм 98 тийин, яъни бир ишчига тўғри келувчи иш унумидаги мутлақ фарқга тенг.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши бевосита иш вақтидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Афсуски, кўп корхоналарда иш вақтидан қониқарсиз фойдаланилади. Айниқса, ҳозирда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш шароитида бекор йўқотилган ҳар бир дақиқанинг баҳоси қимматга тушаяпти. Шунинг учун меҳнат унумдорлигининг ошиши билан иш вақтининг ҳар бир дақиқасини қиммати ошиб боради. Иш вақтидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичи – ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари ҳисобланилади. Бизнинг мисолимизда жорий йилда ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари ўтган йилга нисбатан 283985 соатга ошган. (4.4-жадвал). Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди.

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ишчилар сонидан бўлган фарқни ўтган йилда бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши кунлари ва иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтирилади, яъни  $+223 \times 240,66 \times 7,75 = +415921$  киши соати.

2.Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши кунларининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун бир ишчи томонидан ишланган киши кунларида бўлган фарқни жорий йилдаги ишчиларнинг ўртача рўйхатидаги сонига ва ўтган йилдаги иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтирилади, яъни  $-2,93 \times 5426 \times 7,75 = -123211$  киши соати.

3. Иш кунининг узунлигининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ушбу кўрсаткичда бўлган фарқни жорий йилдаги ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши кунларига кўпайтирилади, яъни  $-0,01 \times 1,289944 \times 12899$  киши соати.

Юқорида ҳисобланган учта омилнинг йиғиндиси  $(+415921) + (-123211) + (-12899) = +279811$  киши соати тахминан ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатларида бўлган фарқга тенгдир.

Таҳлил қилинаётган бирлашмада иш вақтидан фойдаланида кун бўйи йўқотишлар қарийб уч кунни ташкил этди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлади: ҳар йили ишловчиларга бериладиган навбатдаги жавоб бериш (таътил), ўқиш учун бериладиган рухсат, касаллик туфайли ишга чиқмаслик, корхона маъмурияти рухсати билан ишга чиқмаслик, давлат вазифасини бажариш, қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш натижасида ишга чиқмаслик, сабабсиз ишга чиқмаслик ва х.к.

### **3.2. Хўжалик субъектларининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни таҳлили**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўз навбатида меҳнат буюмларининг ортишига олиб келади. Агар иқтисодиётнинг айрим тармоқларида (енгил саноат) моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатларида тутган салмоғи 80 фоизни ташкил этишини назарда тутсак, у ҳолда материал сарфини камайтиришнинг иқтисодиётда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида тежамкорлик тартибини кучайтириш, ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлаш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияга ўтишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, иккиламчи хом ашёни тўплашни, шу жумладан, аҳолидан тўплашни ташкил қилиш лозим.

Моддий-техника таъминотини бозор иқтисодиётига мос равишда қайта қуриш моддий ресурслардан марказлаштирилган тарзда фойдаланиш ва ицёъмолчиларни мол йетказиб берувчиларга бириктириб қўйишдан ишлаб чиқариш воситалари билан фондлар ва нарядларсиз, ицёъмолчиларнинг буюртмаси бўйича, шартнома нархларидан фойдаланган ҳолда, харидор манфаатини кўзлаб, иш юзасидан шерик танлаш орқали эркин олди-сотди шаклидаги савдо қилишга ўтиш натижасида ишлаб чиқарувчининг ўз амрини ўтказишини ва танҳо ҳуқуққа (монополия) эга бўлишни бартараф этиб, ривожланган бозорнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Корхоналарнинг моддий-техника таъминоти ҳолатини таҳлил қилиш чекланган доирада олиб борилади, чунки йиллик ҳисоботда таъминот ҳолати тўғрисида маълумотлар жуда ҳам кам берилади. Шу боис таъминот ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун корхонанинг таъминот бўлими ва омборхона маълумотларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Ана шу маълумотларга асосланган ҳолда материаллар гуруҳи бўйича келтирилиши ва бизнес-режанинг бажарилишини аниқлаш мумкин.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда амалга ошириш кўп жиҳатдан корхонани моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланишига боғлиқдир.

Корхонанинг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжи икки манба ҳисобига, яъни, ташқи таъминот ва ички таъминот ҳисобига қондирилади.

Ташқи таъминот деганда, корхоналар, хом ашё биржалари билан тузилган шартномаси асосида моддий-техника ресурсларини четдан етказиб берувчилардан келиб тушиши тушунилади.

Ички таъминот деганда таъминот режасининг бажарилиши, ички ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқтисод режасига риоя қилиш кабилар тушунилади.

Корхонани хом ашё ва материаллар билан таъминланганлиги даражаси сотиб олинган хом ашёларнинг ҳақиқатдаги миқдорини режадаги талабни таққослаш орқали аниқланади. Шу билан бирга моддий ресурсларни олиб келиш шартномаларини бажарилётганлигини таъминлаш ва ҳақиқатда бажарилаётганлигини текшириш лозим.

3.5-жадвалда корхонани моддий ресурслар билан етказиб бериш шартномалари ва ички эҳтиёж манбалари орқали таъминланганлигини таҳлил қиламиз.

### 3.5-жадвал

#### Моддий ресурсларни етказиб бериш шартномалари ва ички эҳтиёж манбалари билан таъминланганлигини таҳлили

Материал Тури	Режадаги эҳтиёж, м	Эҳтиёжни қоплаш манбалари		Шартномада белгиланган, м	Шартномавий эҳтиёжларни таъминлаш, %	Мол етказиб берувчилардан олинган, м	Шартномаларни бажарилиши, %
		ички	ташқи				
А Ва ҳ.к.з	4700	50	4650	4420	95	4190	94,8

3.5-жадвал маълумотларидан кўринишича, А материалга бўлган талаб етказиб бериш шартномалари ва ички эҳтиёж манбалари бўйича тўлиқ таъминланмаган.

Режа бўйича қоплаш таъминлаш коэффиценти қуйидагига тенг:

$$50+4420 : 4700=0,95$$

Ҳақиқатда эса , А материални етказиб бериш режаси 10 % га бажарилмаган:

$$4190+50 : 4700 =0,90$$

Демак, А материали бўйича эҳтиёж фақат 90 % га таъминланган.(100-90).

Бундан ташқари, мол юборувчилардан олинган материалларнинг сифати, уларни стандартларга жавоб бериши, техника ва шартнома шартлари ҳамда мол юборувчилар томонидан йўл қўйилган хатоларга билдирилган эътирозлар текширилади. Асосий эътибор материалларни ўз вақтида етказиб бериш режасини бажарилишини ўрганишга берилади. Материалларни ўз вақтида етказиб бермаслик натижасида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш режаси бажарилмай қолади.

Таҳлил жараёнида хом ашё ва материалларнинг муҳим турларини ҳақиқатдаги миқдорини мавжудлиги текширилади. Шу мақсадда натура кўринишидаги материалларни ҳақиқатда мавжудлик тўғрисидаги маълумотлар ва норматив билан таққосланади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз, (3.6-жадвал).

### 3.6--жадвал

#### Моддий ресурслар захираси ҳолатини таҳлили

Материал	Бир кунлик харажат, м	Ҳақиқатдаги захира		Захира нормаси, кунлар	Захира нормаси бўйича ўзгариш	
		М	кунлар		Кунлар	М
А	20	200	10	15	-5	-100

Ортиқча ва кераксизини аниқлаш учун хом ашё ва материалларнинг ҳолати ҳам ўрганилади. Уларни омбор ҳисобининг кирим ва чиқим маълумотлари орқали аниқлаш мумкин. Агар қайсидир бир материал бўйича 1 йил ва ундан кўп даврда харажат бўлмаса, уларни ўтмайдиган гуруҳга киритилади ва умумий қиймати ҳисобланади.

Моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич материал қайтими ҳисобланади. У моддий харажатларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Масалан, корхонанинг ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳажми 100 минг сўмни ташкил этсин, моддий харажатлари эса 70 минг сўм, дейлик. Бундай ҳолда материал қайтими 1,43 сўмга тенг бўлади.

Материал қайтимини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$МҚ \text{ қ } ТМ : МХ$$

бунда:

МҚ -материаллар қайтими;

ТМ -товар маҳсулоти;

МХ - моддий харажатлар.

Материал қайтими кўрсаткичининг акси материал сиғимидир. У бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун неча тийин моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.

### 3.7-жадвал

#### Меҳнат буюмларидан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Мутлақ фарқ (+,-)
1.	Моддий харажатлар, минг сўм.	628430	620430	-8000
2.	Товар маҳсулоти минг сўм.	942600	997970	+55370
3.	Бир сўмлик моддий харажатларга тўғри келувчи маҳсулот ҳажми (материал самараси 2 қатор: 1 қатор сўм, тийин)	1,50	1,61	+0,11
4.	Товар маҳсулотига кетган материал сарфи, тийин (1 қатор: 2 қатор), юздан бир аниқликда 0,01	0,6667	0,6217	-0,045
5.	Материал сарфининг ўзгаришининг таъсири(+,-) а) товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннари (моддий харажатларда( қимматлашиши +; пасайиши -) минг сўм. (4 қатор 5 ус х 2 қатор 4 ус) б) товар маҳсулотининг ҳажми, минг сўм. (5 қатор 5 ус : 4 қатор 3 ус)	- -	- -	-44908 +67358

ҳисоби:

$$5 \text{ а} - 0,045 \times 997970 = -44908 \text{ минг сўм (+)}$$

$$5 \text{ б} - 44908 : 0,6667 = +67358 \text{ минг сўм (-)}$$

Таҳлил қилинаётган корхона моддий харажатларни иқтисод қилиш натижасида қўшимча равишда 67358 минг сўмли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Демак, корхона товар маҳсулотига кетадиган материал сарфини камайтириш борасида барча чора ва тадбирларни ўтказмоқда деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Жадвалдан кўринишича, ҳисобот йили ҳақиқатда товар маҳсулоти ҳажми бизнес-режага нисбатан 55370 минг сўмга ошган. Бунга икки омил таъсир кўрсатади:

1. Моддий харажатларнинг ўзгариши (экстенсив омил):  $- 8000 \times 1,50 = -12000$  минг сўм.

2. Материал самарасини ўзгариши (интенсив омил) :  $+0,11 \times 620430 = +68247$  минг сўм.

Ҳисобланган икки омилнинг йиғиндиси  $(-12000) + (+68247) = +56247$  минг сўм. маҳсулот ҳажмидаги мутлақ фарқга (55370 м.с.) тахминан тенг келади. Бу ерда 877 минг сўмга фарқ (56247 – 55370) омиллар миқдорини бутунлаш ҳисобига рўй берди.

Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши фақат интенсив (жадал) омил ҳисобига содир бўлди. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий салоҳияти ошганлигидан далолат беради.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни ўзаро боғлиқлиги.

2. Ишчилар сони бўйича мутлақ ва нисбий фарқни қандай аниқланади?

3. Меҳнат унумдорлигини омилли таҳлили.

4. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш.

5. Маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омилларини таҳлили

6. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича резервларини аниқлаш усули.

7. Материал сарфини камайтиришнинг йўллари айтинг.

8. Материалларни иқтисод қилиш натижасида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми қандай аниқланади?

9. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига қандай меҳнат буюмлари омиллари таъсир кўрсатади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2014.

2. Ваҳобов А.В., ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013.

3. Shog'yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -Т.: Fan va texnologiya, 2012.

4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2010. .

5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Mehnat, 2004.

6. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. -М.: Инфра, 2009.

7. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.



#### **4-мавзу. Хўжалик субъектларида асосий воситалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда давр харажатлари таҳлили**

##### **Режа**

1. Хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили.

**Калит сўзлар:** асосий воситалар таркиби ва тузилиши; асосий воситаларнинг эскириш, янгиланиш ва яроқлилик коэффициенти; асосий воситалардан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар; фонд самараси ва фонд сиғими кўрсаткичи; харажатларни туркумлаш; маҳсулот таннархини киритилмайдиган ва киритилмайдиган харажатлар; бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари; харажатларни иқтисодий элементи ва калькуляция моддалари бўйича таҳлил этиш.

#### **4.1. Хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.**

Маҳсулот ҳажмининг кўпашига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири корхоналарни асосий воситалар билан етарли даражада таъминланишидир.

Саноат маҳсулотини ва меҳнат унумдорлигини бетўхтов ўсишига илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳаракатдаги асбоб-ускуналар ва дацгоҳларни замонавийлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини киритиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш орқали эришилади.

Мамлакатимизда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилган 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ уларни айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва бошқа мақсадларга йўналтирилди. Булар ўз навбатида иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият кўрсатди.

Корхоналарнинг асосий фондлари ишлаб чиқаришдаги ўз аҳамиятига кўра 3 туркумга бўлинади: саноат ишлаб чиқариш фондлари; бошқа тармоқларнинг ишлаб чиқариш асосий фондлари; ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Лекин асосий фондларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган роли бир хил эмас. Шунинг учун улар 2 қисмга бўлинади: актив (фаол) асосий фондлар; пассив (нофаол) асосий фондлар.

Актив фондларга куч берадиган машиналар ва асбоб-ускуналар, иш машиналари, ўтказгич жиҳозлар, ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари киради. Пассив қисмига эса бинолар, иншоотлар киради.

Асосий фондларнинг актив қисми ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари деб аталиб, улар меҳнат воситалари сифатида маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадилар. Асосий фондларнинг пассив қисми эса маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмаса ҳам ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз олиб бориш имкониятини яратади. Шу боис асосий фондлар фаол қисмининг салмоғи

қанча кўп бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти ҳам шунча кўп бўлади.

#### 4.1-жадвал

### Саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг таркиби ва ҳаракатини таҳлил қилиш

Саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари	Ўтган йили		Жорий йили		Ўтган йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	
	Сўмма (м.с.)	Салмоғи % ҳисоб.	Сўмма (м.с.)	Салмоғи % ҳисоб.	Сўмма (м.с.)	Салмоғи % ҳисоб.
1. Бино ва иншоотлар	18900	49,35	19013	49,41	+113	+0,06
2. Ишдан чиқариш асбоб-ускуналари	19200	50,13	19268	50,07	+68	-0,06
3. Бошқа асосий фондлар	200	0,52	202	0,52	+2	-
Жами	38300	100	38483	100	+183	-

4.1-жадвалдан кўринишича, жорий йили жами саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг қиймати ўтган йилга нисбатан 183 минг сўмга ёки 0,5 фоизга ( $\frac{183 \times 100}{38300}$ ) ошди.

Саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг ўсиши асосан уларнинг пасив қисмининг, яъни бино ва иншоотлар қийматининг 113 минг сўмга ортиши ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналар (актив қисми) қийматининг 68 минг сўмга кўпайишига ҳисобига таъминланди. Фикримизча, асосий фондларнинг актив қисмининг пасив қисмига нисбатан паст суръатлар билан ўсишга қараганда таҳлил қилинаётган корхонада техника тараққиёти суц даражада олиб бориляпти деган, хулосага келишимиз мумкин. Бинобарин, фонддан олинган самарани ошириш ҳаракатдаги корхоналарни техника жиҳатдан қайта курулантириш ва қайта ускуналашни тезкорлик билан амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришга янги техникани киритиш биринчи галдаги вазифа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун асосий фондларнинг актив қисмининг ўсиш суръати пасив қисмининг ўсиш суръатига нисбатан уцун даражада бўлиши керак. Таҳлил қилинаётган корхонада эса асосий фондларнинг актив ва пасив қисмларининг ўсиш суръатлари мос равишда 100,35 фоизни ( $19268 \times 100 : 19200$ ); 100,60 фоизни ( $19013 \times 100 : 18900$ ) ташкил этди. Агар, юқорида айтилгандек илғор саноат корхоналарида асосий фондларнинг актив қисмининг салмоғи 65 фоизни ташкил қилишни ҳисобга олсак, у ҳолда таҳлил қилинаётган корхонада унинг салмоғи фақат 50 фоизга тенг бўлди. Демак, корхона келгусида асосий фондларни янгилаш борасида туб ўзгаришлар қилиш лозим.

Асосий фондларнинг техник ҳолати қониқарсиз даражада бўлса, бу ўз навбатида асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолишига, айрим вақтларда эса ҳалокатга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис улар техник жиҳатдан яхши созланган ҳолатда бўлиши лозим. Асосий фондларни техник жиҳатдан қониқарли даражада ишлаб туриши жорий ва капитал таъмирлаш орқали амалга оширилади.

Асосий фондларнинг техник ҳолатини белгиловчи умумий кўрсаткичлардан бири - уларнинг эскириш коэффициенти. Буни аниқлаш учун асосий фондларнинг эскириш суммаси уларнинг бошланғич қийматига бўлинади. Асосий фондлардан узлуксиз равишда фойдаланиш натижасида уларнинг эскириш даражаси ошиб боради. Шунинг учун уларни янгилаш зарур. Асосий фондларни янгилаш коэффициенти аниқлаш учун янги келган асосий фондлар суммасини асосий фондларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак.

Асосий фондларнинг чиқиб кетиш коэффициенти ҳисоблаш учун эса чиқиб кетган асосий фондлар суммасини уларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак. Асосий фондларнинг ишга яроқлилик коэффициенти аниқлаш мумкин. Уни аниқлаш учун бирдан эскириш коэффициенти айириш керак, яъни 1 - Эк. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти билан ишга яроқлилик коэффициенти ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд. Бу боғланишни яққол кўриш учун қуйидаги 4.2-жадвални ҳавола қиламиз.

#### 4.2-жадвал

##### Асосий фондларнинг эскириш ва яроқлилик даражасини таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
	Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	м.с	39248	40775	+1527
	Асосий фондларнинг эскириш сўммаси	м.с.	9317	11008	+1691
	Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати (1-қатор 2-қатор)	м.с.	29931	29767	-164
	Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти (2-кат. 1 қат.х100)	р.	23,7	27,0	+3,3
	Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти (3-қатор: 1-қаторх100)		76,3	73,0	-3,3

4.2-жадвалдан берилган рақамлардан кўринишича, асосий фондларнинг қарийб чорак қисми амортизациялаштирилган, яъни асосий фондларнинг эскирган қисмининг қиймати амортизация ажратмаси сифатида таркиб топган. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти етарли даражада. Бинобарин, бу ўз навбатида корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш режасини муваффақиятли бажариш учун имконият яратади. Ва ниҳоят, асосий фондларнинг техник даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири асбоб-ускуналарнинг хизмат қилиш ёши (даври) ҳисобланади. Бу кўрсаткични аниқлаш асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг ишлаш қобилияти, уларни алмаштириш ҳамда пировард натижада фонд самарасини оширишга имконият яратади. Таҳлил қилиш учун ҳаракатдаги асбоб-ускуналар маълум турлари бўйича туркумланилиб, сўнгра уларнинг ҳақиқатда хизмат қилган даври норматив бўйича хизмат қилиш муддати билан таққосланади. Одатда, асбоб-ускуналар 10 йилгача бўлган даврда алмаштирилса техника тараққиёти талабларига жавоб бера олади деб ҳисобланилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш нафақат асосий фондларнинг таркиби, техник ҳолати, балки улардан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Асосий фондлардан фойдаланишнинг

умумлаштирувчи кўрсаткичи фонддан олинадиган самара ҳисобланади. У асосий фондларнинг бир сўми ҳисобига қанча маҳсулот чиқарилганлигин кўрсатади. Масалан, корхонанинг бир йилда ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми 100 минг сўмни ташкил этсин, асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати 50 минг сўм, дейлик. Демак, фонддан олинадиган самара 2 сўмга тенг. Фонд самараси қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\text{ФС қ ТМ : АФ ;}$$

бунда:

ФС - фонддан олинадиган самара;

ТМ - товар маҳсулот ҳажми;

АФ - асосий фондларнинг қиймати.

Фонд самараси кўрсаткичининг акси фонд сиғими деб аталади.

Маҳсулот ҳажми ёки фонд самарасининг ўзгаришига турли омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, умумий фонд самарасининг ўзгаришига 2 омил таъсир этади: машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий фондлар таркибида тутган салмоғининг ўзгариши ва машина ва асбоб-ускуналардан олинадиган самарасининг ўзгариши ва ҳ.к. Таҳлил учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз (4.3-жадвал).

Иккинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун фонддан олинган самарадаги мутлақ фарқни жорий йилдаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига кўпайтирилади. Бизнинг мисолимизда фонддан олинган самара ўтган йилга нисбатан 111 сўм 50 тийинга ошди. Демак, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг 42351 минг сўми (111,5 x 379830) ёки 41,3 фоизи  $\frac{(42351 \times 100)}{102540}$  интенсив омил ҳисобига ҳосил қилинган. Шундай қилиб, икки омил таъсирининг ўзгариши тахминан, товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги умумий фарқни беради, яъни

#### 4.3-жадвал

#### Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йили	Ҳақиқатда жорий йили	Ўтган йилга нисбатан фарқ (+,-)
1.Товар маҳсулотларининг ўзгармас корхона улгуржи баҳоси. минг сўм.	898370	1000910	+102540
2. Саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм.	355970	379830	+23860
3.Жумладан машина ва асбоб-ускуналар.	179290	184640	+5350
4. Машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий фондлар таркибида тутган салмоғи (3қатор : 2 қатор) 0,01 аниқликда (коэф.)	0,504	0,486	-0,018
5. Минг сўмлик саноат ишлаб чиқариш асосий фондларидан олинадиган самара (1 қатор : 2 қатор), сўм	2523,7	2635,2	+111,5
6. Минг сўмли машина ва асбоб-ускуналардан	5010,7	5420,9	+410,2

олинадиган самара (1қ : 3қ). сўм			
7. Минг сўмлик саноат ишлаб чиқариш асосий фондларидан олинадиган самаранинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар:			
а) машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий фондлар таркибида тутган салмоғининг ўзгариши, сўм.	-	-	-90
б) минг сўмлик машина ва асбоб-ускуналардан олинадиган самаранинг ўзгариши, сўм.	-	-	+200

$(60215 + 42351) = +102566$  минг сўм. Рақамларни бутунлаш ҳисобига 26 минг сўмга фарқ ҳосил бўлди ( $102566 - 102540 = 26$  минг сўм).

#### 4.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили

Маҳсулот таннархи корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг барча жиҳатларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттиради ва уларнинг иш самарадорлигини кўрсатади.

Маҳсулот таннархи деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларининг пул орқали ифодаланиши тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг аҳамияти турли хилдаги мулкчилик шаклларида иш юритаётган корхоналар учун беқиёсдир, зеро, ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва самарали бошқариш мумкин эмас.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш жонли меҳнат ҳамда буюмлашган меҳнатни тежашни акс эттиради, фойданинг ортишини таъминлайди, улгуржи ва чакана нархларни арзонлаштириш имконини яратади.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат: бошқарув усулларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг асосий фондларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, хўжасизликка қарши курашиш кабилар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: корхона хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган харажатлар таркибини аниқлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг режа ва ўтган йилги харажатларга нисбатан бўлган тежам ёки ўртача харажатга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида материал ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш уцидан назорат олиб бориш, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажатларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, маҳсулот таннархининг харажат унсурлари ва калькуляция моддалари бўйича таркибини таҳлил қилиш, таннархини арзонлаштириш резервларини аниқлаш кабилар.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги...» Низомга мувофиқ ҳамма харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кўшиладиган харажатлар;
- ишлаб чиқариш таннархига кўшилмайдиган, аммо асосий фаолиятдан олинадиган фойдада ҳисобга олинадиган давр харажатларига кўшиладиган харажатлар;

- корхона умумхўжалик фаолиятдан олинадиган фойда ёки зарарларни ҳисобга олинадиган, корхона молиявий фаолияти бўйича харажатлар;

- солиқ тўлагунга қадар фойда ёки зарар ҳисоб-китобида ҳисобга олинадиган тасодифий зарарлар.

Шундай қилиб, харажат моддалари қуйидагича гуруҳланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи:

а) тўғри ва эгри материал харажатлари;

б) тўғри ва эгри меҳнат харажатлари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устама харажатлар кўшилган ҳолда бошқа тўғри ва эгри харажатлар.

2. Давр харажатлари:

а) сотиш бўйича харажатлар;

б) маъмурий харажатлар;

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар бўйича салбий курс фарқлари;

в) қимматли қоғозларга сарфланган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

4. Тасодифий зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиат ресурслари, хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига мувофиқ қуйидаги харажат унсурларига бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш материал харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда).

2. Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

3. Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта ажратмалари.

4. Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси.

5. Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жараёнида бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажат кўраткичини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. У ишлаб чиқариш таннархини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади. Масалан, товар маҳсулотининг қиймати 100 млн. сўмни ташкил этса, маҳсулотни ишлаб чиқариш таннарахи 80 млн. сўм бўлса, у ҳолда товар маҳсулотининг ҳар сўмига қилинган харажат 80 тийин (80:100)га, яъни

foyda esa 20 tийинга teng бўлади. Демак, бу кўрсаткичда фойда билан ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги боғлиқликни яққол кўрсатиш мумкин.

Таҳлил этишда бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар динамикаси, бизнес режага нисбатан ўзгариши аниқланади (4.4- жадвал).

#### 4.4- жадвал

#### Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи(+,-)	
		бизнес режада	Ҳақиқатда	ўтган йилга нисбатан	бизнес режага нисбатан
А	1	2	3	4	5
1.Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўмда	115900	118356	117187	+1287	-1169
2. Товар маҳсулотининг солишгирма улгуржи баҳоси, минг сўмда	134100	140400	142600	+8500	+2200
3. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар, тийин ҳисобида	86,43	84,30	82,18	-4,25	-2,12

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, биз таҳлил қилаётган корхонада ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳар сўми учун қилинган харажат ҳисобот даврида 82,18 тийини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4,25 тийинга ёки 95 % га, бизнес режага нисбатан эса 2,12 тийинга ёки 97 % га камайган. Харажатларнинг бундай тартибда камайиши корхонанинг рентабеллигини оширади. Ўрганилаётган даврда ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат бизнес режага нисбатан 2,12 тийинга камайиши ҳисобига, корхона бўйича 3023,12 минг сўмлик (2,12 x 142600/100) кам харажат қилинган. Демак, корхона ўрганилаётган даврда ҳар бир сўмлик маҳсулот учун 2,12 тийин кам харажат қилиши эвазига унинг даромади 3023,12 минг сўмга ошди.

Таҳлил жараёнида бир сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатларни режага ва ўтган йилга нисбатан ўзгариш сабаблари ва унга омилларнинг таъсирини аниқлаш лозим.

4.4-жадвалдан кўринишича, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи, ҳақиқатда бизнес-режага нисбатан 1169 минг сўмга камайди. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди.

1). Товар маҳсулотининг солишгирма улгуржи баҳосининг ўзгариши:  $+2200 \times 84,30 = +1854,6$  минг сўм.

2).Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар ҳажмининг ўзгариши:  $-2,12 \times 142600 = -3023,1$  минг сўм.

Демак юқорида ҳисобланган омилларнинг таъсири 1169 минг сўмни ташкил этади:  $+1854,6 - 3023,1 = -1169$  минг сўм.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий ва меъёрий шакли Ўзбекистон Ресубликаси Молия Вазирлиги томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган 54-сонли Маҳсулот (базарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш базариш ва хизмат

кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир;

1. Харажатларнинг иқтисодий элементарлари бўйича.
2. Харажатларнинг калькуляцион модалари бўйича.

Харажатларнинг элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларнинг структураси ва динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти тушунилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сиғими, меҳнат сиғими ва фонд сиғими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларни аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляцион модалари бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади,

#### 4.5-жадвал

#### **Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлари ва калькуляцион модалари бўйича туркумланиши**

Иқтисодий элементлари бўйича	Калькуляцион модалари бўйича
1	2
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	Хом ашё
	Ёқилғи
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
	Идишлар ва хоказо
	Асосий иш ҳақлари
	Қўшимча иш ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	Иш ҳақиға уцамалар
	Ижтимоий таъминот бўлимига
	Меҳнат биржасига
Ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар	Касаба уюшмасига
	Асосий воситаларнинг эскириши
Асосий воситалар ва номоддий активлар	



амортизацияси, эскириш харажатлари	Номоддий активларнинг эскириши
	Асосий восита ва номоддий активларнинг ижара ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йиғимлар ва хоказо.

маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция модллари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами таркиби бўйича ўзгаришларни мутлақ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Асосий воситаларни таркиби, тузилиши ва ўсиш суръатини таҳлил қилиш.
2. Асосий фондларнинг техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш.
3. Асбоб-ускуналарнинг хизмат қилиш даврини таҳлил қилиш.
4. Асосий фондлардан олинган самаранинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш.
5. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг аҳамияти нималардан иборат?
6. Харажатларни иқтисодий элементи бўйича таҳлил этишнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?
7. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат қандай аниқланади?
8. Таннархга кўшиладиган бошқа турдаги харажатлар қандай таҳлил этилади?
9. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари кўрсатиб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ваҳобов А.В., ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013.
2. Shog'yosov T.Sh. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. -Т.: Fan va texnologiya, 2012.
3. Pardayev M.Q, Xasanov B.A. Molivaviv va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. -Т.: Cho'lpon, 2012.
4. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2010.
5. Pardayev M.Q., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –Т.: Mehnat, 2004..
6. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. -М.: Инфра, 2009.
7. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. -296.

## **5-мавзу.Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва молиявий ҳолат таҳлили**

### **Режа**

- 1.Хўжалик субъектлари молиявий ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий ҳажми ва айланувчанлигини таҳлили.
- 3.Молиявий натижа кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш

**Калитли сўзлар:** Бухгалтерия баланси; баланснинг актив ва пасив қисмлари таркиби; захира ва харажатлар ҳолати; бухгалтерия баланси ликвидлилиги; доимий ҳаракатдаги активлар; тез сотиладиган активлар; секин сотиладиган активлар; қийин сотиладиган активлар; энг тез тўланадиган мажбуриятлар; қисқа муддатли пасивлар; узоқ муддатли пасивлар; доимий пасивлар; шошилишч ликвидлик коэффициенти; мутлоқ ликвидлик коэффициенти; жорий ликвидлик коэффициенти; молиявий барқарорлик кўрсаткичлари; қарзга олиган ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти; ўз маблағлари билан таъминланиши коэффициенти; корхона тўлов қобилияти коэффициенти; хусусий капитал таҳлили; дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таркиби; дебиторлик қарзларининг айланиш кўрсаткичлари; кредиторлик мажбуриятларининг айланиши; «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл; маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лари сотишдан соф тушум; сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари; маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси; давр харажатлари; асосий фаолиятнинг фойдаси (зарар); молиявий фаолиятнинг жами даромадлари (харажатлари); молиявий фаолиятининг бошқа даромадлари (харажатлари); умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари);фавқулоддаги фойда (зарар); даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар); даромад (фойда) солиғи ҳамда бошқа солиқлар ва йиғимлар; соф фойда; рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими; жами активлар рентабеллиги; хусусий капитал рентабеллиги; сотилган маҳсулот рентабеллиги

### **5.1.Хўжалик субъектлари молиявий ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш**

Иқтисидиётни модернизациялаш шароитида корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатининг аҳамияти ошиб бормоқда. Корхоналар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, хусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан – баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Шу боис, ҳозирги шароитида ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш молиявий таҳлилнинг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий мақсади – молиявий фаолиятдаги ютуқ ва

камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янади тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини муцаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, харажатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, махсус ва мақсадли маблағлар, захира жамғармаси, фойда ва зарарлар, турли хил ҳисоб-китоблар, қийматли қоғоз ва векселлар бўйича маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади. Булар хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда корхонанинг молиявий аҳволи ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Корхонанинг молиявий аҳволи молиявий ресурсларнинг турлар бўйича мавжудлигини, рақобатбардошлик даражаси, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдида мажбуриятларни бошқариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуидир.

Корхона молиявий аҳволини баҳолаш мулкӣ ҳолат; ликвидлилик; молиявий барқарорлик; молиявий натижалар; ишга оид фаолликни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича баҳоланади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги ресурсларидан (молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари) фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади.

Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда, корхонанинг молиявий аҳволи, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Корхоналар мулкнинг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса, балансга қараб, корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия баланси асосида дацлабки баҳолаш ҳисобот йили охирида бўлган баланс моддаларини йил бошига бўлган маълумотлар билан таққослаш ва четга чиқишларни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Баланснинг айрим моддалари бўйича ўзгаришлар корхона хўжалик фаолияти натижасида содир бўлади.

Балансни таҳлил қилишда унинг тузилмаси аниқланади ва хўжалик фаолияти натижасида маблағлар ҳамда уларнинг манбалари таркибида содир бўлган ўзгаришлар ўрганилади; маблағлар қанчалик тўғри жойлаштирилганлиги аниқланади ва корхона молиявий аҳволига дацлабки баҳо берилади.

Таҳлил қилинаётган корхонанинг мулкӣ ҳолатини бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади, уларнинг бир йилдаги ва қатор йиллардаги ўзгаришлари аниқланади, (5.1-жадвал).

## 5.1-жадвал

### Корхона мулкый ҳолатини таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Фарқи	
	Сумма, м.с	Салмоғи, %	Сумма, м.с.	Салмоғи, %	Сумма, м.с.	Салмоғи, %
Жами мулк (400 сатр)	16676389	100	17894474	100	+1218085	-
Жумладан: 1.Узоқ муддатли активлар (130 сатр)	5007310	30,03	6631114	37,06	+1623804	+7,03
Ундан А)асосий воситалар (қолдиқ баҳода) (012 сатр)	4330160	25,96	5691235	31,80	+1361075	+5,845
Б)акциялар, сармоялар (040-090 сатрлар)	677150	4,06	939879	5,25	+133899	+1,19
2.Айланма активлар –жами (390 сатр)	11669079	69,97	11263360	62,94	-405719	-7,03
Ундан А)заҳира ва харажатлар (150+180 сатрлар)	5281557	31,67	4495645	25,12	-7185912	--6,55
Б)пул маблағлари (330+...+360)	208283	1,25	1341526	7,50	+133243	+6,25
В)дебитор қарзлари (220+...+310 сатрлар)	6164939	36,97	5408389	30,22	-756550	-6,75

5.1-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада хўжалик маблағлари ҳисобот йили 1218085 минг сўмга ошган ёки кўшимча ўсиш суръати 7,3 % ни ташкил этди. Ҳисобот йили охирига келиб, корхона мулкининг асосий қисмини айланма активлар 69,97% , заҳира ва харажатлар 45,26% , шунингдек дебиторлик қарзлари 52,83 % ни ташкил қилган. Асосий воситалар ҳисобот йили охирига келиб 5691235 минг сўмни ёки барча хўжалик маблағларининг 85,83 % ни ташкил қилган. Пул маблағларининг салмоғи 1,78 %ни ташкил қилиб, аксия ва сармоялар хўжалик маблағларининг атиги эса 13,52 % ини ташкил қилади. Таҳлил қилинаётган корхонада муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар мавжуд эмас. Булар корхона маблағлари тузилмасини яхшилайти ҳамда молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатлари даврида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритишни бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш резервларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берилиши керак. Янгича иш юритиш

аввал учрамаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Корхонанинг ўз маблағлари устав, қўшилган ва захира сармоялардан; тақсимланмаган фойдадан; мақсадли тушумлар ва фондлардан; келгусидаги харажатлар ва тўловлар захираларидан; келгуси даврлар даромадларидан иборат бўлади. Корхонанинг ўз маблағлари манбаларини таҳлил қилиш авваламбор бухгалтерия баланси, пассив 1-бўлими асосида дастлаб ўз маблағлари манбаларининг таркибий тузилишини ва уларнинг бир йилдаги ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Таҳлил учун 5.2-жадвални ҳавола қиламиз.

5.2-жадвал маълумотлари, корхонада ўз маблағлари манбалари 1545906 минг сўмга кўпайганлиги ва йил охирида 14247582 минг сўмни ёки 112 % ни ташкил қилганлигини кўрсатиб турибди.

Энди, 5.2-жадвал маълумотлари асосида корхонани ўз маблағлари манбаларини ҳар бир тури бўйича ҳисобот йилидаги ўзгариш сабабларини аниқлаймиз. Корхонада уцав капитали ҳисобот йили 524026 минг сўмни ташкил қилиб, уни мулк манбаларидаги салмоғи 3,68 % ни ташкил қилган. Резерв капитали ҳажми 2804619 минг сўмга ва унинг жами мулк манбаларидаги салмоғи 13,1 % га кўпайган. Корхона мулки манбаларида ҳисобот йили бошида

**5.2-жадвал**

**Корхонанинг ўз маблағлари манбаларининг таркибий тузилмаси ва уларнинг ўзгариши**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Фарқи	
	Сумма, м.с	Салмоғи, %	Сумма, м.с.	Салмоғи, %	Сумма, м..с.	Салмоғи, %
Устав капитали	524026	4,12	524026	3,68	-	-0,44
Қўшилган капитал	233615	1,84	233615	1,64	-	-0,2
Резерв капитали	7719522	60,77	10524141	73,87	+2804619	+13,1
Тақсимланмаган фойда	4060405	31,97	2846164	19,98	-1214241	-11,99
Мақсадли тушумлар ва фондлар	164108	1,29	119936	0,8	-44172	-0,49
Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари	-	-	-	-	-	-
Жами маблағлари манбалари ўз	12701676	100	14247582	100	+1545906	-

резерв капиталининг салмоғи 60,77 % бўлган бўлса, йил охирига келиб 73,87 % дан иборат бўлгани ҳолда, ўз маблағлари манбаларида у асосий ҳисобланади. Тақсимланмаган фойда йил мобайнида 1214241 минг сўмга камайган ва ҳисобот

йили охирига келиб 2846164 минг сўмни ташкил қилди. Корхонада мақсадли тушумлар ва фондлар ҳажми ҳисобот йили охирига келиб 44172 минг сўмга камайди ёки унинг жами мулк манбаларидаги салмоғи 0,8 % ни эгаллади.

Корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлиги деганда, асосан унинг ўз маблағларининг ҳажми қарзга олинган маблағлар ҳажмидан кўп бўлиши тушунилади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз, (5.3-жадвал).

### 5.3-жадвал

#### Корхона мулкини ташкил топиш манбалари ва уларни таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Фарқи	
	Сумма, м.с	Салмоғи, %	Сумма, м.с.	Салмоғи, %	Сумма, м..с.	Салмоғи, %
Жами мулк манбалари	16676389	100	17894474	100	+1218085	-
1.Ўз капитали	12701676	76,16	14247582	79,06	+1545906	-
Жумладан:	524026	3,14	524026		-	-0,44
А)Устав капитали	233615	1,40	233615		-	-0.2
в)Резерв капитали	7719522	46,29	10524141		+2804619	+13,1
г)Тақсимланмаган фойда	4060405	24,35	2846164		-1214241	-11,99
Д)Мақсадли тушумлар ва фондлар	164108	0,98	119936		-44172	-0,49
2.Қарзга олинган капитал	3974713	23,83	3646892	20,38	-327821	-3,45
Жумладан:	-	-	-			-
а)Узоқ муддатли мажбуриятлар						
б)Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	3974713		3646892		-327821	-3,45

5.3-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонанинг жами мулк манбалари ҳисобот йили охирига келиб 1218085 минг сўмга ошди. Ўз маблағларининг манбалари йил бошига 12701676 минг сўмни ёки 76,16 % ни ташкил қилгани ҳолда йил охирига келиб 14247582 минг сўмни ёки 79,06% дан иборат бўлган. Корхона мулкининг асосий қисмини ўзига тегишли маблағлари ташкил этган. Қарзга олган маблағлари йил охирига 3646892 минг сўмни ёки 20,38 % ни ташкил қилди. Ҳисобот даврида узоқ муддатли пассивлар мавжуд бўлмаган.

Корхона баланси ликвидлиги ва тўлов қобилиятни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш унинг молиявий ҳолатини баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Корхона баланси ликвидлигини таҳлил этиш молиявий таҳлилнинг энг асосий босқичларидан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳаёт-мамотини, уларни банкрот бўлиш ёки келгусида фаолият кечириш муаммоларини очишга ёрдам беради.

Ликвидлилик корхонанинг ўз жорий активлари ҳисобига ўзининг қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажаришга лаёқатлилигини кўрсатади. Баланс активи “реализация қилинадиган”, яъни мол-мулкни ицалган вақтда нақд пулга айлантурса бўлади. Баланс активининг моддалари йўқ бўлиб кетмай, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтади. Баланс пассивининг моддалари “узиладиган”, яъни улар қарздорлик узилиши туфайли “йўқ бўлиш” қобилиятига эга. Мана шундай “ликвидлик” пассивда реализация қилинадиган активлар билан акс эттириладиган мажбуриятларни тўлашни англатади.

Баланс ликвидлигини аниқлаш долзарблиги корхоналарни банкротлик оқибатида тугатиш муаммоси юзага келадиган бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Баланснинг ликвидлик даражасини аниқлаш учун активнинг маълум муддатда тўланиши лозим бўлган қисмига таққосланади. Агарда актив моддалари реализация мажбуриятларини тўлаш учун кифоя қиладиган суммасини берса, бу маънода баланс ликвид, яъни корхона тўловга лаёқатли, акс ҳолда эса у тўловга лаёқатсиз ҳисобланади.

Баланс ликвидлигини керакли даражада бўлиши – бу корхона фаолиятини давом этиши, бошқа корхона ва ташкилотлар – таъминотчи, кредитор, банк органлари ва давлат бюджети билан меъёрий иқтисодий алоқаларни давом эттириш кафолатидир. Бозор муносабатлари мураккаб бўлиб, бу вазиятда корхона баланси ликвидлик хусусиятга эга ва эга бўлмаслиги мумкин. Баланснинг ликвидлиги тасодифан, вақтинча, узоқ муддатли ва доимий бўлиши мумкин. Лекин амалиёт талаби – корхоналар баланси ликвидликка эга бўлишидир.

Баланснинг ликвидлик хусусияти бозор муносабатларининг асосий талабларидан биридир. Корхона ликвидлик хусусиятига эга бўлса, бу корхона иқтисодиёт мажмуасида фаолият кўрсатиши мумкин. Агарда корхона баланси бу хусусиятга эга бўлмаса, у бошқа корхона ва ташкилотлар билан меъёрий равишда иқтисодий алоқаларни олиб боролмайди ва фаолият кечириши оғирлашиб кетади. Демак, баланс ликвидлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиб туриш объектив заруриятдир.

Баланснинг ликвидлик кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби усулини 5.4-жадвалда келтирамиз.

## 5.4-жадвал

### Корхона баланси ликвидлигини таҳлил қилишни ҳисоб-китоб усули

г у р у х	Актив	Баланс сатрлари	г у р у х	Пассив	Баланс сатрлари
1	2	3	4	5	6
<b>A1</b>	Доимий ҳаракатдаги активлар	320+...+370-сатр №1-шакл	P1	Зудлик билан тўланадиган мажбуриятлар	601-сатр №1-шакл
<b>A2</b>	Тез сотиладиган активлар	210-211-сатр №1-шакл	P2	Қисқа муддатли пассивлар	730+740- сатр №1-шакл
<b>A3</b>	Секин сотиладиган активлар	030+140+190+200+380 сатр №1-шакл	P3	Узоқ муддатли пассивлар	570+580- сатр №1-шакл
<b>A4</b>	Қийин сотиладиган активлар	012+022+090+100+110 +120 №1-шакл	P4	Доимий пассивлар	480-сатр №1-шакл
	Баланс A1+A2+A3+A4			Баланс П1+П2+П3+П4	

Баланснинг мутлақ ликвидлигини аниқлаш учун бир йўла қуйидаги ҳолатга эришиш лозим:

$$\begin{aligned} A1 > П1 & \quad A3 > П3 \\ A2 > П2 & \quad A4 < П4 \end{aligned}$$

Баланснинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш эҳтиёжи корхона молиявий маблағларда чекланганлиги, шунингдек, инвесторлар, акциядорлар ва турли кредиторлар учун тўловга лаёқатлилигини аниқлаш зарурияти муносабати билан юзага келади. Баланснинг ликвидлигини таҳлил қилишда корхонанинг тўлаш қобилияти ҳам баҳоланиши зарур.

Корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалайди.

Тўлов қобилияти деганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади.

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жўнатилган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдан тушган тушум ва бошқалар киради. Шунингдек, қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларини амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин. Қимматли қоғоз, акция, облигация сотишдан олинган маблағ ва қўшма корхоналар қатнашишидан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши керак. Тўлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳнат ҳақи, турли хил кредиторларга бўлган қарзлар киради. Корхонанинг маълум бир кундаги тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар



солиштирилади. Корхонанинг тўлов қобилиятини эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди.

Корхона баланси ликвидлигини аниқлаш мақсадида балансинг маълум моддалари ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларини акс эттирувчи коэффициентлар тарзидаги кўрсаткичларни бутун бир тизими ҳисоблаб чиқилади. Баланснинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб, қуйидагилар киради:

**1. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти.** Мутлоқ ликвидлик коэффициенти пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларнинг жорий мажбуриятлардаги улушини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг энг мобил (ҳаракатчан) қисми пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозлар ҳисобланади. Чунончи, қимматли қоғозлар тезда пулга айлантирилиб қарзларни узишга ва тўловларни тўлашга ишлатиш мумкин. Бинобарин, шу сабабли уларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати мутлоқ ликвидлик коэффициенти деб аталади.

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти асосида шу вақтдаги мажбуриятларни қоплаш учун нақд пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу биринчи навбатда мазкур корхонага маҳсулот етказиб берувчилар учун аҳамиятли. Бу кўрсаткични нормадаги даражаси бўлиб  $>0,2$   $<0,7$  ҳисобланади. Ушбу коэффициентни аҳамияти агар  $0,2$  дан кам,  $0,7$  дан юқори бўлмаса, у ҳолда назарий жиҳатдан корхонанинг тўлов қобилияти таъминланган бўлади.

**2. Шошилиш ликвидлик коэффициенти.** Шошилиш ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар улушини тавсифлайди. Ушбу коэффициент корхонанинг ликвид активлар ҳисобидан тезда жорий мажбуриятларни узиш қобилиятини кўрсатади.

Шошилиш ликвидлик коэффициенти корхонанинг тез ликвид активлардан жорий мажбуриятларни бажариш қобилиятини белгилайди ва тўлаш коэффициенти кўрсаткичини тўлдиради. Шошилиш ликвидлик коэффициенти кўрсаткичининг юқорилиги молиявий хавф даражасининг пацлигидан ва четдан қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш учун яхши имкониятлар борлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич кредит беришда банклар ва кредит берувчи бошқа муассасаларни қизиқтиради. Ушбу коэффициентнинг нормадаги даражаси бўлиб  $> 0,7$   $<2,0$  ҳисобланади.

**3. Жорий ликвидлик коэффициенти.** Жорий ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишига кўра, яъни айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини тавсифлаб, корхонанинг тўловга лаёқатлилигига умумий баҳо беради.

Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий деб қаралади. Аммо бў кўрсаткичнинг жиддий ўсиши номақбул бўлиб, ишлаб чиқариш захираларига жойланган маблағлар айланувчанлиги сусайганидан, дебиторлик қарзларининг асосиз кўпайишидан далолат беради. Ушбу коэффициентнинг нормадаги даражаси бўлиб,  $>1,25$   $<3$  яъни аҳамияти  $1,25$  дан  $3$  гача бўлиши назарий жиҳатдан асосланган. Агар ушбу коэффициентнинг аҳамияти  $1,25$ дан кам бўлса, у ҳолда

корхона учун молиявий хавф-хатар туғилади. Чунки бу салбий ҳолат бир сўмлик қисқа муддатли қарзларга 1,25 сўмдан кам жорий активлар тўғри келади дегани.

Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 3 дан кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, зеро менежмент нуқтаи назаридан активларни бошқариш борасидаги ўқувсизликдан далолат беради. Активларни керагидан кўп жамланиши улардан самарали фойдаланишга олиб келмайди. Лекин жорий ликвидлик коэффициентини аҳамияти 3 дан кўп бўлиши кредиторларни корхонага сармоя қўйишга кўпроқ жалб этади.

Энди корхона амалий маълумотларидан фойдаланиб, ушбу коэффициентларни таҳлил қилиб чиқамиз. Таҳлил учун 5.5-жадвални ҳавола қиламиз.

### 5.5-жадвал

#### Корхона балансининг тўлов қобилиятини (ликвидлик) коэффициентларини таҳлили

Коэффициентлар	Норма	Йил боши	Йил охири	Ўзгариш (+,-)
1.Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	>0,2 <0,7	0,05	0,4	-0,1
2.Шошинч ликвидлик коэффициенти	>0,7 <2,0	1,6	1,8	+0,2
3.Жорий ликвидлик коэффициенти	>1,25 <3,0	2,9	3,1	+0,2

5.5-жадвал маълумотларидан кўринишича, мутлоқ ликвидлик коэффициенти ҳисобот даврида норма доирасида бўлди – 0,05; 0,4; Ушбу коэффициентнинг йил охири йил бошига нисбати ўзгариши – 0,1 га камайган.

Корхонада шошинч ликвидлик коэффициенти ҳисобот йили бошида – 1,6, охирига – 1,8 коэффициентни ташкил қилди, яъни норма доирасида.

Жорий ликвидлик коэффициенти ҳисобот йилда 2,9; 3,1 коэффициентни ташкил қилди. Ҳисобот йили бошига нисбатан фарқи эса 0,2 га кўпайган.

Демак, корхона балансини тўловга лаёқатли деб ҳисоблаш мумкин. Чунки барча ҳисобланган коэффициентлар норма доирасида бўлган.

Шу тариқа ҳисоблаб чиқилган ликвидлик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари корxonанинг турли даврларидаги балансларини, шунингдек, молиявий ҳолатни баҳолаш мақсадида турли корxonанинг балансини таққослаш имконини беради. Ликвидлик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст бўлган ва ёмонлашиб бораётган корxonалар банкрот деб топилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, кредиторларнинг пул маблағлари бўйича талабларини тўлик ҳажмда қондиришга, шу жумладан солиқлар, йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмаган корxonалар банкрот (иктисодий жиҳатдан ночор) деб ҳисобланади.

Корxonани бундай аҳволга олиб бормаслик учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ҳамда баҳолаб турилиши керак.

Ликвидлик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади.

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;
- айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш.

Ликвидлик ва тўлов қобилияти даражаси кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳамда иқтисодий бақувватлигига боғлиқ бўлади.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими унинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар) га қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига коплайдиган, ноўрин дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади.

Молиявий барқарорликка тегишли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили иқтисодий адабиётларда йетарлича ёритилган. Хусусан, Россия иқтисодий таҳлил фанининг кўзга кўринган йирик намоёндалари А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин, А.Л.Ли, С.И.Кравченко, В.В.Ковалев ва бошқаларнинг молиявий таҳлил бўйича чоп этилган қатор дарслик, ўқув қўлланмаларини, илмий мақолаларини эътироф этиш жоиз. Иқтисодчи олимларнинг корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими борасида тавсиялари турлича.

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин томонидан молиявий таҳлилга бағишлаб чоп этилган “Молиявий таҳлил услуги” ўқув қўлланмасида корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қилганлар:

- ўзлик манбалар коэффиенти;
  - ўзлик ва мажбуриятлар нисбати;
  - чакқонлик коэффиенти;
  - ҳаракатчан ва ҳаракатсиз маблағлар нисбати;
  - қисқа муддатли қарзлар коэффиенти;
  - заҳира ва харажатларни шаклланишида мустақил манбалар коэффиенти;
  - кредиторлик қарзлар коэффиенти;
- А.Ф.Ионова қуйидаги молиявий коэффиентларни тавсия этган:
- ўзлик капиталининг жамланганлик коэффиенти;
  - узоқ муддатли мажбуриятларнинг таркибий коэффиенти;
  - ўзлик капиталининг чакқонлик коэффиенти;
  - қарзларни узоқ муддатга олиш коэффиенти.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий таҳлилга ва унинг айрим соҳаларига бағишланган адабиётлар, илмий рисола ва мақолалар чоп этилган. Бевосита корхоналарнинг молиявий ҳолатига бағишланган нуфузли ишлардан бири Э.А.Акрамов томонидан чоп этилган “Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили” ўқув қўлланмани эътироф этиш жоиз. Ушбу ишда муаллиф молиявий барқарорликни икки тизимли кўрсаткичларга умумлаштиришни тавсия этган:

1. Асосий кўрсаткичлар:

1) Ўзлик маблағларининг манбалари.

2) Ўзлик маблағларининг манбалари ва узоқ муддатли пассивлар.

3) Умумий манбалар – ўзлик маблағларининг манбалари, узоқ муддатли ва бошқа пассивлар.

2. Қўшимча кўрсаткичлар:

1) Айланма маблағларнинг ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти.

2) Мажбурият ва ўз манбалар нисбат коэффициенти.

3) Молиявий қарамлик коэффициенти.

4) Ўзлик капиталнинг чакқонлик коэффициенти.

5) Молиялаштириш коэффициенти.

6) Капитални қарзга олиш коэффициенти.

Иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва Б.А.Хасановлар томонидан чоп этилган “Молиявий ва бошқарув таҳлили” ўқув қўлланмада молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни 5 гуруҳга бўлинади:

1. Хусусий маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарорлиги, корхона иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва иевецорларга боғлиқлик даражаси молиявий барқарорлик мезони ҳисобланади. Корхонанинг ўзининг шу вақтга бўлган қарзлари билан ҳисоб-китоб қилиш қобилиятини тавсифловчи баланс ликвидлигидан фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик – корхонанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатдир.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, уларни бир йил ёки бир неча йил учун динамикада қиёслаш, уларнинг ёмонлашиш ёки яхшилашиш сабабларини аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшилашга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш керак бўлади. Молиявий барқарорлик коэффициентларининг аҳамияти асосан кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади, зеро ушбу коэффициентлар орқали улар корхонанинг чет эл сармояларига қарамлик даражасини, молиявий ҳолатининг барқарорлигини, банкротлик (синиш) эҳтимолини ҳамда инвестиция сиёсатини юргизиш вариантларини аниқлайдилар.

Корхоналарни молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулини қуйидаги жадвалда ҳавола қиламиз (5.6-жадвал).

## 5.6-жадвал

### Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб усули

Кўрсаткичлар 1	Норма 2	Аниқлаш тартиби 3
1.+арзга олинган ва ўз маблағларининг нисбати	<1	<u>1-шакл.770 сатр</u> <u>1-шакл.480 сатр</u>
2.Корхона жами мулкида асосий ва моддий айланма маблағларнинг улуши.	>0,5	1-шакл 130+140 сатр 1-шакл. 400 сатр
3.Корхона жами мулкида асосий воситаларни улуши	>0,3	1-шакл. 130 сатр 1-шакл.400 сатр
4.Ўз маблағлари билан таъминланиши	>0,1	1-шакл.480-130 1-шакл.390 сатр
5.Корхона тўлов қобилияти	>2,0	1-ш.390-2а-ш.7 устун 1-шакл. 600 сатр
6.Узоқ муддатли қўйилмалар таркиби	>0,1	1-шакл.570+580 1-шакл. 130 сатр
7. Жалб қилинган капитал таркиби	<0,1	<u>1-шакл.570+580</u> <u>1-шакл. 770сатр</u>
8.Ўз капиталини узоқ муддатли мажбуриятларга нисбати	-	<u>1-шакл.480 сатр</u> <u>1-шакл. 570+580 сатр</u>
9.Жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати	>1,0	<u>1-шакл.390 сатр</u> <u>1-шакл. 770 сатр</u>
10.Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати	<1,0	<u>1-шакл.570+580 сатр</u> <u>1-шакл. 480 сатр</u>

Энди, корхона амалий маълумотларини қўллаган ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари таҳлилин куйидаги жадалда ҳавола қиламиз, (5.7-жадал).

Корхонанинг молиявий жиҳатдан муцаҳкамлигини ва жалб қилинган қарз маблағларига қарамлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич – қарзга олинган ва ўз маблағларининг коэффицентидир

## 5.7.-жадал

### Корхона молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлили

Коэффициентлар	Норма	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1.Қарзга олиган ва ўз маблағларининг нисбати	<1	0,3	1,2	+0,9
2.Корхона жами мулкида асосий ва моддий айланма маблағларнинг улуши.	>0,5	0,8	0,7	-0,1
3.Корхона жами мулкида асосий воситаларни улуши	>0,3	0,3	0,4	+0,1
4.Ўз маблағлари билан таъминланиши	>0,1	0,6	0,7	+0,1
5.Корхона тўлов қобилияти	>2,0	2,9	3,1	+0,2
6.Узоқ муддатли қўйилмалар таркиби	>0,1	-	-	-

7.Жалб қилинган капитал таркиби.	<0,1	-	-	-
8.Ўз капиталини узоқ муддатли мажбуриятларга нисбати	-	-	-	-
9.Жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати	>1,0	2,9	3,1	+0,2
10.Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати	<1,0	-	-	-

5.7-жадвал маълумотларидан кўринишича, агар йил бошига корxonанинг ўз маблағларининг ҳар сўмига 0,3 тийин қарзга олинган маблағлар тўғри келган бўлса, йил охирига келиб 1,2 тийинни ташкил этди. Демак, корxonанинг қарз маблағларига қарамлиги ошган. Бундай ҳолат унинг молиявий ҳолатини барқарорлик даражасини пасайтиради. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти ҳисобот йили охирига 1 дан катталигини эътироф этиш керак, яъни норма доирасидан ташқарида.

Корxonанинг жами мулкида асосий ва айланма маблағларнинг улуши ҳисобот йили бошида 08 ни ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб 0,7 ни ташкил қилиб, 0,1 га камайди. Асосий ва айланма маблағларнинг корxона мулкида тутган салмоғи тадбиркорлик билан корxона маблағларидан фойдаланиш даражасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 0,5 дан кам бўлмаслиги керак.

Корxона жами мулкида асосий воситаларни улуши ҳисобот йили охирига келиб 0,4ни ташкил қилиб, ҳисобот йили бошига нисбатан 0,1 га кўпайди. Корxона жами мулкида асосий воситаларнинг салмоғи коэффициентни 5-коэффициентни тўлдирувчи коэффициент ҳисобланиб, у асосий воситалардан қанчалик самарали фойдаланиш даражасини кўрсатади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти 0,1 дан ошмаслиги керак. Корxонада ушбу коэффициент ҳисобот йилида нормадан юқори, яъни – 0,6; 0,7 коэффициентни ташкил қилди. Бу корxonани тўловга қодирлиги пасайганлигидан далолат беради.

Ҳисобот йили бошида корxonанинг тўлов қобилияти 2,9 ни, ҳисобот йили охирида 3,1 ни ташкил этди. Корxonанинг тўлов қобилияти ўз айланма маблағларининг сақланувчанлиги, тез пулга айланадиган айланма активларнинг ҳолатига ҳамда улардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 0,2 дан кам, 0,3 дан юқори бўлмаса, у ҳолда назарий жиҳатдан корxonанинг тўлов қобилияти таъминланган бўлади. Корxонада ушбу коэффициент даражаси нормадан юқори бўлган. Ўзининг капиталини асосий капиталга нисбати коэффициентни ҳисобот йили охирида 2,1 га тенг бўлиб, 0,3 га камайган. Демак, таҳлил натижаларидан корxonанинг молиявий барқарорлиги ёмон эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Корxonанинг молиявий қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Бу ҳолат эркин рақобат шароитида янада муҳимдир. Шу туфайли корxона раҳбарлари корxonани молиявий қарамликдан сақлаш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корxonанинг молиявий барқарорлигини

таъминлаш бу – бир ёқлама ёки мавсумий иш эмас. У доим амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли, кўп қиррали ишдир.

## **5.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий ҳажми ва айланувчанлигини таҳлили**

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Ҳозирги шароитда фаолият кўрсатиш учун зарур шарт - молиявий ҳисоб-китоб интизомига қатъий риоя қилишдир. Товарлар ва хизматлар учун барча ҳисоб-китоблар икки томон тасдиқлаган шартномага мувофиқ белгиланган мудатда бажарилиши шарт. Ҳозирги кунда илгари шаклланган корхоналараро иқтисодий алоқалар тарқалиб кетди. Бу алоқаларни янги шарт-шароитларда янгичасига тубдан ўзгартириб шаллантириш зарурияти пайдо бўлди. Натижада, корхоналараро алоқалар мураккаблашди ва дебиторлик-кредиторлик қарзлар кўпая бошлади, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи муаммога айланди. Кўпгина корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ёмонлашуви омилларидан бири – катта суммадаги муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг тўпланиб қолиши бўлиб қолди.

Бухгалтерия ҳисобида «дебитор» атамаси муайян корхонадан қарздор бўлган шахсни англатади. «Кредитор» атамаси эса муайян корхонани қарздор қилган шахсни билдиради. Икки томонлама шартнома мажбуриятларида бир корхонанинг ўзи ҳам дебитор, ҳам кредитор бўлиши мумкин.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳосил бўлиши билан боғлиқ молиявий аҳволнинг ёмонлашуви давлатнинг молиявий ҳолатида ҳам акс этади, чунки буларнинг бари бюджет тўловларининг келиб тушмаслиги, товар айланиши ҳажмининг камайиши, касса режасининг бажарилмаслигига олиб келади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

- йил бошига ва йил охирига бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни аниқлаш;

- уларнинг йил бошидаги ва бир неча йилдаги ўзгарувчан фарқини ҳисоблаб чиқиш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тузилмасини аниқлаш;

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома» маълумотлари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари улушини, шунингдек республика ҳудудидан ташқарида айрим давлатлар бўйича юзага келишини аниқлаш, уларни юзага келиш вақтини ва сабабларини аниқлаш, уларни ундириш ва тўлов чораларини кўриш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни олдини олиш бевосита давлат назаридаги ва эътиборидаги масала ҳисобланди. Негаки, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иқтисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш учун чора-тадбирлар белгиланади.

Таҳлил этишда корхоналарни муайян даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага келиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг оқланувчанлигига, улар бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Иқтисодчи олимлар А.Ваҳабов ва А.Иброҳимовларнинг: «Молиявий ва бошқарув таҳлили» дарслигида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таҳлили мақсади «дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корxonанинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат» деб кўрсатилган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркиби корхоналарнинг қандай ташкилотлар билан бозор шароитида алоқа қилаётганлигига ҳам боғлиқдир.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бевосита корхона билан қарши томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблардан келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ўртасида, корхона билан солиқ органлари ўртасидаги, корхона билан ижтимоий таъминот бўлимлари, шунингдек ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвенторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Уларни юзага келишини асосий сабаби ҳисоб-китобларда. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар корхона баланси (1-шакл) ҳамда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномадан (2-шакл) олинади. Ушбу шаклда акс этган кўрсаткичлар тўлов қобилияти, молиявий интизомга риоя қилинганлик ва бошқа ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларнинг ҳолатига баҳо бериш учун асосий манбадир. Шунингдек, таҳлил манбаси сифатида бухгалтерия ҳисобининг аналитик счётлари маълумотларидан фойдаланилади. Бундан ташқари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхона баланси, яъни ҳар чоракда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда ҳам акс этади.

Меъёрий иқтисодий шароитда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корxonанинг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган зарур ҳодисадир. Лекин микроиқтисодиётда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари меъёрдан ортиб кетиб, муддатидан кечиктрилса, иқтисодиётнинг микро ва макро даражаларида жиддий ҳалоқат сифатида бир қатор корхоналарнинг ликвидсизлиги, тўлов қобилиятсизлигини келтириб чиқаради. Булар эса, ўз навбатида корхоналарни банкрот бўлишига олиб келади, давлат бюджетига даромад тушишини камайтиради, иқтисодиётнинг барқарор тараққиётига таъсир этади.



Дебиторлик қарзи – корхонанинг айланмасидан чиқиб қолган ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларда турган маблағларидир. Корхонани ўз маблағлари ёки бошқа корхоналарнинг маблағлари бу қарзларни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади.

### 5.8-жадвал

#### Дебиторлик қарзлари таркибини таҳлили

Дебиторлар							
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб	20613090	38,65	68571799	68.21	+47958709	+29.56	
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган ўнаклар	21393	0.04	36797	0.04	+15404	-	
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари	1449	0.003	1621	0.002	+172	-0.001	
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари	2175	0.004	2175	0.002	-	-0.002	
Бошқа дебиторлик қарзлари	32693311	61.30	31917371	31.75	-775940	-29.55	
Жами	53331418	100	100529763	100	+47198345	-	
Муддати ўтгани	2977408	-	204414	-	-2772994	-	

5.8-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада дебиторлик қарзларининг ҳажми ҳисобот йили охирида 100529763 минг сўмни ташкил қилиб, 47198345 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 188,5 % дан иборат бўлди.

Дебиторлик қарзининг тузилмасида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Дебиторлик қарзлари таркибида ҳисобот йили бошида бошқа дебиторлик қарзининг улуши 61,30 %ни, харидор ва буюртмачиларнинг қарзи 38,65 % ни ташкил қилди. Корхонада ҳисобот йили охирида дебиторлик қарзлари таркибида харидор ва буюртмачиларнинг қарзи 68,21 %ни эгаллаган ҳолда, мутлоқ суммада 47958709 минг сўмга ошди. Бошқа дебиторлик қарзлари ҳисобот йили охирида 31917371 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, унинг салмоғи 31,75 % дан иборат бўлди. Дебиторлик мажбуриятлари таркибида қолган кўрсаткичларнинг салмоғи сезиларли даражада бўлмади. Корхонада муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлари ҳажми ҳисобот йили бошида 2977408 минг сўмни, охирида эса 204414 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 2772994 минг сўмга камайди.

Дебиторлик қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлиги алоҳида эътибор берилади. Негаки дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бирidir.

Дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги деганда, қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициенти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди. Дебиторлик қарзларининг айланувчанлигини сотишдан олинган соф тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади.

Дебиторлик қарзларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендар кунига кўпайтриш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланиш кунини аниқланади. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини 5.9-жадвалда келтираамиз.

### 5.9-жадвал

#### Корхонанинг дебиторлик қарзларининг айланувчанлигини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври боши	Ҳисобот даври охири	Фарқи (+,-)
1.Дебиторлик қарзлари	53331418	100529763	+47198345
2.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	457340100	613071300	+155731200
3.Айланма активлар	56766442	103586466	+46820024
4.Муддати ўтган дебиторлик қарзлари	2977408	204414	-2772994
5.Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2 : 1)	8,57	6,10	-2,47
6.Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1x360:2)	41,98	59,03	+17.05
7.Айланма активлар таркибида дебиторлик қарзлари, % (1:3x100)	93,95	97,05	+3,1
8.Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, % (4:1x100)	5,58	0,20	-5,38

5.9-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада дебиторлик қарзларининг ҳажми ҳисобот даври бошига нисбатан 47198345 минг сўмга ошган. Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми эса ҳисобот йили охирида 613071300 минг сўмни ташкил қилиб, 155731200 минг сўмга ошган. Дебиторлик қарзларининг ундирилиш даври эса ҳисобот даври бошига нисбатан 17,05 кунга ошган. Яъни, дебиторлик қарзларининг ундириб олиниши бир қадар секинлашган. Бу ҳолат бевосита дебиторлик қарзлари ва маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум суммасининг ошиши ҳисобига рўй берган. Ҳисобот даврида дебиторлик мажбуриятларининг жами айланма активлардаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 % га ошган. Корхонада муддати ўтган дебиторлик қарзларининг дебиторлик мажбуриятлардаги улуши ҳисобот йили боши 5,58 %ни, охирида эса 0,20 % ни ташкил қилган.

Дебиторлик қарзларининг айланишига иккита омил таъсир кўрсатди:

1.Дебиторлик қарзлари ҳажми.

2.Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми.

Ушбу омилларни таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаймиз, (5.10-жадвал).

## 5.10-жадвал

### Дебиторлик қарзларининг айланиш даври ўзгаришини ҳисоб-китоби

Ҳисобни тар-тиб сони	Алмаштириш-ни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Дебиторлик қарзларининг айланиш даври (1x360:2)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+.-)
		Дебиторлик қарзларининг ҳажми	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум		
А	В	1	2	3	4
1	-	53331418	457340100	41,98	-
2	1	100529763	457340100	79,13	+37,15
3	2	100529763	613071300	59,03	-20,1

Омиллар баланси: +17,05

5.10-жадвал маълумотларидан кўринишича, дебиторлик қарзларининг айланиш куни 17,05 кунга секинлашган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида бўлган:

1. Дебиторлик қарзлари ҳажмининг 47198345 минг сўмга ошиши натижасида дебиторлик қарзларининг айланиш куни 37,15 кунга кўпайган.

2. Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажмининг 155731200 минг сўмга ошиши дебиторлик қарзларининг айланиш кунини 20,1 кунга камайтирган.

Шундай қилиб, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг: (+37,15)-(-20,1)=+17,05 кун.

Корхонанинг дебиторлик қарзларини таҳлили натижаларидан кўришиб турибдики, корхонада ҳисобот йилида муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлари бўлган. Шу боисдан, корхонада муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини олдини олиш мақсадида қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъулиги ва уларнинг шартларига қатъий амал этиш;

- даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартини белгилаш.

Ушбу амалий тавсияларни корхона фаолиятига тадбиқ этилиши натижасида, унинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳамда иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишга эришиш мумкин.

Барча корхона ва ташкилотларнинг бозорда фаолият кўрсатишида зарур шарт- ҳисоб китоб ва молиявий интизомга қатъий риоя қилишдир. Товарлар ва хизматлар бўйича барча ҳисоб-китоблар ҳар икки томон тасдиқлаган шартномаларга мувофиқ белгиланган муддатларда бажарилиши шарт. Мажбуриятларнинг бузилиши корхоналарда ишлаб чиқаришда узилишларга олиб келади, тўловларни амалга оширмаслик занжирига ҳамда дебиторлик ва

кредиторлик қарзларнинг кўпайишига, уларнинг молиявий аҳволини ёмонлашувига олиб келади.

Кредиторлик қарзи – бошқа жисмоний ва юридик шахслардан вақтинча жалб этилган маблағлардир. Улардан шу корхонанинг айланмасида вақтинча фойдаланилади. Уларни тўлаш муддати келганда бу маблағлар айланма маблағлар суммасидан олиб берилиши керак.

Кредиторлик қарзлар – «бошқа корхоналар ҳисобидан фаолият кўрсатиш» деса ҳам бўлади. Чунки кўп корхоналар маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун банк кредитларидан эмас, балки кредиторлик қарзларидан фойдаланадилар.

Кредиторлик қарзи қайтарилганда мажбуриятлар суммаси камаяди. Шунингдек, айланма маблағлар, яъни пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ҳам камаяди. Бундай ҳолатда бухгалтерия балансининг якуний суммаси камаяди, қарз корхонанинг маблағлари ҳисобидан узилади.

Кредиторлик қарзи қисқа муддатли қарзнинг бир қисми бўлиб, у «Мажбуриятлар» баланс пассивининг 2-бўлимида кўрсатилади.

Кредиторлик қарзларни узишда корхоналар муддати ўтган мажбуриятларни, сўнгра муддати келган тўловларни амалга оширгани мақсадга мувофиқ. Томонлар ўртасида шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлиги учун иқтисодий санкцияларни жорий этилганлиги ва жарималар ундирилиши маблағларнинг ноўрин сарфланишига сабаб бўлади. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари бўлмаганлиги ҳам молиявий барқарорликни ифодаловчи муҳим омилдир. Кредиторлик қарзларни ҳам 90 кун ичида қайтарилганлиги корхона учун ижобий ҳол ҳисобланади.

Энди корхона амалий маълумотларини қўллаган ҳолда, кредиторлик қарзлари суммаси ва тузилмасини ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз, (5.11-жадвал).

#### 5.11-жадвал

#### Корхона бўйича кредиторлик қарзлари суммаси ва тузилмасининг ўзгаришини таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Фарқи	
	сумма, м.с.	салмоғи, %	сумма, м.с.	Салмоғи, %	сумма, м.с.	сал- моғи, %
<b>Кредиторлар</b>						
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	88433	0,69	6142	0,01	-82291	-0,68
Шўъба ва қарам жамиятларнинг қарзлари	105217 91	82,44	47125609	93,60	+36603818	+11,16
Олинган бўнақлар	136777 8	10,72	2164011	4,29	+796233	-6,43
Бюджет бўйича қарзлар	109392	0,86	102667	0,20	-6725	-0,66
Мақсадли давлат фондига тўлов қарзлари	95283	0,75	138571	0,27		-0,48
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	480424	3,76	530882	1,05	+50458	-2,71
Бошқа кредиторлик қарзлари	100105	0,78	277417	0,55	+177312	-0,23

Жаъми	127632 06	100	50345299	100	+37582093	-
Муддати ўтказиб юборилган	-	-	-	-	-	-

5.11-жадвал маълумотларидан кўринишича корхонада кредиторлик мажбуриятлари ҳажми 37582093 минг сўмга кўпайган. Унинг ўсиш суръати эса 3,9 марта ошган.

Кредиторлик қарзларининг тузилмасида ҳам ўзгаришлар бўлган. Унинг таркибида ҳисобот даврида шўъба ва қарам жамиятлар қарзининг салмоғи 82,44; 93,60 % ни ташкил қилган ҳолда, йил бошига нисбатан 36603818 минг сўмга ошган.

Корхонада кредиторлик қарзлари таркибида олинган бўнақларлар салмоғи йил бошида 10,72 % ни, йил охирига келиб 4,29 % ни ташкил қилган ҳолда, 796233 минг сўмга ошди. Бюджет бўйича қарзлар ҳисобот йили охирида 102667 минг сўмни ташкил қилиб, унинг салмоғи 0,20 % дан иборат бўлди. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ҳисобот йили охири йил бошига нисбатан 50458 минг сўмга ошган ҳолда унинг дебиторлик қарзлари таркибидаги улуши 1,05 % ни ташкил қилди.

Кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларни ўрганиш асосида баҳо бериш учун 5.12-жадвални келтирамиз.

#### 5.12-жадвал

#### Корхона бўйича кредиторлик қарзларининг айланишини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври боши	Ҳисобот даври охири	Фарқи (+.-)
1.Кредиторлик қарзлари	12763206	50345299	+37582093
2.Сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш таннархи	4573401	6130713	+1557312
3.Мажбуриятлар	12763206	50345299	+37582093
4.Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани	-	-	-
5.Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициентини (2 : 1)	0.36	0.12	-0.24
6.Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1x360:2)	1,01	2.96	+1.95
7.Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % (1:3x100)	100	100	-

5.12-жадвалдан кўринишича, таҳлил қилинаётган корхонада кредиторлик мажбуриятлари ҳисобот йили охирида йил бошига нисбатан 37582093 минг сўмга ошган. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи эса ҳисобот йили бошида 4573401 минг сўмни, йил охирида эса 6130713 минг сўмни ташкил қилиб, 1557312 минг сўмга ошган. Кредиторлик қарзларининг ошганлиги сабабли унинг айланиш тезлиги 0,24 коэффициентга камайган. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври 1,95 кунга ошган. Бундан кўриниб турибдики,

кредиторлик қарзларининг узиш муддати ошиб борган. Айниқса, таҳлил йилларида корхонада муддати ўтган кредиторлик қарзларининг йўқлиги эътиборга лойиқдир.

Кредиторлик қарзларининг жами мажбуриятлар таркибидаги салмоғини ҳисобот даврида 100 % ни ташкил қилганлиги корхонани банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитларидан фойдаланмаётганлигидан далолат беради.

Банкнинг кредитидан фойдаланмасликни корхона учун ижобий ҳамда салбий томонлари бор. Ижобий қирраси қарз сўрамасдан зарур айланма маблағларга эга бўлиб, фаолият кўрсатиш ва фоизлар тўламасдан пул тушумига эга бўлишлик саналса, салбий томони кўшимча маблағлар жалб қилиб, ўз фаолиятини янада кенгайтирган ҳолда фойда олишни кўпайтиришга ўрганмоқлик бозор иқтисодиёти талабларидан биридир.

Энди, 5.12-жадвал маълумотларига асосланган ҳолда, корхонада кредиторлик қарзларининг айланишига таъсир этувчи омилларни иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири – занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (5.13-жадвал).

5.13-жадвал маълумотларидан кўринишича, кредиторлик қарзларининг айланиш даври 1,95 кунга ошган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1.Кредиторлик мажбуриятлари ҳажмининг 37582093 минг сўмга ошиши натижасида кредиторлик қарзларининг айланиш куни 2,95 кунга ошган.

### 5.13-жадвал

#### Кредиторлик қарзларининг айланиш даври ўзгаришини таҳлили

Ҳисобни тартиб сони	Алмаштиришни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Кредиторлик қарзларининг айланиш даври (1x360:2)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)
		Кредиторлик қарзларининг ҳажми	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарни		
А	В	1	2	3	4
1	-	12763206	4573401	1,01	-
2	1	50345299	4573401	3,96	+2.95
3	2	50345299	4573401	2,96	-1

Омиллар баланси: +1,95

2.Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарнининг 1557312 минг сўмга ошиши, кредиторлик қарзларининг айланиш кунини 1 кунга камайтирган.

Шундай қилиб, ҳисобланган иккита омилнинг таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг:

$$(+2,95)-(-1) = +1,95 \text{ кун.}$$

Ҳар бир корхона раҳбари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати фақат шу корхонанинг эмас, балки унга ҳамкор бўлган ва умуман бутун республика иқтисодиётининг молиявий аҳволига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири эканлигини доимо эсда тутишлари лозим. Демак, корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш, уларнинг таркибини такомиллаштириш ва

шу йўл билан унинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини яхшилаш корхона кун тартибига қўйилган асосий масалалардан биридир.

### **5.3.Молиявий натижа кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш**

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида иқтисодий дацаклардан кенг кўламда фойдаланилади. Буларга фойда, баҳо, рентабеллик кўрсаткичлари, солиқ, кредит, дивидендлар киради. Ушбу иқтисодий дацаклар ичида фойда иқтисодий манфаатларни уйғунлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи энг муҳим мезондир.

Фойда корхонанинг келгуси равнақи, ходимларни ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбадир. Бозор иқтисодиёти луғатида фойда – бу бухгалтерия тушунчасида даромаднинг кўпайганлигини англатади, деб таърифланган.

Бундан ташқари фойдага (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти масади сифатида ҳам қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Иқтисодчи олимлар А.В.Ваҳабов ва А.Т.Иброҳимовлар «Молиявий ва бошқарув таҳлили» дарслигида фойда кўрсаткичига қуйидагича таъриф берадилар: «Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар ўртасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди».

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадларни ва харажатларни, яъни фойдани аниқлаш ва ўлчаш- корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепсияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар – бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталидаги омонатлардан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишдир.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиш кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклини камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Шунингдек, фойда хўжалик субъектларининг маҳсулот сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари натижасидан ҳамда фавқулоддаги вазиятлардан сўнг ўз барча харажатларини қоплаб, кўшимча орган даромадлар йиғиндисидан иборатдир, деб тушуниш ҳам мумкин. Демак, олинган фойдани таҳлил қилишда, даромаднинг кўпайган ёки камайганлиги, бунинг ўзгариш сабабалари ҳамда таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

Молиявий натижалар таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқлашидаги ҳолатга ҳам баҳо берилади. Молиявий натижаларни таҳлил қилишда фойда ва зарарнинг шаклланиш каторлари бўйича ўзгаришлари

ўрганилади. Фойда ва зарарнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

- корхонанинг ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиш;
- асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;
- умумхўжалик фаолиятдан келган фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;
- солиқ тўлангунга қадар фойда ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;
- соф фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларни ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш;
- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишда асосий ахборот манбаси сифатида 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» дан фойдаланилади. “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) жараёнининг якуний маҳсули бўлиб, у ички ва ташқи фойдаланувчилар учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга таҳлил жараёнида корхонанинг «Бухгалтерия баланси», «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома», «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот», «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот», «Молиявий-иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома» каби ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб-китоблари қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири - таҳлил қилинаётган объект ёки бирорта иқтисодий тоифани холисона баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий ва методологик жиҳатдан ҳар томонлама асослашдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари бу кенг қамровли тушунчадир. Уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама асосланган хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, аввало, уларни илмий жиҳатдан таснифлаш керак. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар ғоят кўп белгилар билан таснифланади. Чунончи, иқтисодий кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни, фойдаланиш даражаси, ифодаланиш шакли, умумлаштириш даражаси, хўжалик фаолиятининг бўғинлари ва шаклланиш ҳолати бўйича каби



белгилар бўйича таснифлаш қабул қилинган. Бу ўринда биз молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифини ҳавола қилиш билан чекланамиз, зеро кўрсаткичларни ушбу белги бўйича таснифлаш тегишли хулоса чиқариш учун йетарли бўлади. Ушбу кўрсаткичлар таснифи куйидаги расмда кўрсатилган, (5.1-чизма).

5.1-чизмадан кўринишича, молиявий натижаларнинг шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар бир қанча. Бинобарин, уларнинг ҳар бири маълум миқдорга эга бўлиши ва таҳлил қилинаётган тоифанинг у ёки бу жиҳатини ифодалаш керак. Бу ҳолат аниқ ахборотлардан фойдаланишни тақозо этади. Демак, молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими унинг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир.

Корхонанинг соф фойдаси молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги» Низомга кўра куйидаги оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак:

1. Ялпи фойда = Соф тушум – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойда (зарар) = ялпи фойда - давр харажатлари ± асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат).



**5.1-чизма. Молиявий натижалар шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи.**

3. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) = асосий фаолиятдан олинган фойда + олинган дивидендлар + бошқа олинган дивидендлар ± олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар ± бошқа олинган ва тўланган фоизлар ± валюта курси фарқи ± молиявий фаолият бўйича бошқа даромад (харажат).

4. Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар) = умумхўжалик фаолиятдан келган фойда ± фавқулоддаги фойда (зарар).

5. Соф фойда (зарар) = солиқ тўлагунга қадар фойда - фойдадан солиқ - бошқа солиқлар ва ажратмалар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш авваламбор, корхона ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан бошланади. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан шаклланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таҳлиliga қаратилади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ички имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, омилли таҳлил усулларида кенг миқёсда фойдаланишни талаб қилмоқда. Шу боисдан, маҳсулот сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилди.

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда (зарар) ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш учун қуйидаги 5.14-жадвални келтирамиз.

#### 5.14-жадвал

**Корхонада маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили**

Тартиб рақами	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили боши	Ҳисобот йили охири	Ҳисобот йили охири
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум, (м.с.)	726803	1062485	1224630
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари, (м.с.)	528282	763589	905261
3.	Маҳсулот сотишдан келган ялпи фойда, (м.с.) ( 1қ – 2қ )	198521	298896	319369

5.14-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил объектида маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда ҳажми ҳисобот йил ўтган йилга нисбатан 120848 минг сўмга ошган. Унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши:  $298896 - 198521 = +100375$  минг сўм. (+)

2. Баҳо ва ишлаб чиқариш таннархи ҳажмининг ўзгариши:  $319369 - 298896 = +20473$  минг сўм. (+)

Шундай қилиб икки омилнинг йиғиндиси умумий натижага тенг:  $100375 + 20473 = +120848$  минг сўм.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятдан олинган фойдаси киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланади. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Корхонада асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга баҳо беришда давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳамда харажатларни ҳам таҳлил қилиш керак.

Энди корхона амалий маълумотларидан фойдаланган ҳолда операцион фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (5.15- жадвал).

#### 5.15-жадвал

#### Корхонаининг асосий фаолиятдан кўрилган фойда (операцион фойда) ҳажмининг таҳлили

(минг сўм)

Тартиб рақами	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили боши	Ҳисобот йили охири	Мутлақ фарқ, (+,-)	Ўсиш суръати, %
1	Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда	198521	319369	+120848	161
2	Давр харажатлари	199723	327888	+128165	164
3	Асосий фаолиятнинг бошқа операцион даромадлари	10271	9650	-621	94
4	Асосий фаолиятнинг боша операцион харажатлари	-	-	-	-
5	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан тушган фойда (1қ-2қ+3қ-4қ)	9069	1131	-7938	125

5.15-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилаётган корхонада асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажми ҳисобот йили охири йил бошига нисбатан 7938 минг сўмга камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1.Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг 120848 минг сўмга кўпайиши натижасида асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори шу суммага ошди. (+)

2.Давр харажатлари ҳажмининг 128165 минг сўмга ортиши эвазига асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори шу миқдорда камайган.(-)

3.Бошқа операцион даромадлар миқдори 621 минг сўмга камайган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмини шу суммага камайтирган.(-)

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган 3 та омилнинг таъсири:  $(+120848)+(-128165)+(-621) = -7938$  минг сўм. Бу эса асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга (7938) тенг.

Энди, асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (5.16-жадвал).

### 5.16-жадвал

#### Асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натижавий кўрсаткич - Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда $[1y-2y+3y]$	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+,-)
		ялпи фойда	давр харажатлари	асосий фаолиятдан келган бошқа операцион даромадлар		
А	Б	1	2	3	6	7
1	-	198521	199723	10271	9069	-
2	1	319369	199723	10271	129917	+120848
3	2	319369	327888	10271	1752	-128165
4	3	319369	327888	9650	1131	-621
Омиллар баланси:					-7938	

Одатда, операцион даромадларни асосий қисми хўжалик шартномасига мувофиқ мол етказиб бериш бўйича шартномаларни бажармаганлиги учун тўланадиган жарима, пеня (ўсим) ҳамда юзага келган зарарларни қоплашдан тушган даромадлар; ҳисобот йили аниқланган ўтган йилдаги фойда миқдори; рента даромади; асосий фондлар ва бошқа моддий бойликларни сотишдан келадиган даромадлар; тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзлари; корхонанинг ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлардан иборат бўлади.

Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидан ташқари молиявий соҳалар натижасида ҳам фойда ёки зарар олишлари мумкин. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар қўшилади ва

зарарларни айририш орқали аниқланади.

Корхоналарни хўжалик ҳамда молиявий фаолиятларидан олинадиган даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, молиявий фаолиятдан юзага келадиган харажатлар улушининг ортиши корхоналарни инқирозга олиб келиши мумкин. Ҳозир молиявий фаолиятдан кўрилган натижаларнинг хўжалик юритувчи субъектлар яқуний молиявий натижаларига кўрсатаётган таъсири беқиёс даражада ошиб бормоқда.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс эттирилади:

- уюшма ва шўъба корхоналаридан олинадиган даромадлар;
- бошқа олинган даромадлар;
- уюшма ва шўъба корхоналарига берилган қарзлар бўйича фоизлар;
- чет эл валюталари операциялари ва валюта счетлари бўйича ижобий курс фарқлари;

- сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан олинадиган фойда.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйдагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган корхона фаолиятида ўз улиши билан қатнашишидан олинадиган даромадлар, корхонага қарашли акция дивидендлари;

- узоқ муддатга ижарага берилган мулкдан олинадиган даромадлар;
- валюта счётлари ва операсиялари бўйича ижобий курс фарқлари;
- фоизлар бўйича бошқа тўловлар.

*Молиявий харажатларга қуйидаги моддалар киради:*

- банкга қисқа муддатли кредитлар бўйича тўловлар ва мол етказиб берувчилар кредитлари бўйича фоиз тўловлари харажатлари;

- узоқ муддатга ижарага олинган мулк юзасидан фоиз тўлаш бўйича харажатлар;

- чет эл валютаси билан боғлиқ операсиялар юзасидан зарар ва салбий курс фарқлари;

- сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Таҳлилда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига, мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ҳамда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб қатор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг қаторлари бўйича берилган изоҳлардан олинади. Таҳлил қилинаётган корхона бўйича умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойдани ўсиш суръатини ҳавола этамиз, (5.16 -жадвал).

**5.16-жадвал**

**Корхона бўйича умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданинг ўсиш суръати**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили боши		Ҳисобот йили охири		Ўзгариши (+,-)	
	фойда	зарар	фойда	зарар	фойда	зарар
А	1	2	3	4	5 (3-1)	6(4-2)
1. Операцион фойда	9069	-	1131	-	-7938	-
2. Дивидендлар шаклидаги даромадлар	-	-	28	-	-	-
3. Фоизлар шаклидаги даромадлар (харажатлар)	-	-	10384	-	-	-
4. Молиявий лизингдан даромадлар (харажатлар)	-	-	-	-	-	-
5. Валюта курси фаркидан даромадлар (зарарлар)	232	432	568	817	+336	+385
6. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари (харажатлари)	-	-	-	-	-	-
7. Молиявий фаолият бўйича жами даромадлар (харажатлар) Жами (2+3+4+5+6)	232	432	10980	817	+10748	+385
8. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (1+-7)	8869	-	11294	-	+2425	-

Умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (5.17-жадвал).

**5.17-жадвал**

**Умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

Ҳисоблашни тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натижавий кўрсаткич-умумхўжалик фаолиятидан келган фойда (1ус + 2ус -3ус)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+, -)
		операцион фойда	молиявий фаолият бўйича жами даромадлар	молиявий фаолият бўйича жами харажатлар		
		<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
		9069	232	432	8869	-
		1131	232	432	931	-7938
		1131	10980	432	11679	+10748
		1131	10980	817	11294	-385

Омиллар баланси: +2425

Шуни таъкидлаш керакки, соф фойда миқдори фақат бир асосий фаолиятгагина боғлиқ эмас. Унинг шаклланишида бир қатор кўшимча фаолиятлар ҳам мавжудки, уларнинг корхонанинг соф фойдасининг шаклланишидаги хиссаси катта. Булар қаторига молиявий фаолиятдан олинадиган фойда (зарар), тасодифий фойда (зарар)лар киради.

Корхонанинг солиқ тўлангунга қадар фойдаси асосий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан олинадиган натижа, фавқулодда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича аниқланади. Солиқ тўлангунга қадар фойда давлатнинг ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг эътибор шартидаги асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Корхонада солиқ тўлангунга қадар фойдани таҳлилини ҳавола қиламиз, (5.18- жадвал).

### 5.18-жадвал

#### Корхонада солиқ тўлангунга қадар фойда ҳажмининг ўсиш суръати (минг сўм)

Т.р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили боши	Ҳисобот йили охири	Мутлақ фарқ, (+, -)	Ўсиш суръати, (%)
1.	Умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда (зарар)	8869	11294	+2425	127
2.	Фавқулодда фойда	-	-	-	-
3.	Фавқулодда зарар	-	-	-	-
4.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар) (1қ + 2қ – 3қ)	8869	11294	+2425	127

Таҳлил қилинаётган корхонада ҳисобот йили давомида фавқулодда фойда ва зарар кўрилмаган. Солиқ тўлангунга қадар фойда ҳажми ҳисобот йили охири йил бошига нисбатан 2425 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 127 % ни ташкил этди.

Корхоналарни молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи барометр - соф фойда миқдоридир. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойдадан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмаларни чегириш асосида аниқланади.

Соф фойда - корхонанинг бутун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма турлари бўйича, шу жумладан, маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича аниқланади.

Соф фойданинг шаклланиши ва уни тўғри тақсимлаш ҳамда ундан оқилона фойдаланишда шундай мақбул тартибни қўллаш керакки, токи у корхона жамоаси ва ҳар бир ходим меҳнатининг самарадорлигини оширишга бўлган моддий манфаатдорлигини ўз-ўзидан кучайтирсин. Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши ўзига хос хусусиятга эгадир. Буни қуйидаги 6.2-чизмада кўришимиз мумкин.

Корхонада соф фойданинг таркиб топиши, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш усуллари ҳамда соф фойдани тақсимлаш борасидаги ўз йечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича айрим тавсияларни келтирамиз. Бунинг учун эса қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз, (5.19-жадвал).

### 5.19-жадвал

#### Корхона соф фойдасини таҳлили

(минг сўм)

Т.р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили боши		Ҳисобот йили охири		Ўзгариши	
		сумма, (минг сўм)	салмоғи, %	сумма, (минг сўм)	салмоғи, %	сумма, (минг сўм)	салмоғи, %
1.	Солиқ тўлангунга қадар фойда	8869	100	11294	100	+2425	-
2.	Фойда (даромад) солиғи	8374	94,4	6349	56,2	-2025	-38,2
3.	Бошқа солиқлар ва ажратмалар	40	0,5	393	3,5	+353	+3
4.	Жами солиқлар (2қ+3)	8414	94,8	6742	59,7	-1672	-35,1
5.	Ҳисобот даври соф фойдаси (зарари) (1қ-4қ)	455	5,1	4552	40,3	+4097	+35,2

5.19-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона бўйича ҳисобот йили бошида фойданинг 94,9 %и давлат бюджетига тушган, 5,1 %и эса корхона ихтиёрида қолган. Ҳисобот йили охирида эса бюджетга тўловлар 59,7 %ни (56,2%+3,5% ) ташкил қилган бўлса, соф фойда эса 40,3 % ни эгаллади ёки 35,2 %га кўпайди.

5.19-жадвал маълумотларидан кўринишича, ҳисобот йили соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 4097 минг сўмга ошган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1.Солиқ тўлангунга қадар фойдани ўзгариши.

2.Солиқ ва тўловларнинг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (5.20-жадвал).



**Соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби**

Ҳисобни тартиб сони	Алмаштиришни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Соф фойда	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+.-)
		Солиқ тўлангунга қадар фойда	Жами солиқлар		
A	B	1	2	3 (1-2)	4
1	-	8869	8414	455	-
2	1	11294	8414	2880	+2425
3	2	11294	6742	4552	+1675

Омиллар баланси: +4097

Соф фойда маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича ҳам аниқланади.

Соф фойда ҳажмининг 4097 минг сўмга кўпайиши қуйидаги омиллар ҳисобига рўй берди:

-маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумни ўсиши корхонанинг соф фойдасини 497827 минг сўмга оширган ;

-сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархининг ошиши соф фойда ҳажмини 376979 минг сўмга камайтирган ;

-давр харажатларини ўтган йилга нисбатан ошганлиги соф фойдани 128165 минг сўмга камайтирган ;

- асосий фаолиятдан олинган даромадларини камайиши соф фойда ҳажмини 621 минг сўмга камайтирган ;

- молиявий фаолиятдан даромадларни ошиши фойдани 10748 минг сўмга оширган ;

- молиявий фаолиятдан харажатларни ошиши фойдани 385 минг сўмга камайтирган ;

- фойда солиғи ва тўловларини камайиши фойда суммасини 1672 минг сўмга оширган .

Шундай қилиб, барча омиллар таъсирида ҳисобот йили соф фойдасининг умумий фарқи келиб чиқади:  $(497827-376979-128165-621+10748-385+1672=+4097$  минг сўм.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичини яхшилашнинг ички имкониятларини излаб топиш йўллари аниқлаб берадиган энг муҳим иқтисодий воситалардан бири. Бинобарин, молиявий натижаларни омилли таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад фойда турлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни ҳисоблаш ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари суммасини аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга сафарбар қилишдан иборат.

Таҳлил қилинаётган корхонанинг соф фойдаси ҳажмини ошириш учун катта имконият бўлган. Ҳисобланган 7 та омилдан 4 тасининг таъсири салбий

бўлган. Агар ушбу омиллар йил бошидаги даражада сақланиб қолинганида эди, соф фойда суммаси 506150 минг сўмга ошган бўлар эди (376979+128165+621+365). У ҳолда, соф фойданинг умумий ҳажми ҳисобот йили 510702 минг сўми (506150 + 4552) ёки унинг ўсиш суръати 10 марта эмас (4552:455 x100) : 1724368 x 100), балки 12 марта (510702 :455 x 100) ошган бўлар эди. Демак, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар миқдори 506150 минг сўмга тенг экан.

Бинобарин, корхона бошқарув маъмурияти келажакда омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, уларни амалиётга сафарбар қилиш йўллари ишлаб чиқиши лозим.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий салоҳиятини ошириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлик даражасини таъминлаш учун бозордаги фаолликни кескин тарзда кучайтириш керак.

Фойданинг мутлақ миқдори корхоналарнинг хўжалик юритиш борасидаги самарадорлик даражасини ҳар томонлама белгиламайди. Шу боисдан нисбий кўрсаткичларни аниқлаш талаб қилинади. Бу кўрсаткич – рентабеллик кўрсаткичларидир.

Корхоналар фаолиятининг якуни рентабеллик - иқтисодий самарадорлик кўрсаткичида ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажмини белгилайди.

Рентабеллик хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, хўжалик фаолияти натижаларини тўла ва ҳар томонлама тавсифлаб беради. Рентабелли корхоналар ҳамма харажатларини ўз даромадлари билан қоплайдилар ва иқтисодиётни ривожлантириш учун кўшимча фойда яратадилар. Корхоналар ўзлари ҳосил қилган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, ходимларни моддий рағбатлантириш учун маблағ сарфлайдилар. Бу ўринда эътиборда тутиш керакки, корхоналар хўжалик фаолиятини иқтисодий томондан муцаҳкам қилишга фақат рентабелликни ўцириш билангина эришиб бўлмайди. Бунинг учун корхоналарни ихтисослаштириш, уларнинг фаолияти аҳоли ва иқтисодиёт талабларини қондиришини кўзда тутган ҳолда олиб борилиши, ҳамма ходимларнинг асосий диққатини корхона ички имкониятларидан фойдаланиб, рентабелликни оширишга қаратиш талаб қилинади.

Рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси - бу рентабеллик кўрсаткичларнинг янги тизимини яратиш, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш орқали таҳлил қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ўргатишдан иборатдир.

Рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун ахборот манбалари сифатида молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Рентабеллик кенг қамровли тушунчалар қаторига кирганлиги боис, унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси хусусида тўлиқ ҳамда мукамал хулоса

